

**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари**

АХБОРОТНОМАСИ



№4 (04) 2010

Сайёра РАШИДОВА,
Уполномоченный Олий Мажлиса Республики
Узбекистан по правам человека, академик

ПРИОРИТЕТНЫЕ АСПЕКТЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА В УЗБЕКИСТАНЕ КАК ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ КУЛЬТУРЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ

Сегодня мы являемся не только свидетелями, но и участниками демократических преобразований, происходящих в стране, одним из направлений которых является формирование новой правовой системы, основанной на принципах верховенства закона и приоритета прав и свобод человека.

Провозгласив курс на строительство демократического, правового государства, Узбекистан объявил высшей ценностью общества человека, его права и свободы. Для того, чтобы эти высокие принципы стали подлинными ориентирами развития общества, в стране разработана и последовательно осуществляется выверенная государственная политика обеспечения прав и основных свобод человека.

Государственная политика в сфере защиты прав и свобод личности положена в основу деятельности различных государственных, в том числе и судебных органов, направленной на осуществление и защиту интересов, прав и свобод личности во взаимосвязи с ее обязанностями.

Как показали годы независимости, постепенное и поэтапное реформирование общества, позволили Узбекистану за относительно короткий срок построить фундамент национальной государственности, основанной на принципах верховенства закона, разделения властей, обеспечения и защиты прав и законных интересов граждан.

Государство предприняло ряд мер, направленных на реализацию этих положений, обеспечение соответствия национального законодательства этим высоким стандартам, создание необходимых условий для плюрализма мнений и верховенства закона, реального осуществления принципов разделения властей и независимости судебной системы, предоставления гарантий прав и свобод личности, продемонстрировав приверженность нашей страны идеалам и ценностям прав человека в своей государственной политике.

Приоритет прав человека нашел свое отражение в разделе II Конституции Республики Узбекистан.

Преамбула Основного закона торжественно провозгласила приверженность правам человека и принципам государственного суверенитета.

«Важнейшей программной задачей нового этапа развития является дальнейшая демократизация и либерализация всех сторон общественной жизни, государственного и общественного строительства, укрепление независимой судебной системы, защита прав и свобод человека, повышение политической, экономической активности граждан, формирование основ гражданского общества», – отметил Президент Узбекистана Ислам Каримов в своем выступлении на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан 27 января 2010 года.

Государственная политика Узбекистана в сфере соблюдения и защиты прав человека осуществляется в следующих направлениях:

Во-первых, создана законодательная основа обеспечения и защиты прав человека. Парламентом принято свыше 400 законов, гарантирующих все категории прав и свобод человека – личные и гражданские, политические, социальные, экономические, культурные и экологические права. Республикой Узбекистан ратифицированы свыше 70 международных договоров по правам человека, включая Международный билль о правах человека, основные документы ООН, ОБСЕ в сфере прав человека. Положения Всеобщей декларации прав человека имплементированы в Конституцию и национальное законодательство Республики Узбекистан.

В Узбекистане в 2008 году полностью отменена смертная казнь, введен институт «Хабеас корпус». Кроме того, нынешний год объявлен «Годом гармонично развитого поколения», в рамках которого предусмотрено совершенствование и дальнейшее укрепление правовой базы по обеспечению интересов и защиты прав молодежи.

Во-вторых, последовательно проводится судебно-правовая реформа. В этих целях осуществлена

либерализация уголовной политики введением специализации судов общей юрисдикции, введением апелляционного порядка рассмотрения дел, сокращением сроков расследования и содержания под стражей, созданием демократичного правового механизма подбора и утверждения судебных кадров, принятием нормы, реально обеспечивающей принцип состязательности в судебном процессе, равенство прав прокурора и адвоката.

В-третьих, активно развиваются институты гражданского общества, составляющие основу негосударственной системы защиты прав человека. В Узбекистане поэтапно развивается процесс вовлечения институтов гражданского общества в сферу контроля за деятельностью силовых и правоохранительных структур. С учетом важности проблемы прав человека, решение которой лежит не только на государстве, но и обществе в целом, стоит задача акцентировать внимание и усилия негосударственных организаций на данную проблему, ориентировать их деятельность на защиту демократических ценностей, защиту прав человека, осуществление постоянного общественного мониторинга за соблюдением прав человека государственными органами и должностными лицами.

В-четвертых, активно осуществляется международное сотрудничество в области прав человека. За прошедший период договорными комитетами ООН рассмотрены и даны рекомендации по 18 Национальным докладам Узбекистана о выполнении положений шести международных договоров по правам человека. Кроме того, Узбекистан признал компетенцию Комитета по правам человека принимать индивидуальные жалобы о нарушении прав по Международному пакту о гражданских и политических правах.

В целях выполнения рекомендаций договорных комитетов ООН правительством приняты Национальные планы действий, создана Межведомственная рабочая группа по изучению состояния соблюдения правоохранительными органами прав человека. В состав данной группы входит и представитель Омбудсмана.

В-пятых, в соответствии с положениями Венской декларации и программы действий в области прав человека, рекомендациями международных организаций в Узбекистане создана институциональная система защиты прав человека, осуществляется национальный мониторинг за реализацией прав и законных интересов граждан, функционирует система образования в области прав человека, учреждены национальные институты по правам человека.

Ярким свидетельством приверженности Узбекистана политике обеспечения и защиты прав и свобод человека является девиз празднования 19-ой годовщины государственной независимости Республики Узбекистан – **“Высшая ценность священной Родины – человек, его права и интересы”**.

Для достижения целей государственной политики в области прав человека государству в лице должностных лиц необходимо работать в активном сотрудничестве с общественными движениями, неправительственными организациями и органами самоуправления граждан. Причем главным критерием в деятельности государственного аппарата должно стать уважение к правам человека, соблюдение закона, что в свою очередь зависит от уровня правовой культуры и правового сознания должностных лиц и сотрудников государственных органов. Поэтому особо значимым фактором поддержки правовых и демократических преобразований и их реализации должны стать высокий уровень правовой культуры и правосознания всех слоев общества.

Особую актуальность в настоящее время приобретают ведущие принципы, раскрывающие нравственную сущность права, правовой жизни общества, к которым относятся - признание прав и свобод человека, воспитание граждан в духе взаимного уважения друг к другу.

В целях повышения уровня правовой культуры населения, устранения факторов, препятствующих ее развитию, государством были разработаны направления и определены формы деятельности по формированию в стране правовой культуры. Для этого на первых этапах нашей независимости в 1997 году была принята Национальная программа по повышению правовой культуры в обществе, направленная на создание всеохватывающей постоянно действующей системы формирования правовой культуры с тем, чтобы все слои населения овладели правовой грамотностью, достигли высокого уровня правосудия, могли применять правовые навыки в повседневной жизни.

В повышении конституционного правосознания населения, воспитании и развитии правового сознания, мышления и культуры молодого поколения в 2001 году было принято Распоряжение Президента Республики Узбекистан «Об организации изучения Конституции Республики Узбекистан».

Многотысячным тиражом издаются более двадцати специализированных журналов и газет правозащитной тематики, во всех школах, колледжах и лицеях, высших образовательных учреждениях изучаются правовые основы защиты прав человека. Новый импульс развитию правосознания граждан придал Указ Президента Республики Узбекистан от 1 мая 2008 года «О Программе мероприятий, посвященных 60-летию принятия Всеобщей декларации прав человека».

Идея прав и свобод человека как высшей ценности нашла свое отражение в Постановлении Президента Республики Узбекистан «О подготовке и проведении празднования девятнадцатилетия государственной независимости Республики Узбекистан» от 30.06.2010 г., в котором особо отмечается, что независимость послужила основой для проявления

каждым нашим соотечественником своих способностей и дарования, обеспечения прав и свобод человека в нашей стране.

Таким образом, в стране сформирована и развивается система непрерывного просвещения в области прав человека и формирования правовой культуры общества.

О повышении правового сознания нашего населения в период с обретения Республикой Узбекистан независимости можно судить и по характеру обращений, поступающих в адрес Уполномоченного Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека. Институт Омбудсмана, являющийся внесудебным органом защиты прав человека, был создан впервые в странах СНГ в 1995 году по инициативе Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова.

Парламентский Омбудсман является конституционным независимым органом по защите прав человека. Омбудсман при осуществлении своих полномочий является самостоятельным и независимым от государственных органов и должностных лиц, и ежегодно представляет отчеты парламенту. В отличие от омбудсманов западноевропейских стран, в компетенцию узбекского Омбудсмана входит не только парламентский контроль за деятельностью исполнительных органов по реализации законодательства в области прав человека, но и вопросы соблюдения и защиты прав человека судами и правоохранительными органами, организациями, учреждениями, предприятиями независимо от форм собственности.

За 15 лет деятельности к Уполномоченному по правам человека поступило около **80 тысяч** обращений граждан в 1995 году к Омбудсману поступило всего 262 обращения, то в 2009 году - уже **10409** обращений, что подтверждает рост доверия населения и авторитета института Омбудсмана в обществе. Как показывает анализ, характер обращений граждан изменился - до 2003 года наибольшее количество жалоб граждан было связано с несоблюдением прав граждан в сфере правосудия, то в период с 2004 года основное количество обращений было связано с социально-экономическими вопросами. Изменения характера жалоб еще раз отражают результаты проводимых реформ в судебной правовой сфере и процессов формирования сильного гражданского общества, а также наглядно свидетельствуют о повышении правовой культуры населения, которое все чаще использует правовые средства защиты своих прав и интересов. В своих обращениях граждане указывают не только нарушения различных категорий прав, но конкретных должностных лиц органов государственной власти и управления на местах, допустивших такого рода нарушения.

В адрес Уполномоченного по правам человека в 2009 году гражданами были направлены **10409 жалоб**, в том числе региональным представителям

1294, в центральный офис **7394**, при этом **6671** обращение получено из территорий страны, **48** - из пенитенциарных учреждений.

Изучение проблем, поднимаемых в жалобах граждан, подтверждает, что тематика обращений, принятых Уполномоченным к производству, существенно не изменилась: по-прежнему, наибольшее количество обращений граждан связаны с вопросами соблюдения и защиты личных прав граждан - **3988** обращений (54%), по вопросам обеспечения социально-экономических - **2693** обращений (36%), о соблюдении политических прав - **395** обращений (5%), по другим вопросам - **317** обращений (4%).

Характер жалоб граждан и поднимаемые в них вопросы выступают своего рода индикатором и играют весомую роль в определении существующих проблем в обществе, выявлении недостатков в работе государственных органов, а также дают возможность определить наиболее эффективные меры по их устранению.

Вызывает озабоченность поступление большого количества обращений граждан в адрес Уполномоченного по правам человека, связанных с действиями работников правоохранительных органов. Так, статистические данные свидетельствуют о том, что в 2009 году возросло количество обращений по обеспечению **прав граждан на свободу и личную неприкосновенность** и составило **1588** (21,5%) от общего количества, причем в 2009 году заметно возрос показатель жалоб о несогласии с арестом и заключением под стражу. **886** обращений о нарушении права на свободу и личную неприкосновенность были взяты на контроль и **115** разрешены положительно.

Анализ и изучение обращений граждан, поступающих к Уполномоченному Олий Мажлиса по правам человека, свидетельствуют о том, что встречающиеся нарушения законности в деятельности правоохранительных органов обусловлены целым комплексом факторов. Среди них можно отметить следующие: недостаточная правовая культура отдельных сотрудников правоохранительных органов, проявляющаяся в незнании законодательства, пренебрежении к праву, недостаточной постановке правового воспитания в служебных коллективах, отсутствии должного контроля и надзора за деятельностью органов внутренних дел, безнаказанности работников за совершение противоправных действий. Одна из наиболее серьезных причин нарушений законности заключается в незнании или недостаточном знании действующего законодательства, отсутствии или недостаточном уровне знаний в области теории и практики прав и свобод человека.

К примеру, в своем обращении к Омбудсману гр-н Ж.Б. высказал недовольство действиями сотрудников органов внутренних дел Узунского района Сурхандарьинской области (дело №2471р-1ж).

Обращение было изучено совместно с Министерством внутренних дел Республики Узбекистан. По результатам проверки жалобы было установлено, что по факту совершения кражи в доме гр-на О.А., проживающего в Узунском районе Сурхандарьинской области, в соответствии со статьей 169 части 2 УК РУ было возбуждено уголовное дело. В целях раскрытия преступления 18 апреля 2009 г. примерно в 09.00 оперуполномоченный лейтенант Д. Нажмитдинов, майор Ч. Жураев, инспектор профилактики ОВД Узунского района капитан Э. Кузиев и председатель махалли Д. Мингкулова провели обыск места проживания гр-на Ж.Б., не имея на то разрешения.

В связи с тем, что обыск жилья гр-на Ж.Б. был проведен указанными лицами без судебного санкционирования, в отношении них применены меры дисциплинарного характера и приняты меры по предотвращению нарушений норм процессуального законодательства.

Указанные проблемы позволяют сделать вывод о несформированности необходимого для стабильного демократического и правового государства и развитого гражданского общества **уровня культуры прав человека.**

Правовая культура работников правоохранительных органов имеет большое значение для обеспечения реализации прав граждан, их охраны и защиты. Именно правоохранительные органы в первую очередь обеспечивают охрану прав, свобод, законных интересов граждан, непосредственную общественную безопасность и общественный порядок в государстве. Выполняя эти функции работники правоохранительных органов, как бы создают необходимые условия для реализации прав личности, ее свобод и обязанностей. Именно на этой основе происходит повышение в общественном мнении граждан оценки качества работы правоохранительных органов, создание в обществе психологического климата личной заинтересованности каждого в укреплении законности и правопорядка.

Таким образом, необходимость безупречного действия механизма защиты и охраны прав и свобод граждан требует от всех работников правоохранительных органов не только высокой правовой культуры, но и культуры уважения прав человека. Высокая правовая культура работников правоохранительных органов обеспечивает наиболее полную и стабильную реализацию прав и свобод личности, их правовую охрану и защиту, служит показателем уровня и состояния законности в демократическом обществе, его правовой культуры.

Именно поэтому правовое просвещение населения, в том числе сотрудников правоохранительных органов, судейского корпуса является одним из важнейших направлений деятельности Уполномоченного Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека.

Для того, чтобы уважение прав и свобод человека как основы демократии в нашей стране стало нормой, необходимо, чтобы граждане сами осознавали свои права и свободы, имели определенные знания в данной сфере, уважали права и достоинство других людей, а также обладали практически навыками в области их защиты. Все это — важнейшие элементы **культуры прав человека**, а высокий уровень культуры прав человека, в свою очередь, одна из гарантий реализации прав и свобод.

Впервые понятие «культура прав человека» появилось на страницах информационных материалов ООН в 1989 г. Однако оно не было предметом исследования в науке, в юридической литературе до сих пор нет дефиниции этой категории, хотя понятие «культура прав человека» вытекает из идеи гуманизации права.

Культура прав человека представляет собой совокупность знаний о правах человека и механизмах их признания, соблюдения и защиты, а также умений и навыков защиты (в том числе и самозащиты) прав человека — как собственных, так и прав человека других членов общества.

Уникальность культуры прав человека заключается в тесной связи ее основных частей, из которых можно выделить знания, мировоззренческие установки или взгляды, навыки и умения, находящиеся в системном взаимодействии.

Культура прав человека характеризуется состоянием просвещенности населения в сфере прав и свобод человека, выработанных в обществе навыков решения конфликтов на основе толерантности, диалога, социального партнерства и т.п.

Характеризуя культуру прав человека, можно выделить следующие основные черты:

во-первых, культура прав человека является составной частью духовной культуры и представляет собой систему знаний, ценностных ориентации и взглядов, психологических чувств, основанных на признании и уважении достоинства человека, его прав и свобод, а также практических навыков и умений по их реализации и защите;

во-вторых, культура прав человека позволяет развивать гражданские качества личности, необходимые для формирования конституционного правосознания; определяет отношение к конституционным механизмам защиты прав человека, формирует навыки их использования;

в-третьих, формирование культуры прав человека требует целенаправленной деятельности государства и гражданского общества по направлениям и в формах, главным из которых является обеспечение права человека знать свои права, закрепленные в международно-правовых актах и гарантированные государством, так как право знать свои права — важнейшая гарантия всех прав человека, в первую очередь права на защиту прав человека;

в-четвертых, важную роль в прогрессе культуры

прав человека в обществе играет развитие моральных ценностей, убеждений, отстаивающих права и свободы, а также формирование у человека соответствующих мировоззренческих установок и отношения к процессам общественного развития.

Итак, стоит задача по претворению в жизнь важного этапа правового просвещения — это **формирование культуры прав человека**.

Сегодня формирование культуры прав человека, на наш взгляд, можно расценивать как основную цель правового образования и просвещения в области прав человека, а также приоритетным направлением образовательной политики органов государственной власти на центральном и региональном уровне.

Смысл формирования культуры прав человека заключается в том, чтобы привить людям — гражданам и должностным лицам — уважение к человеческой личности и научить их пользоваться правами человека. Поэтому формирование культуры прав человека имеет глубокий гуманистический смысл и, в конечном счете направлено к духовному обновлению общества. Пути формирования культуры прав человека включают разработку учебных курсов в средней и высшей школе, издание международно-правовых документов и специальной литературы, пропаганду прав человека с помощью средств массовой информации, создание научных центров и кафедр прав человека, совершенствование деятельности специальных структур по охране прав человека организованных в системе государственных органов, и наконец, развитие широкого общественного правозащитного движения.

В целях осуществления успешной работы по правовому просвещению и обеспечению культуры прав человека в деятельности государственных органов и, особенно в деятельности работников судебных и правоохранительных органов, Уполномоченным по правам человека предполагается осуществить ряд мероприятий, в частности:

- проведение цикла семинаров-конференций по вопросам обеспечения законных интересов и свобод граждан Узбекистана через повышение культу-

ры прав человека в деятельности правоохранительных органов и институтов гражданского общества на период с 2010-2011 годы во всех регионах страны;

- разработка методических материалов по обучению правам человека. При этом важно отметить, что обучение правам человека должно включать в себя не только овладение знаниями в этой области, но и приобретение навыков и умений по защите своих прав;

- разработка и осуществление программ по формированию правовой культуры граждан, содержащей целый комплекс мер и мероприятий государственных органов и общественных организаций.

Следует отметить, что непременным условием надлежащего осуществления прав и свобод в обществе служит, безусловно, высокий уровень культуры прав человека, для формирования которого необходимо, чтобы граждане сами осознавали свои права и свободы, имели определенные знания в данной сфере, уважали права и достоинство других людей, обладали навыками и умениями в области защиты прав и свобод.

Культура прав человека должна способствовать становлению демократического гражданского общества. В этих условиях именно образование, просвещение и воспитание в области прав человека, повышение правовой культуры способствуют активному обеспечению процессов реформ, модернизации и обновления всех сторон жизни общества в Республике Узбекистан.

На современном этапе развития нашего общества идея культуры прав человека очень созвучна с идеей, развитой Президентом Республики Узбекистан И. Каримовым в труде «Юксак маънавият — энгилмас куч», который справедливо отмечает, что **"маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзлаган мақсадга эришолмаймиз, яъни, инсон қалбига йўл тополмаймиз"**.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш маданиятини шакллантиришда Узбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид давлат сиёсатининг устивор йўналишларининг таҳлилига бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида муаллиф бугунги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлашнинг асосий йўналишлари қисқача кўрсатилиб ўтган. Асосий қисмда эса инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид фаолият, инсон ҳуқуқларининг маданияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, Омбудсман ва бошқа маъсул органлар фаолияти батафсил таҳлили ёритилган. Хулоса қисмида муаллиф Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларининг маданияти ва уни ривожлантириш истиқболларига қисқача тўхталиб ўтган.



МУСТАҚИЛЛИК – ҲУҚУҚ ДЕМАҚДИР

Халқимиз тарихнинг мамлакат тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қисқа фурсатларида даврнинг мураккаб синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўзининг олий мақсадлари сари дадил интилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, ўтган ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлди.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида эришган барча ютуқларимиз, йилдан-йилга мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши, аввало, юртимизда инсон ва унинг манфаатлари устувор этиб белгилангани билан боғлиқ, десак янглишмаймиз. Хусусан, амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг туб моҳиятида ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадриятдир, деган қонуннинг мазмуни акс этган. Халқимиз Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини муносиб кутиб олган 2010 йилда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган ғоя ўртага ташланар экан, шу эзгу ғоя атрофида юртимиз аҳли ҳамжиҳатлиги, яқдил фикрга эгаллигини намоён қилаётгани қувонарлидир.

Ҳа, эзгуликка хизмат қилувчи ҳар бир фаолият заминида, аввало, шунга муносиб мазмундаги ҳуқуқ тушунчаси, шу тушунча орқали амал қиладиган имкон ва қафолатлар мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг чуқур ва кенг мазмундаги «мустақиллик – ҳуқуқ демақдир» деган теран иборасида барча соҳаларни қамраган ислоҳотлар ривож учун ҳуқуқ ва эркинликлар, имтиёз ва қафолатлар берилиши, инсон манфаатларининг тўла ҳимояланиши ифодаланган.

Шу ўринда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида қўшилган 70 га яқин халқаро ҳужжатларнинг қоидалари Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз нормаларида ўз аксини топганлигини таъ-

кидламоқчимиз. Республикамизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи муассасалар фаолияти тобора такомиллашаётгани, шунингдек, мазкур соҳа бўйича яратилган миллий институтлар фаол ишлаётгани эътиборга молик. Бинобарин, шахс жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланади ва ҳар бир инсон шахс сифатида ҳурмат қилиниши лозим. Зеро, инсон озод бўлиб туғилади ва у эркин яшаш, табиий ҳамда қонуний ҳуқуқларидан дахлсиз фойдаланишга ҳақли. Бундай олий қадриятларга амал қилган, бу борада мамлакат аҳлининг, ўз фуқароларининг қатъий ҳимоясини таъминлаган давлат ҳар томонлама тараққий этаверади. Чунки мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя шахснинг меҳнат ва ижодий, интеллектуал қобилиятлари, ташаббускорлигини намоён этишга бўлган интилишларини кучайтириб, унга кенг имкониятлар беради. Шу билан бирга, одамларнинг ўзига, жамият ва давлатга бўлган ишончини, керак бўлса, садоқатини оширади.

Шу боис Конституциямиз қоидаларига мувофиқ қабул қилинган бир қатор кодекслар ҳамда «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги ва бошқа шу каби кўплаб қонунларнинг изчил ижросини таъминлаш, доимий назорат қилишга энг муҳим вазифа деб қаралмоқда. Жумладан, бу борада Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб таҳлилий мулоҳаза юритсак, инсон ҳуқуқлари соҳасига оид эришилган ижобий натижаларнинг ёрқин ифодасини кўраимиз.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, давлатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни изчил ва қатъий бажариб келмоқда. Ўзбекистон БМТнинг конвенциявий органлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бу соҳа-

даги давлат сиёсати БМТ томонидан ишлаб чиқилган дастурлар доирасида амалга оширилмоқда. Юртимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлиги конституциявий асосда белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган бошқа вазирлик ва идоралар қатори Адлия вазирлиги томонидан ҳам фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштиришга назарий ва амалий жиҳатдан жиддий ёндашиляпти. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон ва унга боғлиқ шахслар ҳамда оиласи тақдири борлигини ўзини шу ишга масъул деб билган ходимларимиз чуқур ҳис этишади.

Барча мурожаатларда билдирилган масалалар таҳлил этилганда улар ичида суд қарорлари, жойлардаги турли идора ва ташкилотлар айрим мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан чиқарилган баъзи қарорлардан норозилик мазмунидаги, иш ҳақлари ўз вақтида берилмаётганлиги ҳақидаги шикоятлар борлиги кўзга ташланади. Келиб тушган шикоятларнинг барчаси қонуний ечимини топаётгани аҳолининг адлия тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашда ижобий таъсир кўрсатади, албатта. Фуқароларнинг қонуний тартибда кўриб чиқилган мурожаатларида тилга олинган ва тасдиғини топган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга киритилган тақдимномалар ижроси тўла таъминланмоқда. Шунингдек, қонунга зид 121 та ҳужжат бекор қилиниб, 832 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Улардан 49 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган. Бу жараёнларда фуқаролар фойдасига 421 миллион сўмдан ортик маблағлар ундирилиб, уларнинг манфаатлари ҳимоя қилинди. Айниқса, жойларда иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш ҳамда ходимларни ноқонуний тарзда ишдан бўшатиш ҳолатларига чек қўйиш адлия идораларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Шунингдек, қонунчилик доирасида тегишли ташкилот, идора ва муассасаларга бир қатор оғоҳнома, кўрсатма, маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар киритилди. Шунга асосан 221 нафар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Бундай таъсир чораси уларни зиммасига юклатилган масъулиятли вазифага жиддий қарашга, қонунларни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга, жавобгарлик муқаррарлигини англашга ҳам ундайди. Қонунчиликни қўпол равишда бузиш ҳолларида 4 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Ўз навба-

тида адлия идоралари томонидан судларга киритилган даъво аризалари қаноатлантирилмоқда.

Конституциямизга мувофиқ ҳар бир шахснинг мурожаат қилиш ҳуқуқини «**Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида**»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари доирасида ҳаётга тўлақонли татбиқ этиш муҳим вазифаларимиз сирасига киради. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар ҳамда Адлия вазирликлари ўртасида имзоланган «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида»ги келишув амалиётда ижобий самара бераётир.

Ҳар бир шахснинг Асосий қонунимизда белгиланган мулкдор бўлиш ҳуқуқи, хусусий мулкнинг давлат томонидан муҳофазаланиши кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг негизи ҳисобланган тадбиркорлик соҳасига оид амалдаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва улар фаолиятига ноқонуний аралашувларга барҳам бериш борасида сезиларли ишлар қилинаётир.

Шу йўналишдаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш ҳамда тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатларни ўрганиш жараёнида тадбиркорларнинг халқимизга хос фазилат саналган меҳнатсеварлиги, билимдон ва ташаббускорлиги яққол кўзга ташланади. Ишлаб чиқариш, савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фидойилик кўрсатаётган юрдошларимизнинг гайрат-шижоати туфайли элимиз дастурхони, истеъмол бозорлари аҳоли эҳтиёжига мутаносиб равишда маҳсулотлар билан таъминланаётганини ҳар биримиз чуқур англаймиз. Бироқ, жойлардаги айрим масъул шахсларнинг лоқайдлиги, ўз вазифасини етарлича адо этмагани натижасида кичик ва ўрта бизнес иштирокчилари, тадбиркорлар фаолиятига нисбатан ноқонуний муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам юзага келган.

2010 йил давомида ҳам адлия идораларига тадбиркорлардан келиб тушган шикоятлар қонуний ҳал этилмоқда. Ариза ва шикоятлар ичида маҳаллий ҳокимликлар, солиқ ва банк идоралари баъзи ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норозилик мазмунидаги мурожаатлар борлигини қайд этмоқчимиз. Шуларни назарда тутиб, адлия органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётга йўналтирилган.

Шу соҳага оид қонунбузилиш ҳолатларини тезда аниқлаш ва амалий чоралар кўришда яқин кўмакчимизга айланган «Ишонч телефонлари» ҳам мунтазам ишлаб турибди. Тадбиркорлар улар орқали 529 маротаба мурожаат қилишган ва бу мурожаатларнинг барчаси ижобий ечим топди. Шунингдек, тадбиркорларни қизиқтирган турли масалалар юзасидан батафсил ҳуқуқий тушунтиришлар берилмоқда.

Яна шуни айтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда фермер хўжалиklarининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган тадбирлар натижасида ҳисобот даврида жами 12 миллиард 109 миллион сўмдан зиёд пул маблағлари фермер хўжалиklarига тўлаб берилган. Тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширишларнинг олдини олишда алоҳида ўрин тутаётган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» билан барча тадбиркорлик субъектлари таъминлангани ижобий ҳолдир. Мазкур китобнинг белгиланган тартибда юритилиши юзасидан доимий мониторинг ўтказилиб, йўл қўйилган қонунбузарликлар юзасидан аниқ таъсир чоралари кўрилмақда.

Соҳага доир амалдаги қонунлар ижросини ўрганишда ва келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқишда асосий эътибор тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тегишли органларга тақдимномалар киритиш орқали ёки суд тартибиде тиклашга, айбдорларни жавобгарликка тортишга ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг ундирилишини таъминлашга, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилаяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб рақамларини очиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқишда йўл қўйилган ортиқча йиғим ундириш каби салбий ҳолатлар атрофлича ўрганилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилаяпти.

Ёшларнинг иш билан бандлиги, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси нақадар муҳим ўрин тутишини яққол кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг **«Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармонида мазкур ўқув юртларини тамомлаган ўғил-қизларни ишга қабул қилган тадбиркорларга солиқ имтиёзларининг кафолатланишида эзгу мақсадлар кўзда тутилган. Бу нафақат шу соҳа ходимларини рағбатлантиради, балки ёш мутахассисларнинг билим ва иқтидорини амалда рўёбга чиқаришга,

тажриба, малакага эга бўлишга, ҳаётда ўз ўрнини топишга катта ёрдам беради. Шу билан бирга, ушбу соҳанинг келажакдаги тараққиётига яна бир замин ҳозирлайди.

Иқтисодий соҳалардаги тўб ислохотларнинг самарали кечишида хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ўзига хос ўрни бор. Ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган бу турдаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қисқа давр ичида катта тажрибаларга эга бўлдик. Бу эса хорижий инвесторларнинг турли йўналишларда сармоялар киритишга бўлган қизиқишларининг ортишида маълум даражада ижобий аҳамият касб этади. 2010 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида адлия идораларига шу турдаги корхоналар томонидан қилинган мурожаатлар юзасидан батафсил ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда туман ва шаҳарларда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига оид қонун ҳужжатларининг амал қилишини ўрганиш жараёнида аниқланган жами 830 та қонунбузилиш ҳолати юзасидан таъсир чоралари кўрилди. Шунингдек, фаолияти тўхтаб турган бу турдаги корхоналарни бирма-бир ўрганиб чиқиш натижасида мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, уларнинг фаолиятини тиклаш чоралари кўрилаяпти.

Жамият тараққиёти, соҳалар ривожини ва давр талаби қонунчиликни янада такомиллаштиришни, ислохотлар жараёнида юзага келган масалаларнинг қонуний ечим топишига ҳуқуқий асослар яратиш боришни тақозо этади. Шу мақсадда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган вазифамиз доирасида малакали мутахассисларимиз изчил фаолият олиб бормоқда. 2010 йилда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган жами 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг 49 таси қонун лойиҳаси, 19 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, 74 таси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишидан иборат. Шу билан бирга, бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тайёрланиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилганлиги миллий қонунчилигимиз ривожини билан бирга ҳуқуқшунос мутахассисларимизнинг билим ва малакалари ортаётганини ҳам аниқлатади.

Президентимизнинг 2010 йил 27 январдаги қарори билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-

ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифасини амалга ошириш жараёнларида Адлия вазирлиги мутахассислари ҳам фаол иштирок этмоқда. Мазкур дастурнинг Адлия вазирлиги ҳам ижрочи сифатида белгиланган 22 та банди ижроси бўйича ҳам ўзаро ҳамкорликда самарали ишлар қилинмоқда.

Идоравий норма ижодкорлиги соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив хусусиятга эга бўлган қарорлар лойиҳаларини давлат рўйхатидан ўтказиш мақсадида муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, жорий йилда шу турдаги 128 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидага мувофиқ рўйхатдан ўтказилиб, 11 та ҳужжатга техник ҳужжат деб хулоса берилди. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш билан бирга қабул қилинган бундай ҳужжатларни маҳаллий матбуотда эълон қилиш, манфаатдор шахслар эътиборига етказиш катта аҳамият касб этади. Бинобарин, мазкур идораларнинг норматив хусусиятга эга бўлган қарорларининг тегишли тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмай қабул қилиниши унинг амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда қонунчилик техникаси қоидаларига зид бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Бу эса фуқаролар, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлиши амалда кузатилган. Шу боис адлия идоралари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу борадаги фаолияти доимий ўрганилиб, тизимли таҳлил қилинмоқда.

Маълумки, фуқаролар, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ФХДЁ, адвокатура ва нотариал идораларнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, жойларда нотариусларнинг тезкор ва малакали хизматига бўлган эҳтиёж ортаётганини англаш қийин эмас. Нотариал идораларнинг давр талабларига муносиб равишда аҳоли эҳтиёжларига мос ишлашни таъминлаш бу турдаги фаолиятнинг тобора такомиллаштирилишини ҳам тақозо этиши табиий ҳол. Шу мақсадда Президентимизнинг 2010 йил май ойидаги **«Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»**ги Фармонида мувофиқ вазирлигимиз томонидан бир қатор амалий ишлар қилинаётгани эътиборга молик. Хусусан, айна пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда янги очилаётган давлат нота-

риал идораларини фуқароларга қулай жойда жойлашган бинолар билан таъминлаш, уларга зарур моддий-техник шароитлар яратиш чоралари кўрилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, кенг қамровли ислохотларнинг муваффақиятли кечиши, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган ҳуқуқ ва эркинликларнинг тўла таъминланиши, ҳаётчанлиги нафақат қонун ҳимоячилари фаолияти, балки фуқароларнинг ҳуқуқий савияси, қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушуниши билан узвий боғлиқдир. Зеро, жамият ҳар бир аъзосининг эркин фикрлаши, ўз қадр-қиммати, ҳуқуқларини билиши унинг шу жамият ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратади.

Адлия вазирлиги давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш билан биргаликда идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида мунтазам равишда тарғибот ишларини олиб бормоқда. Жойларда ўтказилаётган учрашув ва жонли мулоқотлар, турли мавзудаги семинар ва давра суҳбатларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини пухтароқ эгаллашга қизиқишлари ортаётганини кузатиш мумкин. Муҳими, қайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар, улар ҳуқуқий билимлар ҳар бир шахс учун ҳаётини заруратга айланганини англаб етмоқда. Шунинг баробарида ўз тажриба ва ҳаётини кузатишларидан келиб чиқиб, қонунчилик нормалари хусусида фикр-мулоҳазалар, таклифларни ҳам билдиришмоқда. Юртдошларимиз жамият ҳаётига, атрофдаги воқеликларга бефарқ эмас, ислохотлар тўб мазмуни билан уларнинг ҳаётига кириб бораётганини эътироф қилмоқдалар.

Мутахассисларимиз ҳуқуқий тарғибот тадбирларида республикамизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларида аҳолининг барча қатламларини қамраб олишни, тарғиботнинг таъсирчан воситаларидан фойдаланишни олоҳида назарда тутадилар. 2010 йилда олиб борилган 24 минг 300 дан зиёд тарғибот тадбирлари кўлами анча кенг. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар, жойларда ташкил этилган мулоқотлар, турли соҳалардаги масъул ходимлар учун ўтказилган семинарлар шулар жумласидандир.

Адлия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ички ишлар вазирли-

ги ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик Меморандумлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари билан тузилган ҳамкорлик режалари доирасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларига мазкур идора ва ташкилотларнинг масъул вакиллари жалб этилаётгани бу йўналишдаги фаолиятимизнинг самарадорлиги ортишини таъминламоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган Адлия вазирлигининг тармоқ дастурида ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш, бу борадаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларини мазмун ва сифат жиҳатидан янада такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоятлар адлия бошқармалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юртимизнинг барча туман, шаҳар ва қишлоқларида бола ҳуқуқлари, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинмоқда.

Республикаимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган, «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган ғоя асосида кенг қамровли тарғибот тадбирлари олиб борилди. Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси ходимларидан иборат 3 та ишчи гуруҳи аъзолари жойларда бўлиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлида қилинаётган улкан ишлар, миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш борасидаги ислохотларнинг туб моҳияти ҳусусида юртдошларимиз билан дилдан суҳбатлашмоқдалар.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«Истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётганини, ҳар бир юртдошимизнинг ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётганини»** бугун ҳар биримиз чуқур ҳис қилмоқдамиз.



АННОТАЦИЯ

Вышеуказанная статья посвящена анализу постепенного и поэтапного реформирования общества, позволившему Узбекистану за относительно короткий срок построить фундамент национальной государственности, основанной на принципах верховенства закона, разделения властей, обеспечения и защиты прав и законных интересов граждан. Во вводной части данной статьи автор указывает фундаментальные достижения во всех сферах общества в годы независимости и подробно освещает фундаментальные основы правовых реформ, указанных в произведениях Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова. В основной части статьи осуществляется тщательный научно-правовой анализ основных изменений и дополнений, внесенных в действующее национальное законодательство, влияние правовых реформ на деятельность органов юстиции, тщательно освещается деятельность Министерства юстиции Республики Узбекистан, приводятся статистические данные. В заключительной части автор освещает деятельность по подготовке к празднованию дня независимости в нашей стране.

Шухрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари —
Республика ҳарбий прокурори

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Ватанимиздаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, фаровонлик халқимизга мустақиллик туҳфа этган азиз неъматлардандир. Жамиятимиздаги барқарорлик боис юртимиз равнақи йўлида, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамият барпо этиш борасида улкан, бетимсол ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимиз азалдан тинчлик ва осойишталикни Ватан, она, озодлик каби муқаддас тушунчалар қаторида улуғлаб, эъзозлаб келади. Ватан озодлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги ҳимоячилари эса мудом ҳурмат-эътиборда.

Дунёда шарафли вазифалар кўп, аммо улар ичида энг шарафлиси киндик қонинг томган Ватанингни ҳимоя қилишдир. Зотан, Ватан - бу инсонга ато этилган энг улуғ неъмат, аждодларимизнинг нафаси уфуриб турган табаррук тупроқдир.

Инсон маънавий оламининг кучи, қудрати унинг Ватан олдидаги бурч ва масъулиятини қандай англаб тушунишида ҳам намоён бўлади. Президентимиз Ислон Каримов "Юксак маънавият - энгилмас куч" асарида маънавий жасорат туйғусига алоҳида тўхталиб, "Урганчни босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмиддин Кубронинг қаҳрамонлигида, дунёни тўфондек босган Чингизхон кўшинига қарши ўн бир йил муттасил мардона кураш олиб борган Жалолиддин Мангубердининг жанговар руҳида, юртимизни истилочилардан озод қилиб, буюк давлат барпо этган Амир Темур бобомизнинг бунёдкорлик салоҳиятида ҳам маънавий жасорат туйғуси буюк ва устувор аҳамият касб этгани шубҳасиз", деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ватан тарихини авваламбор, шижоат, жасорат, маърифату адолат, элу юртга садоқат безаб туради. Ўз ҳаёти давомида ана шундай фазилатларнинг энг юксак намуналарини бизга ибрат сифатида қолдирган аждодларимиз жуда кўп ва уларнинг хотираси мангуликка дахлдордир.

Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини биринчи навбатда унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга

куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади". Шу боис истиқлолимизнинг дастлабки кунларида - 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим қадам қўйилди: мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қуролли Кучларнинг мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, халқимизнинг тинчлиги ҳамда бунёдкорлик меҳнатини ҳимоялаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда 1992 йил 14 январда мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг давлатимиз тасарруфига ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган қонунига биноан 14 январь Ўзбекистонда Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимизнинг мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг кўламли ва моҳиятан улкан ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланиб, Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, Республикамиз аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилгани таъкидланган. "Мудофаа тўғрисида" ва "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунлар эса Қуролли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида мужассам этган.

Президентимиз Ислон Каримовнинг ташаббуси билан Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ амалга оширилган кенг кўламли ишлар барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армиямизни

шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатдан мутлақо янги тизимига ўтиш имконини берди. Қисқа вақт ичида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар тузилди. Миллий армиямизни босқичма-босқич ва тизимли равишда шакллантиришда, аввало, мамлакатимизнинг минтақада ва дунёда тутган геостратегик ва геосиёсий ўрнини, хавфсизлигимизга қарши қаратилган жиддий таҳдид ва хатарларни, айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши каби бало-қазолар ҳисобга олинган ҳолда иш тутилди.

Бугунги кунда миллий армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган бўлиб, айна пайтда миллий жанговар аънаналаримизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда.

Олий ҳарбий билим юртларида кадрлар тайёрлаш тизими изчил такомиллаштирилмоқда. Тошкент умумқўшин, Чирчиқ танк ва Самарқанд автомобиль олий ҳарбий қўмондонлик билим юртлари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди. 1995 йилда Марказий Осиёдаги дастлабки Қуролли Кучлар академияси ташкил этилди. Ахборот технологиялари ва моделлаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилди. Ташкилотчилик кўникмаларига эга, билимдон, мустақил ҳаракат қиладиган ва ҳар қандай шароитда тўғри қарорлар қабул қилишга қодир юқори малакали офицер-мутахассисларни тайёрлашга қаратилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори кичик командирлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида уч босқичли танлов ўтказиш яхши аънанага айланган. Энг илғор қўшилма, сержантлар тайёрлаш мактаби, олий ҳарбий билим юртини аниқлаш бўйича ўтказиладиган танловлар ҳарбий хизматчиларнинг касб малакаси, жанговар шайлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда бир йиллик муддатли ҳарбий хизматга қақурув танлов асосида амалга оширилмоқда. Ҳарбий хизматнинг янги тури - сафарбарлик қақуруви резерви ўзининг самарали эканини исботлади. 2009 йилдан бир йилда бир марта қақурувнинг жорий этилгани аскарларнинг хизматни сифатли ўташи ва ҳарбий мутахассисликка ўқитиш бўйича дастурларни пухта ўзлаштиришига, замонавий ахборот технологияларига оид би-

лимини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларининг замон талаблари асосида жиҳозланаётгани эса қақурилувчиларни сифатли тиббий кўрик ва синовлардан ўтказиш учун зарур қулайлик яратиб, Қуролли Кучларимиз шахсий таркибини яхши тайёрланган, бақувват ва мард йигитлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Президентимизнинг ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига қўшимча имтиёзлар беришга қаратилган қатор Фармон ва Қарорлари қабул қилинди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёзли баллга эга бўлмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шаклида ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида ушбу ҳаракат фаолиятида фаол иштирок эса, контракт суммасининг 35 фоизини моддий ёрдам тариқасида тўлайди. Ўтган йилларда ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин тўланадиган нафақалар миқдори бир неча баробар оширилди. Барча зарур уй-рўзғор буюмлари билан жиҳозланган хизмат турар жойлари ташкил этилаётгани, ҳарбийларимизга имтиёзли кредитлар берилаётгани посбонларимиз учун яратилган қулайликдир.

Сўнги йилларда ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун қурилиши мўлжалланаётган ҳарбий шаҳарчалар, ётоқхоналар, турар жой ва коттежларнинг энг яхши лойиҳа ва макетлари қўрғазма-танлови ўтказилиб, мунтазам равишда бир қатор ҳарбий округларда хизмат қиладиган ҳарбийларга янги уйлар топшириб келинмоқда.

Ҳарбийларни маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар боғчаси, спорт майдони, мактаб ва шифохонага яқин, барча зарур шарт-шароит яратилган турар жойлар билан таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ватан ҳимоячиларини оммавий спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча олий ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактаблари, ҳарбий қисм ва бўлимлар замонавий спорт инвентарлари, тренажёрлар билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, чегараларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган улкан ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун ҳар йили кўплаб

ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг фахрий ун-вонлари, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда.

Ислоҳотларнинг энг муҳим амалий натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар тамомила ўзгарганида ҳам кўриш мумкин. Ҳарбий хизматдан мустаҳкам ҳаётини қарашларга эга бўлиб қайтган ўғлонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этишга ҳар томонлама тайёр эканлигини намояндалар этмоқда. Ўқиш ва ишга киришда қатор имтиёзга эга собиқ аскарлар ҳар жиҳатдан тенгдошларига ўрнак бўлаётир. Юртимизда яшаётган ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи бўлмиш - Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишнинг нуфузи бениҳоя юксалди.

Ҳарбий хизматга чақирув танлов асосида амалга оширилмоқда. Бир ўринга бир неча йигит даъвогарлик қилмоқда. Бошқача айтганда, миллий армия сафларига сараларнинг сараси олинмоқда. Йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони таъкидлаганидек, нафақат фахрли бурч, балки шон-шараф ишига айланди. Яна бир муҳим жиҳати, ҳарбий хизмат ёшларимизни нафақат жисмонан ва маънан чиниқтирмоқда, балки уларнинг руҳи, иродасини тобламоқда, жасорати, интилувчанлигини кучайтирмоқда, уларда ватанпарварлик, ўз юрти ва халқига садоқат каби хислатларни шакллантирмоқда. Армия ёшлар учун ҳақиқий ҳаёт мактаби вазифасини ўтамоқда.

Президентимиз "Миллий армиямиз - мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" китобида таъкидлаганидек, миллий армиямизни барпо этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш

тарихи билан узвий боғлиқдир. Шу маънода, 14 январь санасини фақат ҳарбий хизматчилар эмас, умумхалқ байрами сифатида қабул қилишимиз, уни энг улуг, энг азиз айём - Мустақиллик байрами сингари юксак даражада нишонлаётганимиз табиийдир.

Бугун сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари, жанговар шайлиқда турган ҳарбий қисмларимизни, ҳар томонлама етук, жасур ва сергак посбон йигитларимиз шижоатини кўрганда кўнгилларимиз ифтихорга тўлади. Ўз Ватанига, халқига садоқатли офицер ва аскарлардан ташкил топган профессионал миллий армиямиз юртимиз мустақиллигининг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир.

Суд-ҳуқуқ соҳасида ва Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, ҳарбий прокуратура органлари ходимлари зиммасига ҳам қатор вазифаларни юклайди.

Республика ҳарбий прокуратураси органлари томонидан амалга оширилган амалий ишлар натижасида Қуролли Кучларда ҳарбий интизомнинг мустаҳкамланишига эришилди.

Шунингдек, ҳарбий прокуратура органлари ходимлари томонидан ҳарбий хизматчилар ва хизматчи фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида доимий равишда қонунчилик тарғиботи тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз - мустақиллик куни шодиёнларининг мамлакатимиз бўйлаб тинч, осойишта ва юксак савияда ўтишини таъминлашда Республика ҳарбий прокуратураси органларига ҳам улкан масъулият юклайди. Юрт мустақиллигини асраб-авайлашдек юксак ишонч-масъулият ҳаётимиз мазмунига айлансин ва мустақиллигимиз абадий бўлсин.



АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена празднованию дня независимости нашей страны. В ней освещаются фундаментальные идея независимости, реформирование национальной армии, судебные-правовые реформы, затронувшие Вооруженные силы Республики Узбекистан. Так же в статье приводятся конкретные статистические данные. Кроме того, проводится научно-правовой анализ нормативно-правовых актов в данной сфере. В заключении автор приходит к выводу, что государственная политика и реформирование осуществляемая в годы независимости положительно повлияла на Вооруженные силы нашей республики.

Бахтиёр МИРБОБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий
суди раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУНЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИДИР

Конституция ва қонун устунлиги тушунчаси ва моҳияти

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўзига хос бўлган тараққиёт йўлини, яъни бозор иқтисодиёти принципларига асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлини белгилаб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов таъкидлаб айтганидек, «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият курмоқчимиз... Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт¹.

Дарҳақиқат, адолат тушунчаси билан қонун устунлиги тушунчаси чамбарчас боғлиқдир. Юртбошимиз белгилаб берганидек, қабул қилинаётган қонунларимизнинг замирида адолат мужассам бўлмоғи лозим. Адолатга асосланган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши унинг тантана қилишига олиб келади.

Демократик жамият қуриш учун мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар адолатли бўлиши, ўзида халқ манфаатларини ифода этиши шарт. Бундай қонунларга оғишмай итоат этилсагина жамиятда демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Чунки барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситасида ҳаётга жорий этилади.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири – жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглиги, Конституция ва қонунлар устунлигининг таъминланганлигидир. Шу билан бирга Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат бўлмоғи лозим.

«Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жа-

мияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади»²

Қонун устунлиги бозор иқтисодиётига ўтиш ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг юртбошимиз белгилаб берган ва ҳаётда ўзини тўла оқлаётган бешта асосий принципларидан биридир.

Қонун устунлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида белгилаб берилган. Конституциянинг III боби иккита моддадан иборат бўлиб, «Конституция ва қонуннинг устунлиги» деб номланган.

Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Ўз фаолиятини Конституция ва қонунларга мувофиқ амалга ошириш давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг конституциявий бурчи бўлиб ҳисобланади. Агарда улар ўзларининг бу бурчларини бажармасалар уларга нисбатан қонунда белгиланган тегишли жавобгарлик чоралари қўлланиши мумкин.

Конституция ва қонунларга риоя этмаган шахсларнинг жавобгарлиги Конституциянинг ўзида ёки тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган бўлади. Масалан, Конституциянинг 93-моддаси 15-бандига мувофиқ Конституцияни, қонунларни бузган туман ва шаҳар ҳокимларини республика Президенти ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.

Бу борада шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Конституциянинг нормаси бошқа қонунларнинг нормаларига нисбатан устунлик характерида эга. Чунки Конституция барча бошқа қонунлар учун асосдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мос бўлишининг талаб этилиши
 Конституциянинг 16-моддасида мустаҳкамланган

қоидага биноан «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас». Агарда бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга зид келадиган бўлса, у албатта бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилади.

Хўш, Конституциянинг бу моддасига биноан қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мослигини қайси орган назорат қилади, деган саволнинг тўғилиши табиийдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қилишни уни қайси босқичда амалга оширилишига қараб қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

1. Дастлабки назорат. Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳа вақтида уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Қонунининг 18-моддасига мувофиқ «Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин».

2. Кейинги назорат. Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин амалга оширилади. Кейинги назоратнинг ўзини ҳам икки турга бўлиш мумкин.

Биринчидан. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан кейин, аммо у ҳали кучга киришидан аввал амалга ошириладиган назорат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали қилиб ташкил этилиши асосида қонунларга нисбатан шундай назоратни кучайтириш гоёси ётади. Эндиликда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Олий Мажлиснинг Сенатига юборилади. Олий Мажлиснинг Сенати қонунни кўриб чиқади. Сенат қонунни маъқуллаши ёки рад этиши мумкин. Рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти «фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир».

Бу нормага кўра Президент, биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилаётганлигини, иккинчидан эса, уларнинг Конституцияга мослигини назорат қилиб боради. Шунинг учун ҳам қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тар-

тибда расмий нашрларда эълон қилинган, юридик кучга эга бўлади.

Агар Президент қабул қилинган қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилмаган ёки у Конституцияга зид деб ҳисобласа, Конституция 93-моддасининг 17-бандига мувофиқ қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли.

Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қабул қилган умуммажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Конституция ва қонунларга мослигини уларни давлат рўйхатидан ўтказишдан аввал назорат қилади. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейингина кучга киради.

Ўзбекистон Республикасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умуммажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 17 июнда «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий-мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ва уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ва 1997 йил 9 октябрда «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилган эди.

Бу қарорларнинг моҳияти шундаки, улар умуммажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилишининг мажбурийлигини белгилаб берди. 1997 йил 9 октябрдаги қарорда кўрсатилишича, агар шундай ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилмаса, улар юридик кучга эга бўлмайди. Конституция ёки қонунга зид бўлганлари эса давлат рўйхатига олинishi мумкин эмас. Ана шундай йўл билан республика давлат бошқаруви органларининг умуммажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга ва қонунларга мослиги таъминланмоқда.

Иккинчидан. Кучга кирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослиги юзасидан назорат. Бундай назоратни норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ваколатига эга бўлган барча давлат органлари амалга оширади.

Конституция ва қонун устунлигининг амалга оширилиши кафолатлари

Умуман олганда қонунларнинг ижро этилиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ва қонунларга мос бўлишини назорат қилиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органлари томонидан олиб борилади.

Қабул қилинган қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиб бориш Олий Мажлис палаталари фаолиятида ўзига хос ўрин тутди. Олий Мажлис

палаталари томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш, уларнинг таъсирчанлигини ўрганиш, қонун ҳужжатларидаги камчиликларни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадини кўзлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, “Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа – бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир”.

Ортбошимиз Қонунчилик палатаси ва Сенатда қонунлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа органлар раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам муҳокама этилаётганлигини, аслида бу парламент фаолиятининг кундалик ишига айланиши зарурлигини, парламент назоратининг парламент сўрови, парламентда ҳисоботни эшитиш ва парламент фаолиятининг қонунда белгиланган бошқа шаклларида кенг фойдаланиш лозимлигини уқтириб ўтди. (Ислон Каримов. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. Тошкент, «Ўзбекистон», 2010, 25-26 бетлар).

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади».

Давлат бошқарув органлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги республика Президенти томонидан назорат қилинади. Агарда бирон бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат, масалан Вазирлар Маҳкамасининг қарори, вазирнинг буйруғи, ҳокимнинг қарори Конституцияга ёки қонунларга зид бўлса республика Президенти Конституция 93-моддасининг 16-бандига мувофиқ уни тўхтатишга ёки бекор қилишга ҳақли.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ «Ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ҳукумат ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид келадиган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатилади ва бекор қилинади».

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, қонун ус-тунлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар лойиҳаларининг киритилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларига асосланган жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, жиний жазоларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари парламентга киритилди. Уларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг самарасини бермоқда.

Улардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари инсоннинг яшаш ҳуқуқини, дахлсизлиги ҳуқуқини кафолатлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши республика фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг конституциявий кафолатларини яна ҳам мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган Қонунининг 20-моддасига мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги прокурор назоратининг предмети бўлиб ҳисобланади.

Судлар томонидан давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга ва қонунларга мослигини назорат қилиниши суд органларининг ваколатларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12-моддаси «Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш» деб номланган бўлиб, унинг биринчи қисмига мувофиқ «Давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун

ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин».

Суд ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб қарор чиқарган тақдирда бу қарор ҳамма давлат органлари ва бошқалар учун ҳам мажбурийдир. Чунки, Конституциянинг 114-моддасида «Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир» деб мустаҳкамлаб кўйилган.

Суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эълон қилинган ҳуқуқий ҳужжат юридик кучга эга эмас.

Агарда бирон-бир ҳужжатнинг қонунийлиги тўғрисида суд қарори мавжуд бўлса ўша ҳужжат юзасидан фуқаролар ёки ташкилотлар судга яна шикоят қилишлари мумкин эмас.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди.

Конституциянинг ушбу моддасида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ёки қонунларга мослигини умумий юрисдикция ёки ҳўжалик судлари назорат қилишга ҳақли эмаслар. Уларнинг Конституцияга мослигини аниқлаш Конституциявий суднинг мутлақ ваколати бўлиб ҳисобланади.

Шу ерда яна бир савол туғилади. Конституциявий суд фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қиладими ёки норма-

тив бўлмаган индивидуал ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам Конституцияга мослигини назорат қиладими? Бу тўғрисида Конституцияда ҳам, бошқа қонун ҳужжатларида ҳам аниқ кўрсатилмаган. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасининг охириги қисмига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинади» деган норма мустаҳкамланган.

Агар шу норма асос қилиб олинадиган бўлса, фикримизга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди индивидуал характерга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қилмаслиги лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Конституцияга мослигини назорат қилишда кўрсатиб ўтилган органларнинг, жумладан, Конституциявий суднинг ваколатлари муҳим аҳамият касб этади ва мамлакатимиздаги ислохотларнинг кейинги босқичларида яна ҳам такомиллашиб боради.

Шундай қилиб, қонун устунлиги қуйидаги уччала ҳолат бўлгандагина, яъни **биринчидан**, қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар адолатга, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига асосланган бўлганда, **иккинчидан**, барча бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлганда ва **учинчидан**, Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барча давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан аниқ бажарилгандагина ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Хулоса қилиб айтганда, биз мустақил тараққиётимиз даврида иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, буларнинг барчаси Конституциямиз ва қонунларимиз нормаларига оғишмай амал қилганлигимиз туфайли бўлди ва улар мамлакатимизда Конституция ва қонун устунлигининг амалдаги тантанасидир.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена влиянию верховенства закона и конституции на развития демократии. Во вводной части данной статьи автор освещает понятие и сущность верховенства закона и конституции. В основной части данной статьи проводится подробный научно-правовой анализ важности соответствия нормативно-правовых актов Конституции страны, гарантий обеспечения верховенства конституции и законов. В заключительной части автор приходит к выводу, что все положительные достижения в нашей стране достигнуты в результате обеспечения верховенства конституции и законности.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" китобида, 3-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон", 1996, 10-бет.

² Ислом Каримов. Адолат - қонун устуворлигида. "Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак" китобида, 10-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон", 2002, 28-бет.

КАДРЛАР ЗАҲИРАСИ БИЛАН ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин давлат бошқарувини ташкил қилиш умуминсоний принциплар ва миллий менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширила бошланди. Мазкур ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида ҳам ўз аксини топди. Ушбу қонун прокуратура органлари фаолиятининг самарали амалга оширилишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Прокуратура учун мазкур қонун билан белгиланган вазифаларни сифатли адо этиш учун кадрлар билан ишлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Президентимиз И.А.Каримов халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг 2008 йил 25 мартдаги навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида: **«...ҳар қандай ташкилот, корхона ёки жамоанинг тақдири ва истиқболли юксак малакали, мустақил фикрлайдиган, билимли ва тажрибали кадрлар ҳал қилади»**, деб таъкидлаган эдилар.

Шу нуқтаи назардан, прокуратура органлари томонидан кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида муайян ишлар қилинмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг мазкур даврида қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартибот барқарорлигини сақлашда, инсон ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда прокуратура органларида кадрлар билан ишлаш тизимини шакллантириш, бу борадаги масъул ходимларнинг касбий билим ва малакасини ошириш, кадрлар заҳирасини шакллантириш фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш зарур.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида, нутқ ва асарларида давлат хизматчилари ва раҳбар кадрларга қўйиладиган талаблар, раҳбар сифат-

ларининг шаклланиши, камол топиши, уларни тарбиялаш қанчалик муҳим эканлигини батафсил тushунтириб, шундай деганлар:

«Энг аввало, раҳбардан ақл-идрок талаб этилади. Ақл-идрокли бўлиш билан бир қаторда раҳбар одам мустаҳкам иродали, иймони бутун, ориятли бўлиши шарт. У бағри кенг, айни замонда талабчан бўлиши даркор.

Бизга ташкилотчи, ташаббус кўрсатиб, бошқаларни ҳам эргаштира оладиган раҳбарлар керак, чунки бундай инсонлар халқни жипслаштиради, савобли ишларга сафарбар этади»¹.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва турмушининг фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир.

Шу ўринда, прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун аввало кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, уларнинг касб-маҳорати ва малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Прокуратуранинг ҳар бир ходими прокуратура органлари олдида қўйилган вазифаларни виждонан ва масъулият билан бажариши, бунда зарур билим ва малакага эга бўлиши, ўзининг фидойилик, ҳалоллик ва қатъиятлилиги каби хислатларини намоён этиши зарур.

Булар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни билан прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда энг муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини

яхшилаш ҳақида”ги Фармони асосида кейинги йилларда бу масалага катта аҳамият берилмоқда².

Кўрилатган чора-тадбирлар ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар биримиз қонун бўйича яшаш ва меҳнат қилишни, қонун орқали ҳуқуқ ва эркинликларимизни ҳимоя қилишни, юклатилган мажбуриятларни қатъий бажаришни ўрганишимиз ва мунтазам равишда ўзимизни ва бошқаларни шу аснода тарбиялашимиз лозим.

Бош прокурорнинг 2005 йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли буйруғида ҳамда ушбу буйруқ билан тасдиқланган Низомларда прокуратура органлари аттестация комиссиялари ва прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби, ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш, кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялашга оид бошқа тартибга солувчи нормалар жамланган.

Буйруқ талабларига кўра, прокуратура органларига ишга қабул қилишда номзодлар сафидан муносибларини танлашга алоҳида эътибор берилган. Лавозимларга тайинлашда, биринчи навбатда, заҳира рўйхатлари инобатга олиниши, интизомий жавобгарликка тортилган ва ноҳўя хатти-ҳаракат содир этган ходимлар заҳирадан чиқарилиши белгиланган.

Шунингдек, прокуратура органларига ишга қабул қилинган ёш мутахассисларни тарбиялаш, касб-маҳоратини ошириш чоралари кўрилиши, уларга тажрибали ходимлардан мураббийлар тайинланиши ва уларнинг бу борадаги масъулияти оширилиши, туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда мураббийларнинг ёш ходимларни тарбиялаб боришлари талаб этилган. Шу билан бирга, ходимларнинг билими, касб-маҳорати ва малакасини ошириш борасидаги фаолият тубдан яхшиланиб, прокуратура органлари раҳбарлари ва таркибий тармоқ бошлиқлари бу ишда алоҳида намуна бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Барча бўш турган лавозимларни ўз вақтида тўлдириб бориш учун ҳар бир вилоят прокуратурасида кадрларнинг ҳақиқий заҳирасини яратиш билан боғлиқ ишлар йўлга қўйилган.

Кадрлар заҳираси талаб даражасида бўлишига, заҳирага билимли, тажрибали, касбига содиқ ва малакали ходимларнинг олинишини таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Ҳозирги даврда ходимларни бошқариш тизимини шакллантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири кадрлар заҳираси билан ишлаш ҳисобланади. Кадрлар заҳирасини яратиш, заҳирани режалаштириш, кадрларни танлаш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйишни ташкил этиш кадрлар билан ишлаш тизимининг муҳим таркибий қисмидир.

Бундан кўзланган мақсад эса, замон талабларига мос ходимларни танлаб олишни кенг ва тизимли йўлга қўйишдир.

Шу сабабли номзодларни излаш ва танлаш вакансия юзага келганда эмас, балки аввалдан тузилган режа асосида амалга оширилиши лозим.

Шу ўринда айтиш лозимки, заҳира – бу ходимларнинг истиқболли, фаол тайёрланган, юқори лавозимларни эгаллашга қодир бўлган қисмидир.

Кадрлар заҳираси тушунчасига бир нечта ёндашувлар мавжуд. Биринчидан, *кадрлар заҳираси* – бу «омбор», яъни муассасанинг маълумот тизимида (базасида) бўлган ҳамда вакант лавозимларни кейинчалик тўлдириш учун режали тайёргарликдан ўтаётган номзодлар таркибидир.

Кадрлар заҳираси билан ишлаш – бу истиқболда юқори лавозимларга тайинланиши мумкин бўлган ходимларни мўлжалланаётган лавозимга тайёрлашдир.

Раҳбар лавозимга номзодларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни турли лавозимларда ишлашга тайёрлаш прокуратура органлари иш самардорлигининг энг муҳим омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кадрлар заҳираси билан ишлаш тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Кадрлар заҳираси билан ишлашнинг асосий мазмуни ходимларнинг ҳаракати тасодифий бўлмасдан аксинча, у имкон даражада режалаштирилган, шунингдек, кадрлар салоҳиятини кучайтиришнинг умумий концепциясига уйғунлашиб, ўзлашган бўлишдан иборат. Кадрлар заҳираси тизимини шакллантиришнинг асосий функцияси – ходимларнинг касб-маҳорати ва тажрибасини мунтазам равишда ва қисқа муддатларда самарали орттириб боришдир. Бунинг ёрдамида талаб этиладиган касбий тайёргарликнинг ўз вақтида ва барқарор тутиб турилишини таъминлаш мумкин.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, “Бугунги талабларга бутунлай жавоб берадиган, олдиндан тайёрлаб қўйилган мутахассис ва раҳбарларнинг ўзи йўқ. Ҳаммамиз ҳам ўтган замондан, ўтган тизимдан чиққанимизни тан олишимиз керак. Шу билан бирга, яхши англаймизки, янгича фикрловчи кишиларни тайёрламасдан, тарбия

қилмасдан ўз олдимишга қўйган вазифа ва мақсадларни рўёбга чиқара олмаймиш”³.

Прокуратура органларида кадрлар билан ишлашда асосий эътибор, ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш, ўз ишининг устаси бўлиб шаклланишига эришишга қаратилмоқда.

Бу, ўз навбатида, ҳар бир ходим чуқур билимга, зарурий амалий тажрибага эга бўлиши, ўзига юклатилган вазифаларни виждонан, ҳалол-пок, қатъият, ташаббус ва намуна кўрсатиб адо этишни тақозо қилади.

Шу билан бирга, ҳар бир ходим мунтазам равишда мустақил ўз устида ишлаши, билими, савияси ва малакасини ошириб бориши зарур.

Кадрлар заҳираси билан ишлашда расмийликка йўл қўймаслик, ҳақиқий ташкилотчи, оқилна фикрлайдиган, ташаббускор ходимларни танлаб олиш, уларни тайёрлаш ва синовдан ўтказиб жой-жойига қўйиш зарур.

Кадрлар заҳираси билан ишлаш маълум тамойиллар асосида қурилади. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

– раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун заҳира номзодларини тизимли равишда доимий излаш;

– заҳирани шакллантиришда коллегиялик;

– раҳбар ходимлар заҳираси таркибини доимий яхшилаб бориш;

– ҳар бир раҳбарлик лавозими учун камида иккита-учта номзодга эга бўлиш лозимлигини ҳисобга олган ҳолда заҳиранинг таркибий тuzилишини оқилна белгилаш;

– лавозимга тайёрлаш ва тайинлашда номзодларнинг ёш ва малака чекловларига амал қилиш.

Бундан ташқари, раҳбар кадрлар заҳирасини шакллантиришда раҳбарларнинг ҳар бир тоифаси учун асосий лавозимларни, шунингдек, заҳирани тўлдириш манбаларини белгилаб олиш лозим.

Раҳбар кадрлар заҳирасининг манбалари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

– аттестациядан ўтган ва лавозимида кўтарилиши тавсия этилган ходимлар;

– фаолияти давомида яхши натижаларга эришган ва хизматда ўрнатилган кўрсатилган ходимлар;

– рағбатлантирилган ходимлар;

– турли даражадаги раҳбарларнинг ўринбосарлари.

Кадрлар заҳираси билан ишлаш маълум тамойиллар асосида қурилиши билан биргаликда, бир қанча босқичларда амалга оширилади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади: заҳирага киритиш

учун номзодларни дастлабки ўрганиш ва баҳолаш; заҳира таркибига номзодларни танлаб олиш; заҳира таркибига киритиш; заҳирани тайёрлашни ташкил этиш; заҳиранинг тайёрлигини баҳолаш.

Бундай кетма-кетлик ҳозирги давр талабларида мос келадиган кадрларни танлаб олиш жараёнининг зарур даражасини таъминлайди.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, кадрлар заҳирасига номзодларни танлаш жараёни бир неча усуллардан иборат.

Ижтимоий психологик усул мазмунига кўра қуйидагиларни ўз ичига олади, булар: ходимнинг шахсий иш жилди ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш; номзодлар билан сўхбатлар ўтказиш; жамоа фикри, хусусан раҳбарлар, ҳамкасблар ва бўйсунувидагиларнинг ходим ҳақидаги фикрини ўрганиш ҳамда синовдан ўтказиш.

Амалий усул – раҳбарнинг таътил, касаллик, хизмат сафари даврида вазифасини вақтинча бажарган ходимнинг тайёргарлик даражасига кўра; юқори турувчи прокуратура ва тармоқларда стажировкадан ўтаётган ходимнинг намоён этган қобилиятига кўра; дублёрлик – вазифаларни бажариш давомида ходимни айнан бошқа иш фаолиятини уддалай олиш хусусиятига кўра; вақтинча вазифаларни бажарувчи жамоанинг раҳбари этиб тайинланганда ходимнинг раҳбарлик, таҳлилий ва бошқа қобилиятларини намоён этганлигига кўра.

Ўқув усули – казусларни ечиш; муайян вазиятларни таҳлил қилиш; тренинглар, семинарлар ўтказиш; қонун ҳужжатлари лойиҳалари ва иш режалари тузишда иштирок этиш.

Юқорида заҳирага номзодларни танлаш усуллари билан танишган бўлсак, энди заҳирани шакллантириш усулларига тўхталсак.

Кадрлар заҳирасини шакллантириш усулларида кўра қуйидагиларга таснифланади.

Заҳирани танлаш. Ходимнинг ҳужжатларини ўрганиш; сўхбатлар; сўровдан ўтказиш; махсус текширув; анкеталарни ўрганиш; аттестация ва иш фаолияти яқунларини ўрганиш; ижтимоий-психологик синовдан ўтказиш; ахборот-таҳлилий ва тергов гуруҳларида ишлатиб синовдан ўтказиш.

Бу жараёнда номзод турли нуқтаи назарлардан туриб ўрганилади ва у ҳақда кўпроқ маълумот олинади.

Заҳирани ўқитиш. Ходимларни яқка тартибдаги тайёргарлик, малака ошириш институтлари ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш, чет эл стажировкаларига юбориш.

Буларнинг асосий мақсади – номзодларнинг

зарурий умумий ва махсус билимлари ҳамда касбий тайёргарлиги даражасини ошириш ҳисобланади.

Заҳирани жой-жойига қўйиш.

Ходимнинг тегишли лавозимга қўйилиши кадрлар заҳирасини тайёрлаш ва шакллантириш ишининг якунидир.

Раҳбар кадрларни жой-жойига қўйиб чиқишни такомиллаштириш мақсадида лавозимга номзодларнинг билимлари, кўникмалари ва малакасининг даражасини аниқроқ белгилаб олишга кўмаклашувчи махсус усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, прокуратурада номзодлар билан якуний синов сўхбатлари ўтказилади ҳамда ҳар бир ҳайъат аъзоси фикри ҳисобга олинади.

Номзод янги лавозимни эгаллашдан аввал, унинг учун махсус лавозим бўйича тайёргарликни ташкил этиш тавсия этилади, у малака ошириш тизимидаги тегишли лавозим учун заҳира гуруҳида таълим олишни, илғор тармоқларда стажировка ҳамда лавозимни эгаллашга психологик-педагогик тайёргарликни ўз ичига олади.

Кадрларни лавозимга тайёрлаб бориш фаолиятининг самарасини ўрганиш шуни кўрсатдики, мўлжалланган лавозимга тайёргарликдан ўтмаган номзодлар лавозимга тайинланганидан кейин хизмат вазифалари 1-2 йил муддатда ўзлаштирган, лавозимда ишлаш учун тайёргарликдан ўтган хо-

димлар эса лавозимидаги ўз хизмат вазифаларини 6 ой муддат ичида ўзлаштириб олганлар.

Раҳбар кадрларнинг заҳираси билан ишлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири уларни тайёрлашни ташкил этиш ҳисобланади.

Номзодни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлашдан аввал ички заҳираларни диққат билан ўрганиб чиқиш керак. Кўп марталик сўхбатлар ва синовлардан воз кечмаслик керак, чунки улар лавозимга ва ишга яроқсиз номзодларни заҳирадан чиқариб ташлашга ёрдам беради.

Пировардида, истиқболли ходимларни излашни шошилиш тартибда, тўсатдан очилган вакансияни тўлдириш учун “ёниб турган” ҳолатда эмас, балки доимий ва тизимли равишда амалга ошириш лозимлигига эътиборни қаратиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органларида кадрлар заҳираси билан ишлашнинг моҳияти, ижтимоий аҳамияти ва ҳуқуқий табиатини аниқлаштириш; бу борада тўпланган тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда мавжуд муаммоларга тавсиф бериш; прокуратура органларининг кадрлар билан ишлаш тизимидаги долзарб муаммоларни аниқлаш, прокурор-тергов амалиёти, меҳнат ва бошқарувни илмий ташкил этишнинг энг янги ютуқларини жорий қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга кўпроқ эътибор қаратиш зарур.



АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена специфике и принципам работы с кадрами. Во вводной части данной статьи автор указывает фундаментальные основы работы с кадрами в органах прокуратуры Республики Узбекистан. В основной части статьи осуществляется научно-правовой анализ основных нормативно-правовых актов, регулирующих сферу работы с кадрами в органах прокуратуры, обозревается основное понятие и принципы работы с кадрами. В заключительной части автор приходит к выводу, что для дальнейшего повышения эффективности функционирования органов прокуратуры необходимо придерживаться комплексной и согласованной системы мероприятий, направленных на осуществление качественного подбора кандидатов на должности в органах прокуратуры.

¹ И.А.Каримов. 09.12.1993 йилда Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашида сўзлаган нутқи.

² Прокуратура органларида кадрлар билан ишлаш ва уларни малакасини ошириш масалалари (амалий-услубий қўлланма). – Т.: ТДЮИ “Тезкор нашр”, 2010 й, 26-бет.

³ И.А.Каримов Бунёдкорлик йўлидан. И.А.Каримовнинг 1995 йил 3 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. Т. 4, – Т.: Ўзбекистон, 1996, б.б. 39-56.

Толибжон УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси, ю.ф.д.

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА АЁЛНИНГ ЎРНИ

*“Аёлни улуғламоқ – оилани,
 Ватанни, ҳаётни улуғламоқ
 демакдир”.*

И.А.Каримов

Фалсафий ва табиий-илмий тадқиқотларда, адабиёт ва публицистикада, дунёвий ва диний асарларда қадимдан аёл муаммоси, унинг ижтимоий ва оилавий ҳолати муҳокама қилиб келинади.

Бу масала билан нафақат давлат ва жамият намоёндалари, балки ҳуқуқшунос олимлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вакиллари ҳам мунтазам равишда шуғулланадилар. Хотин-қизлар ҳуқуқлари масаласи, аниқроғи хотин-қизлар ҳамда эркакларнинг қонун олдида тенглиги масаласи мазкур соҳада инсон ҳуқуқларининг таъминланишига баҳо беришда муҳим тамойиллардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда аёлларга таҳдид солаётган глобал хавф-хатарлар, яъни аёлларга нисбатан зўрлик ишлатиш масалалари, шу жумладан, оилада ҳам, аёлларни турли фаолиятга мажбурлаш, қуллик, майиб қилувчи операцияларни амалга ошириш, ижтимоий дискриминация каби хатарлар мавжудлиги дунё афкор оммасини хавотирга солмоқда. Миллий даражада аёллар савдоси, оиладаги зўрлик масалалари, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслик каби хатарлар мавжуд бўлса, жойлардаги аёлларнинг ўз ҳуқуқларини билмаслик, етарлича ахборотга эга бўлмаслик, ижтимоий-тиббий ёрдамнинг етарли даражада шаклланмаганлиги каби хавф-хатарлардан азият чекмоқдалар.

Жамиятда аёл камситилган ҳамда аёл ва эркакларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари мувозанати таъминланмаган бўлса, жамият ўзининг юқори марраларига етишолмайди ва баркамол ривожлана олмайди. Чунки жамиятда аёлнинг ўрни барометрга ўхшайди, у бирор-бир диний ёки ижтимоий жамоанинг ҳақиқатда тараққий этганлиги даражасини намоён этади, шунингдек, унинг иштирокчиларининг инсонпарварлик, тенглик ва меҳрибонлик тамойилларига мойиллик даражасини беҳато акс эттиради¹.

Умуман олганда, тенглик инсон ҳуқуқларининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, унга кўра, давлат ўз ҳудудида яшайдиган ҳар бир инсоннинг қонун олдидаги тенглигини таъминлаши керак. Ҳозирда кенг қўлланиладиган ибора – “гендер тенглиги” эркаклар ва хотин-қизларнинг нафақат жамиятдаги ижтимоий роли ва имкониятларининг тенглигини, балки, биринчи навбатда, уларнинг жамият аъзолари, фуқаролари, яшовчилари сифатида давлат олдидаги тенгликларини назарда тутди².

Вақти билан мамлакатимиз жаҳон учун оналик ва болалик масалаларига инсоний ва эҳтиёткорона муносабат мисоли, жамият ҳаётининг барча соҳаларида эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги намунаси бўлиши лозим.

Соҳага оид қонунчилик таҳлили қуйидагиларни яққол намоён қилади:

- ◆ эркаклар ва хотин-қизларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларининг тенглиги назарда тутилади;

- ◆ аёлларга уларнинг физиологик хусусиятлари ва она бўлишини ҳисобга олган ҳолда қатор қўшимча ҳуқуқ ва кафолатлар берилади;

- ◆ аёлларга бериладиган кафолат ва имтиёзларнинг аксарият ота ёки она тарбиясидан маҳрум бўлган болани тарбиялаётган шахсларга берилади;

- ◆ аёллар ва болалар манфаатларини кўзлаб, боланинг отасига қўшимча ҳуқуқ ва кафолатлар берилиши назарда тутилади.

Шу билан бирга, гендер тенглик масаласини таъминлаш тизимини шакллантириш ҳамда оналикни муҳофаза қилиш муаммолари билан шуғулланувчи жамоат бирлашмаларини молиялаштириш, аёлларга иш берувчилар учун қулай шароитларни яратиш ва рағбатлантириш, аёллар меҳнати учун муносиб шароитлар яратиш, аёлларнинг юқори хизмат даражаларига эришишини ривожлантириш каби дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш зарур.

Бунинг учун, аёллар муаммоси бўйича келгусида комплекс илмий тадқиқотларни амалга оши-

риш, оиланинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси ва унинг маънавий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижтимоий инфратузилма, касбий реабилитация ва аёл ходимларни қайта тайёрлаш ва шунга ўхшаш кўпгина ишларни ривожлантириш зарур эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Жумладан, мамлакатда аёлларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш учун:

- ◆ назорат-кураторлик функциясини ривожлантириш орқали аёлларнинг ҳуқуқларини янада самаралироқ ҳимоя қилишга эришиш. Бу ҳолат аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада аниқроқ йўналтириш ва индивидуал ёндашиш имкониятини беради;

- ◆ аёлларнинг яшаш жойларида ижтимоий хизмат кўрсатиш фаолиятини такомиллаштириш, ижтимоий мослашув самарадорлиги ва тезкорлигини таъминлаш;

- ◆ ижтимоий хизматларнинг манзилли, вақтида, ҳамёнбоп ва натижавий кўрсатилиши;

- ◆ ижтимоий ҳимоянинг фаол чораларини амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш тизимини жорий қилиш ва ушбу соҳага оид дастурларни тузиш;

- ◆ оналикни муҳофаза қилиш ва оила ҳуқуқи тизимига оид ҳуқуқий нормаларни босқичма-босқич такомиллаштириш;

- ◆ аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул мансабдор шахсларнинг масъулиятини, шу жумладан, прокуратура органларининг ходимлари масъулиятини ошириш лозим.

Прокуратура органлари учун аёллар ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилиши дарҳол таъсир чораларнинг қўлланилишига асос бўлиши лозим. Ахборот-таҳлил фаолиятида аёл ҳуқуқлари бузилиши, аёлларга нисбатани содир этиладиган жиноятлар алоҳида эътибор билан қараш лозим. Аёллар ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги маълумотлар тўпланиши, таҳлил қилиниши ва статистика ҳолатига келтирилиши ҳам аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳмият касб этади. Шу билан бирга, прокуратура органлари режаларига ҳам аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид чора-тадбирларнинг киритилиши бу соҳада қонун устуворлигини таъминлашни янги даражага олиб чиқади.

Прокуратурада ташкил этилган ишонч телефонлари орқали берилган аёллар ҳуқуқларининг бузилишига оид хабарларга зудлик билан муносиб таъсир чораларини қўллаш муҳимдир. Шу билан бирга, аёллар ҳуқуқлари бузилишининг ҳар қандай кўринишларининг олдини олишга имкон яратган хабарларнинг рағбатлантирилиши, сурункали тарзда аёл ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги хабарлар фуқаролик жамияти институтлари томонидан дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга етказилиш тизимини такомиллаштириш за-

рур. Бу ҳолатда фуқаролик жамияти институтлари ушбу хабар ҳақиқийлигини текшириш ва тегишли идорага жўнатиш фаолиятини амалга оширади. Хабар шу ташкилот номидан берилади. Ушбу ҳолат мурожаат қилган шахснинг анонимлиги ва хавфсизлигини таъминлайди. Шу билан бирга, аёлларни психологик қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил қилиш ушбу мақсадларда фойдали бўлиши мумкин.

Шуниси аҳамиятлики, прокуратура органларида аёл ҳуқуқлари бузилишининг ҳар қандай ҳолатини ва масъул мансабдор шахсларнинг уларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва зарарли таъсирини минималлаштиришга оид хатти-ҳаракатларининг ҳамда аёлларга нисбатан содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятларга қарши курашиш фаолиятини доимий таҳлил қилишни самрали ва тезкор йўлга қўйиш зарурати мавжуддир.

Чуқур ва ҳар томонлама таҳлил прокуратура конун бузилишларининг олдини олишга қаратилган самарали ва бирламчи чора-тадбирларни аниқлаш, шу жумладан, аёллар ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўймасликка қаратилган таъсир чораларини қўллаш имкониятини яратади³.

Ахборот-таҳлил фаолияти давомида жамиятда мавжуд бўлган турли гуруҳлар орасида жиноятчиликнинг тарқалганлик даражаси гуруҳ аъзоларининг ёши, жинси, ижтимоий ҳолати ва бошқа хусусиятларига кўра белгиланади. Шу нуқтаи назардан, амалиётда аёллар ва вояга етмаганлар орасидаги жиноятчилик алоҳида ажратилади.

Ушбу ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолиятини самарали бошқариш ва аниқ мақсадга йўналтириш аёлларнинг ҳуқуқлари бузилишнинг олдини олиш ва профилактика қилишни уйғунлаштиради ва бир маромда ҳаракатланишни таъминлайди, прокуратура органлари ходимлари ҳаракатларини аниқ йўналтиради ва амалий муаммоларни тез ҳамда самарали ечиш имкониятини беради.

Шунингдек, қуйидаги соҳаларга эътиборни янада кучайтириш зарур:

- ◆ ахборот соҳасида – аёлларга ижтимоий ҳимоянинг илғор ютуқ ва услублари, ижтимоий хизмат турлари, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган янги норматив ҳужжатлар ва ижтимоий дастурлар ҳақида ахборот бериш;

- ◆ тиббий-ижтимоий консультациялар соҳасида – аёлларга тиббий ва ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатишга оид консультация хизматларини ташкил этиш;

- ◆ ижтимоий соҳада – аёлларнинг ижтимоий мослашуви (адаптацияси)га оид мақсадли дастурларни амалда татбиқ қилиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, ўзгаларнинг ижобий ҳуқуқий тажрибасига мурожаат қилиш фойдадан холи эмас. Албатта, Ўзбекистон ҳам илғор ва ижобий

ривожланган мамлакатларнинг тажрибасига му- рожат қилади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолат қадимги ўзбек маданиятининг ўзлигини йўқо- тишига ва давлатни ўзбекона бошқариш услуби- нинг ўз аҳамияти ва кучини йўқотишига олиб ке- лади, дегани эмас. Аксинча, у ўзининг тараққий топиши натижасида миллий хусусиятларини, урф- одатлари, норма ва қадриятларини мустаҳкамлай- ди, замон билан ҳамнафас ривожлантиради, улар- ни умуминсоний қадриятларга ҳамоҳанглигини таъ- минлайди. Чунки бошқа мамлакатларнинг норма- ларини тўғридан-тўғри ўзлаштириб олиш жамия- тимиздаги мавжуд вазият ва менталитетимиз та- лабларига мос келмаслиги мумкин ҳамда ушбу ҳуқуқ нормалари бефойда бўлиб қолишига олиб келади. Шунинг учун ҳам, барча қабул қилинаёт- ган, шу жумладан, аёлларнинг ҳуқуқларига бағиш- ланган нормалар ичидан жамиятимиз ва мента- литетимиз талабларига мос келадиганларини тан- лаб олиш муҳимдир.

Аёл оилада ўта муҳим роль ўйнайди. Она ва бола муносабати – болаларнинг соғлом ривож- ланиши гаровидир. Ёшларнинг аксарияти улар маъ- навияти (сўралган ёшларнинг 90,4%) ва фуқаро- вий нуқтаи назарининг (сўралган ёшларнинг 86,7%) шаклланишида оиланинг, шу жумладан, онанинг беқиёс ўрнини кўрсатдилар⁴.

Биз ОЎКда ушбу соҳага оид олдимизга қуйи-

даги асосий вазифаларни қўямиз:

— аёллар ҳуқуқларининг бузилишини индиви- дуал тартибда кўриб чиқиш ва уларни ҳал қилиш интеграл ечимларини топиш;

— чет элнинг ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда илмий-оммабоп мақола ва қўллан- малар чоп этиш;

— ОЎК тематик режалари ва илмий тадқиқот- ларида аёлларнинг ҳуқуқларига оид назарий ва норматив ҳолатларга алоҳида эътибор берила- ди.

Аёлларга нисбатан зўрлик бугунги кунда дунё- да кенг тарқалган инсон ҳуқуқлари бузилиши бўлмоқда. У энг жиддий оқибатлар билан бирга аёллар ва қизларнинг ҳаётига хавф солиш, улар- нинг оиласи ва жамоаларга етказилган зарар ва шахсан жамият тузилиши “тўқимасининг” бузили- шига олиб келмоқда⁵.

Шундай қилиб, истиқлол йилларида Ўзбекис- тонда аёллар ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилди.

Эндиликда уларни ҳаётга татбиқ қилишни ку- чайтириш, давлат органлари ва фуқаролик жами- яти институтларининг бу борадаги саъй-ҳаракат- ларини бирлаштириш, аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий ма- даниятини ошириш бўйича изчил ва кенг кўламли ишларни амалга ошириш зарур бўлади.



АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена роли современной женщины в обществе в контексте контуров глобального сознания. Во вводной части данной статьи автор осуществляет общий обзор проблем женщин, место в современном обществе и их правовой статус. В основной части статьи проводится подробный научно-правовой анализ законодательной базы в сфере защиты прав женщин, опасностей, угрожающие женщинам в современном мире. В заключительной части автор осуществляет подробный обзор места и важности женщины в современной обществе и указывает на проблемы, требующие своего решения.

¹ Барбьери Э. Роль женщины в обществе будущего // Курьер ЮНЕСКО. – М.: 1993. № 1.

² Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмий-амалий қўлланма. Муаллифлар жамоаси. – Т.: 2008. 6-б.

³ Прокурорский надзор. Учебник / Под ред. проф. Ю.Е. Винокурова. М., 2007. Ст. 82.

⁴ Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий эътиқод, маънавият, ижтимоий йўналишлар. Ижтимоий сўров материаллари. – Т.: 2010. 24-бет.

⁵ www.unifem.org/women/facts_figures_violence_against_women_2007_rus.pdf

**Гулнора МАРУФОВА,
Заместитель Председателя
Комитета Женщин Узбекистана.**

ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ И РОЛЬ КОМИТЕТА ЖЕНЩИН УЗБЕКИСТАНА В ЕГО РЕАЛИЗАЦИИ

С первых дней независимости Республика Узбекистан уделяет огромное внимание повышению роли и статуса женщин. Равенство прав женщин и мужчин гарантируется Конституцией Республики Узбекистан, Семейным, Гражданским, Трудовым и другими кодексами, законами и Постановлениями Правительства.

Приоритетными направлениями государственной политики Республики Узбекистан являются правовая, экономическая, социальная защита материнства и детства, создание условий для улучшения социального и материального положения женщин, участия каждой из них в реформировании всех сфер общественной жизни.

С марта 1992 года Республика Узбекистан – полноправный член Организации Объединенных Наций.

Республика Узбекистан в полной мере разделяет принципы ООН и понимание равенства женщин и мужчин, как необходимого условия достижения устойчивого развития страны и создания условий для всесторонней реализации человеческого потенциала, также Узбекистан поддерживает и одобряет все инициативы Организации Объединенных Наций, направленные на обеспечение прав и интересов женщин

В основе политики Узбекистана лежат общепризнанные международные нормы, зафиксированные во Всеобщей декларации прав человека (декабрь 1948 г.), Конвенции по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин (декабрь 1979 г.), Пекинской Платформе и Платформе действий (сентябрь 1995 г.), итоговые документы Генеральной Ассамблеи ООН «Равенство мужчин и женщин в XXI веке» (июнь 2000 г.), Декларация и Цели Развития Тысячелетия (сентябрь 2000 г.).

Присоединение Республики к Конвенции ООН от 18 декабря 1979г. «О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин» стало важной вехой в интеграции женского движения Узбекистана в международное движение за права женщин.

В Конституции Республики Узбекистан заложены основы равенства прав мужчины и женщины, определены принципы охраны материнства и детства, и что самое главное, установлен запрет на дискриминацию

человека в зависимости от пола, возраста, национальной принадлежности, социального статуса и вероисповедания. Конституционные положения не содержат гендерной асимметрии, каждый в Узбекистане имеет равные права, как политические и гражданские, так и социально-экономические и культурные.

Законы Республики Узбекистан гарантируют женщинам на равных условиях с мужчинами право на труд, на одинаковые возможности при найме на работу, на свободный выбор профессии, на образование, на охрану здоровья и безопасности условий труда, право на социальное обеспечение в случае болезни, инвалидности, ухода на пенсию и безработицы.

Республика Узбекистан присоединилась ко многим международным документам, регламентирующим права женщин, а именно: Всеобщей Декларации прав человека, Международному пакту о гражданских и политических правах, Международному пакту об экономических, социальных и культурных правах, Конвенции о политических правах женщин, Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин, а также ряду документов ОБСЕ, регулирующих вопросы гендерного равенства.

Узбекистан принял на себя также обязательство по включению целей Декларации в программы развития страны и соблюдению целевого графика выполнения ЦРТ до 2015 года, в том числе и Цели тысячелетия - №3 «поощрение равенства женщин и мужчин и расширение прав и возможностей женщин».

Узбекистан подписал Декларацию Тысячелетия и этим признал, что цели Декларации Тысячелетия будут учтены в национальных планах развития страны, отвечающим требованиям ЦРТ в рамках перечня задач вплоть до 2015 года. В настоящее время правительством Узбекистана при участии ННО и представителей гражданского общества разработаны и утверждены национальные ЦРТ и принят ряд законов, декларируемых равноправие мужчин и женщин.

В 2007 году в Республике разработан и принят среднесрочный документ Правительства Республики Узбекистан в сфере национального развития на пе-

риод 2008-2010 гг, определяющий основные направления и меры по ускорению экономического роста и повышению уровня жизни населения страны, в котором одним из приоритетов являются вопросы гендерного развития.

С первых дней независимости решение вопросов равных прав и равных возможностей среди мужчин и женщин Республика Узбекистан являются приоритетными. Начало этому процессу дал Указ Президента Республики Узбекистан от 2 марта 1995г. «О повышении роли женщин в государственном и общественном строительстве Республики Узбекистан».

Сегодня Конституция Республики Узбекистан и более 80-ти законов и других нормативно-правовых актов составляют правовую основу обеспечения и защиты прав, свобод и законных интересов женщин.

В Правительстве, под руководством Премьер-министра функционирует Республиканская комиссия по реализации государственных мер в отношении повышения роли женщин в обществе, а также эта Комиссия отслеживает реализацию Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин.

Членами этой Комиссии являются все министры, председатели комитетов, а также представители неправительственных некоммерческих организаций.

Такие же Комиссии созданы во всех министерствах и ведомствах, администрациях регионов.

На правительственном уровне реализуется Государственная программа мер по улучшению положения женщин, где особый упор сделан на защиту прав женщин, в том числе обеспечение участия наравне с мужчинами участия женщин во всех сферах жизни общества. В данной Программе уделено особое внимание таким вопросам:

во-первых - оздоровление женщин, особенно женщин фертильного возраста;

во-вторых - обеспечение занятости женщин за счёт создания для них новых рабочих мест, развитие малого бизнеса и предпринимательства, надомничества среди женщин;

в третьих - повышение социально-политической активности женщин, обеспечение их участия в общественной жизни страны.

В Законах Республики Узбекистан «О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан» и «О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов» установлено равенство избирательных стандартов для двух полов, де-юре женщины и мужчины равноправны в избирательном процессе.

Ст.22 Закона «О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан» о 30-процентном квотировании женщин при выдвижении кандидатами в депутаты от политических партий стала основной и эффективной политико-правовой гарантией более активного участия женщин в парламентских выборах. В соответствии с вышеуказанной статьей Закона число женщин при выдвижении кандидатов от политических партий должно составлять не менее 30% от общего числа кандидатов в депутаты.

По итогам выборов, которые проходили в декабре 2009 года 33 женщины были избраны депутатами Законодательной палаты и 15 женщин – членами Сената Олий Мажлиса, для сравнения в 2004 году в Законодательной палате было всего 21 женщин депутатов.

Всего в органах государственной власти Узбекистана женщины составляют – 16%, в местных органах законодательной и представительной власти – 15,2%.

Большой резерв женщин – будущих руководителей заложен в политических партиях, функционирующих в Узбекистане. В настоящее время в социал-демократической партии «Адолат» удельный вес женщин составляет 50%, Демократической партии «Миллий тикланиш»- 45%, в Народно-демократической партии Узбекистана – 40,3%, а Либерально-демократической партии предпринимателей -36% составляют женщины.

Общее количество взятых в список кандидатов в депутаты во время выборов в парламент в конце 2009 года составляет 517 женщин, что составляет 31, 9%. В новом парламенте 22% занимают женщины. Для сравнения в 2004 году в Законодательной палате было избранно 17,5% женщин, в 1999 году -8,2%.

Женщины активно участвуют в деятельности профсоюзов. По состоянию на 1 апреля 2008 года в республике на учете состоят 6394669 членов профсоюза, в том числе женщин –3251438. Количество женщин, занимающих руководящие должности в профсоюзных органах: 10862 (от общего количества руководителей профорганизаций - 42,2%).

При Комитете женщин Узбекистана на общественных началах функционирует «Клуб женщин лидеров». Создана база данных свыше 8000 женщин-руководителей.

В рамках сотрудничества Комитета женщин с политическими партиями республики создано «женское крыло» в каждой политической партии, разработаны и осуществляются мероприятия, направленные на повышение политической активности женщин.

В Узбекистане особое значение придается трудовой занятости женщин. Правительством разработана и утверждена парламентом Программа создания рабочих мест и обеспечения занятости на 2010 год, предусматривающая создание в каждом регионе рабочих мест, количественно обеспечивающих потребности женщин в трудоустройстве, главным образом, за счет развития малого бизнеса и сферы услуг, надомного труда. Ежегодно создаются по республике тысячи новых рабочих мест, из них более 40% занимают женщины.

Выполнены территориальные программы обеспечения занятости женщин, предусматривающие создание: в 2005 году - 198,4 тысячи, в 2006 году – 204,6 тысячи, в 2007 году – 210,8 тысячи, всего за 2005-2007 – 613,8 тысячи рабочих мест. В 2009 году обеспеченно занятостью 403142 женщин. В программах поставлена задача формирования рациональной структуры занятости сельских женщин, развития фермер-

ства Региональными программами по обеспечению занятости женщин предусмотрено обеспечение безработных женщин работой (ежегодно – 217,6 тысяч рабочих мест), особенно развитию среди них малого и среднего бизнеса. Программа по занятости женщин, обеспечение их рабочими местами по итогам 2007 года выполнена на 114 %, по итогам 2008 года выполнена на 112,7 %, по итогам 2009 года выполнена на 102%.

Начало 2008 года большой прирост занятости населения и в особенности женщин получился из-за новых форм надомного труда, узаконенных правительством. Развитие надомного труда приобрело большой размах. В 2009 году было создано около 100 тыс. рабочих мест за счёт организации надомного труда. Только за 6 месяцев 2010 года создано 76 200 рабочих мест. При этом около половины всех рабочих мест создано в сельских районах. Надомный труд дал большой шанс женской половине для подъема экономического потенциала.

Комитетом женщин Республики Узбекистан, Республиканской палатой товаропроизводителей и предпринимателей, Ассоциацией деловых женщин проводится работа по повышению экономических и юридических знаний женщин и вовлечению безработных женщин в сферу предпринимательства. Создание Центров социальной адаптации женщин на основе метода «мастер-ученик» помогло в отдаленных сельских районах организации работы женщин на дому, их переобучения другой профессии, а также в сфере семейного предпринимательства, их потребности в ресурсах и средствах, возможности организации производства и реализации продукции, производимой женщинами на дому.

На начало 2007 года большой прирост занятости населения и, в особенности женщин, достигнут благодаря развитию новых форм надомного труда. Только за 1 квартал 2007 года на основе договоров с крупными промышленными предприятиями создано 8,8 тысяч рабочих мест, в рамках семейного предпринимательства создано 13,1 тысяч мест. Надомный труд дал большую возможность женщинам поднять свой экономический потенциал, сочетать работу в доме с работой на производстве, зарабатывать деньги без отрыва от семьи.

Для улучшения ситуации в сфере занятости Правительством Республики утверждены территориальные программы обеспечения занятости женщин на 2005-2007, а также на 2008, 2009, 2010 годы. Они предусматривают создание в каждом регионе необходимого количества новых рабочих мест, главным образом, за счет развития малого бизнеса, сферы услуг и надомного труда. Льготные кредиты предоставляются малым предприятиям, использующим преимущественно женский труд и возглавляемые женщинами. Так, акционерным коммерческим банком «Микрокредитбанк» женщинам желающим заняться предпринимательской деятельностью в 2007 году выделено более 11 млрд. сум., в 2008 году 13,2 млрд, в 2009 году вы-

делено 18,4 млрд. сум., что способствовало созданию 16 тыс. 579 рабочих мест.

Республика Узбекистан признает право сельских женщин как личностей, на организацию групп самопомощи и участие в кооперативах и других экономических программах развития. Ежегодно в сельской местности только за счет расширения службы быта (ателье мод, парикмахерская, химчистка, прачечная и другие виды услуг) открывается новые рабочие места, более 40 процентов от которых предоставляются женщинам. Только за 9 месяцев 2009 года создано около 534,6 тысячи рабочих мест, в том числе 327,5 тысячи (61,3%) в сельской местности. Проведение активной политики на рынке труда способствовало росту занятости населения на 2,7%, и количество занятых против уровня прошлого года увеличилось более чем на 288,6 тысячи.

Большое внимание уделялось выдаче беспроцентных микрозаймов для более чем 320 многодетных и малообеспеченных женщин осуществлялась, за последние два года эта составило 219 млн. сум. Благодаря этой поддержке было создано 692 рабочих места в сфере переработки овощей и фруктов, молока, производства хлебобулочных и кондитерских изделий, золотшвейного дела, предоставления услуг парикмахера и косметолога.

В следствии проводимой работы в данном направлении сегодня в республике действуют 110 кредитных союзов, объемы их активов уже превысили 249,2 миллиардов сумов. Кредитный портфель составляет 218,8 млрд. сум. Финансовыми услугами кредитных союзов пользуются более 171 тысяч человек. Из них 68,5 – женщины. В частности, 33 кредитных союзов республики были непосредственно созданы женщинами предпринимателями. В составе членов 45,2% всех членов кредитных союзов составляют женщины предприниматели.

На сегодняшний день в Узбекистане насчитывается более 5 млн. деловых женщин, занимающихся предпринимательством. По данным на начало 2009 года, каждый пятый предприниматель – женщина. Почти три четверти женщин заняты в негосударственном секторе. Одной из важных мер государства в деле улучшения положения женщин является максимальное обеспечение их рабочими местами.

В Узбекистане вся система социальной защиты направлена на семью и в первую очередь на женщин. В настоящее время в республике существует система социальных пособий, которая включает в себя:

- пособие, малообеспеченным семьям;
- пособие семьям с детьми до 18 лет;
- пособие матерям по уходу за детьми до 2-х лет.

В среднем каждая малообеспеченная семья в 2008 году ежемесячно получала дополнительно в виде пособий 39 тыс. сум, что является существенным в доходах малообеспеченных семей.

Особое внимание в нашей стране уделяется вопросам образования женщин, повышению их профессионализма и компетентности.

Уровень грамотности в стране остается одним из самых высоких в мире - 99,2%. В соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об образовании» и Национальной программой по подготовке кадров в стране осуществляется переход к обязательному бесплатному 12-летнему образованию, которое включает в себя 9-летнее общее среднее и 3-летнее профессиональное образование. За последние годы в Узбекистане сложилась определенная система дифференцированного образования, нацеленная на обучение и воспитание молодежи.

В настоящее время в Республике 61 высших учебных заведений. В вузах страны на бакалавра учатся 42 % девушек, 35% – на магистра 3а годы Независимости защищено 1733 докторских диссертации, из них 320 - женщинами (18,5%); защищено 8459 кандидатских диссертаций, из них 3081 - женщинами (36,4%). Количество женщин получивших утверждения в ВАК Республики Узбекистан кандидатов наук по отраслям составило 888. Наибольшие показатели среди них 35,5%- по медицинским, 13,3%- по педагогическим, 11,4%- по филологическим наукам. Отмечается рост по экономическим – 7% и техническим – 4,2% наукам.

Научными исследованиями занято 2104 ученых, в том числе женщин – 842 (40%).

В Государственных программах по науке и технике Республики Узбекистан научное руководство по фундаментальным исследованиям осуществляют 37 женщин, по прикладным – 162 женщины – ученые. Только в системе Академии наук Республики Узбекистан руководители грантов – 764 ученых, в том числе женщин – 109 (14%).

В Узбекистане осуществляется целенаправленная деятельность по поддержке и развитию талантов одаренной молодежи, юношей и девушек. Достаточно отметить, что Узбекистан выполнил индикатор Целей развития тысячелетия по начальному и среднему образованию среди мальчиков и девочек. В целях высокого почтения женщины, оказания ей особого уважения, признания вновь её неизмеримого места в деле воспитания всесторонне развитой молодежи, являющейся будущим нашей свободной и процветающей Родины, стимулирования достижений одаренных девушек в развитии литературы, искусства, науки и культуры, примерной деятельности в деле укрепления веры сверстниц в идеи национальной независимости и культурно-духовным ценностям, их активное участие в ускорении широкомасштабных реформ 10 июня 1999 года был издан

указ Президента Республики Узбекистан за № УП-2326 «О поддержке предложений по учреждению Государственной премии имени Зулфии». Премия вручается одаренным девушкам в возрасте от 14 до 22 лет, отличившихся в учебе, проявившие свой талант, инициативность, сметливость, достигшие особые достижения в сфере литературы, культуры, искусства, науки и образования. За 11 лет вручения данной премии количество лауреатов достигло 154 человек.

При Комитете Женщин Республики Узбекистан создана ассоциация женщин-ученых «Олима». Ассоциация объединяет женщин с высшим образованием, а также имеющих ученые степени и звания, занимающихся научно-просветительской деятельностью. Основной целью Ассоциации является содействие повышения профессионального уровня женщин-ученых, эффективного использования их знаний и способностей, расширение доступа к новым областям знаний, и сотрудничества с международными организациями. Среди членов Ассоциации ученые с мировым именем, государственных деятелей, ректора высших учебных заведений, директора институтов, члены Международных научных обществ.

Экономическая ситуация, сложившаяся в стране, и проводимая социальная политика оказали определенное влияние на положение женщин Республики Узбекистан. Сегодня уровень образования женщин Узбекистана, занятых в отраслях экономики, превышает уровень образования мужчин.

Необходимо отметить, что женщины Узбекистана имеют значительный профессиональный потенциал. Достаточно высокий уровень занятости в течение ряда десятилетий сформировал такие качественные характеристики женской рабочей силы, как потребность в профессиональном труде, стремление к повышению образования, карьерному росту.

Сегодня мы с уверенностью можем сказать, что в республике создан Национальный механизм Развития и Продвижения женщин и созданы национальные институты по усилению роли женщин на всех уровнях политической, экономической и общественной жизни, возрос уровень представительства женщин в парламенте и правительстве, в региональных и местных органах власти. Национальный механизм улучшения положения женщин в нашей стране создан на уровне законодательной и исполнительной власти, и он постоянно совершенствуется.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида гендер тенглигини таъминлаш ва ушбу фаолиятни амалга оширишда хотин-қизлар кўмитасининг роли ҳамда аҳамиятига бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида муаллиф мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида гендер тенглигини таъминлаш соҳасида амалга оширилган фаолиятни батафсил ёритган. Асосий қисмда эса ушбу фаолиятга оид халқаро ва миллий қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси фаолияти таҳлил қилинган ва аниқ статистик маълумотлар келтирилган. Муаллиф мамлакатимизда аёл ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ислохотларга алоҳида эътибо қаратган. Хулоса қисмида муаллиф Ўзбекистон Республикасида аёл ҳуқуқларининг мустақамлаш, амалга ошириш ва ҳимоя қилиш механизмлари ҳақида фикр юритган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — МУСТАҚИЛЛИК ТАЯНЧИ

Ўзбекистон тарихига энг шонли сана сифатида битилган 1991 йилнинг 1 сентябри бизга ана шундай тенгсиз, табаррук неъматни инъом этди. Ана шу муҳим қадам билан дунё сиёсий харитасида Ўзбекистон деган янги, суверен давлат юзага келган бўлса, 1992 йилнинг 8 декабрида Республика Конституциясининг қабул қилиниши қонунчиликдаги мустақиллик бўлди. Шахсининг ким эканлиги, яъни миллати, жинси, туғилган йили, оилавий аҳволи ҳақида маълумот берувчи ҳужжат паспорт бўлганидек, муайян давлат ҳақида маълумот берувчи ҳужжат унинг Конституциясидир. Шунинг учун ҳам Конституция фақатгина Асосий Қонун бўлиб қолмасдан, муайян халқнинг, миллатнинг, давлат фуқароларининг ўзлигини, маданияти ва маънавиятини акс эттирувчи мажмуа ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, эркинлик ва ижтимоий адолат, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги кўп асрлик орзулари муҳасаммалашган. Шунингдек, бу мўътабар ҳужжатда миллатимиз руҳияти, характери, ўзлиги — миллий мафқураси ҳам акс этган. Миллий мафқурани билмасдан туриб, Конституцияни англаб ҳам, ўзлаштириб ҳам бўлмайди.

Бош Қонунимизда мамлакатимизнинг суверенлиги, мустақиллиги эълон қилинди. Мустақиллик тушунчасини том маънода тушунмас эканмиз, у қоғоздагина қолиб кетаверади. Шу сабабдан ҳам Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши деб, мустақилликни сақлаш, асраб-авайлашни назарда тутган эдилар.

Мустақиллик нима? Мустақиллик тушунчаси билан миллий мафқура тушунчасининг қандай боғлиқлиги бор? Мустақиллик, аввало, боқимандалик, тобелик ва қарамликдан озодликдир. Озодлик эса англаган заруриятдир. Ана шу озодликни англаш эса маънавиятдир. Англаган зарурият, бу — иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ўз қадр-қимматини белгилаётган, ўз "мен"ини англаётган халқимизнинг ҳаётий

эҳтиёжидир.

Мустақиллик англаган зарурият экан, демак, у маънавиятдан бошланади. Президентимиз бежизга "Мустақиллик — юксак маънавият"дир, деб таъриф бермаганлар. Мустақиллик маънавият, буюк қадрият эканлигини англаш, унинг ҳаётий эҳтиёж ва зарурият эканлигини тушуниш остида миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, миллий мафқура тушунчалари ётади. Шу боис, Юртбошимиз мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилиданок "Маънавиятсиз ҳеч қандай тараққиёт йўқ, миллий истиқлол мафқурасини ишлаб чиқмоғимиз зарур", дея кўрсатма берган эдилар. Конституциямиз берган мустақилликни фақат маънавият ва миллий мафқурага асосланибгина ҳимоя қила оламиз.

Инсоният тафаккури тараққиётига Шарқ тамаддуни катта ҳисса қўшгани сиз билан бизга яхши маълум. Инсоният тарихидаги энг дастлабки қонун ҳам Шарқда юзага келгани бежиз эмас. Қонун нима учун керак? Бу саволга қадимги Бобил подшоҳи Хаммураппининг машҳур "Қонунлар мажмуаси"да келтирилган "Мен бу қонунларни қудратлилар заифларни забун этмасин, дея жорий қилдим", деган фикрлари жавоб бўла олади. Инсоният тарихи ғоялар кураши тарихидир. Миллатлар, давлатлар ва динлар бор экан, ўзаро муносабатлар ғояларда намоён бўлган. Бугун бизга демократиядан, қонунчиликдан сабоқ бермоқчи бўлаётган баъзи ўраб ва Европа сиёсатчиларининг "саъй-ҳаракат"лари остида ҳам аслида манфаат ётибди.

Тарихимиз буюк давлатчиликларнинг ҳамда конституциявий қонунчиликларнинг гувоҳидир. Буюк Соҳибқирон бобомизнинг "Темур тузуклари", Бурхониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя"си, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"си, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"лари каби асарлар ўз даврида Конституция мақомида бўлган ва улар Конституциямизнинг тарихий-ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Шуни буюк ифтихор ва фахрланиш туйғуси

билан айтишимиз керакки, ҳозир бизга "сабоқ" бермоқчи бўлаётганларнинг юртлари гафлат босиб, қабилачилик ва ўрта аср уйқусида ётганда, йирик марказлашган давлатга асос солиб, Европани бошига тушиши мумкин бўлган даҳшатли босқиндан асраб қолган, Руснинг мўғул истилосидан қутилишига ёрдам берган Амир Темур ўз Конституцияси — "Тузук"ларини ёзиб, ҳаётга жорий этган эди. Бу ҳақда рус олими Д.Логафетт "Европа ҳали Конституция ҳақида тушунчага эга бўлмаган бир даврда Темур давлатида конституцион қонунлар мажмуаси — "Тузук" мавжуд бўлган ва амал қилган", деб ёзган эди.

"Темур тузуклар"и асосида жамият 12 табақага бўлиниб, "Кенгаш билан иш юритилган, қонун устуворлиги ўрнатилган. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки ахдос қозисига олиб бориб топширсинлар", дейилади унда. 1404 йили Самарқандда бўлган испан сайёҳи Клавихо ҳам Темурнинг буйруғи билан давлатга хиёнат қилган икки вазир ва молини ортиқ баҳога сотган қассоб ва қосиблар жазоланганини ёзиб қолдирган.

Маълумки, давлат суверенитети, халқ ҳокимияти, давлат ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдигаги масъулияти, ҳокимиятнинг тақсимланиши, қонунийлик ва демократизм Конституцияларнинг асосий тамойилларини ташкил этади. XVIII асрда яшаган француз файласуфи Монтескье ҳокимиятларнинг бўлиниши назариясини ўртага ташлаганда, "Демократизм принципи ўзи йўқ эди", дейди. Аммо X асрда яшаб ўтган буюк файласуф бобомиз Абу Наср Форобий "Ўзида ўн икки фазилатни бирлаштирган кишигина ахлоқли одам бўла олади, ҳокимиятни бошқара олади ҳамда одамларни манфаатлар асосида бирлаштиради, агар одил шоҳ бўлмаса, яъни барча фазилатларга эга бўлган шахс бўлмаса, шу фазилатларни ўзида намоён этадиган 4-5 киши ҳам ҳокимиятни бошқариши мумкин", дея таъкидлаган эди. Бу ғоялар мўғул босқинчиларига қарши Хуросонда таркиб топган Сарбадорлар давлати ва Самарқанддаги Сарбадорлар ҳаракатининг бош мафқурасига айланди. Алишер Навоий ҳам ўзининг "Садди Искандарий" достонида подшоҳнинг машварат сайлаши ғоясини илгари сурган эди. Бу демократизм эмасми? Бу ғоялар Конституциямиздаги демократизм тамойилининг тарихий илдизларга эга эканлигини кўрсатмайдими?

Собиқ Иттифоқ даврида ҳам баландпарвоз, гўёки энг адолатли қонунлар ва Конституциялар қабул қилинган эди. Машҳур татар маърифатпарвари Исмоилбек Гаспиралиев 1906 йилда "Инсоният биргина нон билан қойим эмас, инсоният руҳ ва жон билан мушаррафдир. Ҳайвонот ечиш билан қойим. Инсоният ундан ҳақ ва ҳуррият билан фарқланади", деб ёзган эди. СССР

даврида дунёдан ажралган "Орол"да ўша давр қаричи билан ўлчаганда "устимиз бут, қорнимиз тўқ" бўлгандир, бироқ юқорида келтирганимиз аллома айтганидек, инсон фақат қорин учун яшамайди-ку. Президентимиз Ислоҳ Каримов сўзи билан айтганда: "Шўро даврининг мафқураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирсангиз, моҳият-этиборига кўра бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди".

Шўролар даврида Ўзбекистонда 3 марта Конституция қабул қилинган (1927, 1937, 1978) бўлсада, улар моҳият-этибори билан СССР Конституциясига мувофиқлаштирилган ва айни унинг нусхаси эди. Унда ўзбек халқининг, миллатнинг руҳи йўқ эди, унинг эркинлиги, мустақиллиги, иродаси акс этмаган эди. Халқимизнинг, миллатимизнинг руҳи, эрки ва озодлиги, бугуни ва келажаги, узок йиллар орзу қилинган миллий бирлик ва тараққиёт мафқураси мустақил Ўзбекистонимизнинг Асосий Қонунидагина ўз ифодасини топди.

Конституция нафақат мамлакатимиз мустақиллигини, фуқароларимиз тенглиги, эркинлиги ва ҳуқуқларини кафолатлаган, нафақат миллий хусусиятларни ўз ичига олган, балки умуминсоний қадриятларни ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳужжатларга ҳам тўлиқ мос келади. Исмоилбек Гаспиралиев 1895 йилда ёзган "Ўоя" сарлавҳали мақолада "Халқлар ҳаётидаги барча буюк воқеаларнинг тағ заминида ғоя ётади. Ислоҳ ғоялари ярим дунёни бир ҳовуч араблар атрофида бирлаштирди. Москва атрофида бирлашув ғояси қудратли Руссияни майдонга келтирди. Тинчлик ва озодлик ғояси французлар мавқеини Европада сарбаланд қилди. Неча юз миллион хитойлар, ҳиндлар сўнгги минг йил давомида ўзларини кўрсата олмай, нега бошқалар етовига тушиб қолдилар? Сабаби — ғоясизлик!", деб ёзган эди.

Демак, муайян миллат, давлат бошқаларнинг етовига тушиб қолмаслиги, бирлашиши, қудратли бўлиши, тараққиётга эришиши учун миллий ғояга суянар экан, ушбу ғоялар асосий қонунларда ҳам ўзини намоён этиши тайин. Шунинг учун ҳам миллий бирликка таянган, тараққиёт ва буюк келажакни мақсад қилиб қўйган мамлакатимиз Конституцияси мустақиллик мафқураси билан сўғорилгандир.

Президентимиз Ислоҳ Каримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида мустақил Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий асослари сифатида:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик сингари тўртта асосий негизни кўрсатиб ўтган эдилар.

Айни пайтда мустақиллик мафкурасининг асосий тамойилларини ташкил этган мазкур негизлар ўша пайтда ишлаб чиқиладиган Конституциямиз учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилди. Умумий ғоя атрофида бирлашиш, манфаатлар йўлида курашиш мақсадлар яхлитлигини, интилишлар уйғунлигини кўрсатади. Бу халқимизнинг азалий фазилатидир. Ўзбекистоннинг мустақиллигини эълон қилган, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган инсонпарвар жамият қураётган мамлакатимизда ўз қизиқиши ва манфаатларини акс эттирувчи мафкурага эга ижтимоий қатлам — гуруҳ ва сиёсий партияларнинг бўлиши ҳам табиийдир. Шунини назарда тутган ҳолда миллий истиқлол мафкураси ўз мазмун ва моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади ва барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг — бутун халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди.

Миллий истиқлол мафкураси турли сиёсий партиялар ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен — ижтимоий ҳодисадир. Бу мафкурада бирон-бир дунёқараш мутлақлаштирилмайди.

Айни шу тамойил Конституциямизнинг 12-моддасида ўз ифодасини топган. Унда: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас", деб аниқ кўрсатилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқи мафкурамиз

да акс этган, Конституцияда ўз асосини топиб, бош мақсадимизга айланган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, демократия тамойилларига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ғоясини амалга оширмоқда. Буни яхши англаган Юртбошимиз миллий мафкурани эҳтиёж даражасига кўтарди ва Конституциямиз қабул қилинганлигининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда (1993 йил 7 декабрь) барчанинг диққат-эътиборини ана шу муҳим масаланинг ҳал этилишига қаратиб: "...мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалга татбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади. Янги мафкуранинг асл мазмуни — янги-ча, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи мустақил инсонни тарбиялашдир", деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Миллий мафкура халқимизнинг қалби ва онгидан жой олмас экан, Конституциямизда акс этган эзгу фикрлар ҳам ҳаётга воқе бўлолмайди. Демак, Конституцияни ҳам миллий мафкурадан алоҳида узиб олиб ўрганиб, ҳаётга жорий этиб бўлмайди. Улар узвий, уйғун, муштарак ва бир мазмуннинг икки хил шакллари дур.

Ҳа, Мустақиллик — буюк неъмат. У барчамиз учун муқаддас ва эъзозлидир. Шунингдек, мустақиллик кўп қиррали маънавият мажмуи, умуминсоний, ижтимоий-сиёсий қадрият бўлиши билан бирга улкан масъулият ҳамдир. Ҳуқуқни билиш, бурчни англаш масъулиятидир.



АННОТАЦИЯ

Вышеуказанная статья посвящена идеологии независимости и Конституции Республики Узбекистан. Во вводной части данной статьи автор обозревает основные аспекты Конституции Республики Узбекистан. В основной части статьи осуществляется научно-правовой анализ исторических нормативно-правовых документов, Конституции, её отличительных черт, приводятся примеры и основополагающие идеи из фундаментальных трудов Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова. В заключительной части автор указывает на всю важность и значимость независимости.

Доктор Томас КУНЦЕ,
 “Конрад Аденауэр” фондининг Марказий Осие
 мамлакатлари ва Қозоғистон бўйича минтақавий мухтор вакили

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Тарих

XIX асрнинг охирига келиб Германияда “Ҳуқуқий давлат” атамасининг маъноси ўзгарди. Ҳуқуқий давлат эндиликда давлат интиладиган мақсад ва моҳиятни англамай, балки расмий тамойилга айланди. Бу эса бошқарувнинг қонунийлиги тамойили ва мустақил судлар орқали маъмурий ҳуқуқнинг ҳимоя этилиши билан чегараланди. Бундан буён инсонлар ҳаётига бирор шахс ёки ҳукумат эмас, балки қонунларгина таъсир кўрсата олади, холос. Қонун, умумий ва муайян ҳуқуқий нормалар устуворлиги орқали давлат ҳаракатларини олдиндан билиш, баҳолай олиш ва мустақил судлар ёрдамида назорат қилишга эришиш кўзда тутилганди. Қонунлар изчилликни, ҳукуматлар алмашиб туришини таъминлаб бериши керак эди. Айнан мана шу ҳуқуқий тафаккур Ваймар империяси конституцияси ва Асосий Қонунининг муҳим асосини ташкил этди.

Асосий Қонунда ҳуқуқий давлат тамойили элементлари турли моддаларда (масалан, 20-модданинг 2-бандида келтирилган ҳокимият бўлиниши шаклида) тилга олиб ўтилади. Одатда ҳуқуқий давлат тамойили ҳақида гап борганда, Асосий Қонуннинг 20-моддаси 3-банди цитата сифатида келтирилади: “Қонун чиқарувчи ҳокимият конституциявий тузум билан, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти қонун ҳамда ҳуқуқ билан боғлиқдир.”

Ҳуқуқий давлат тамойили тўртта тамойиллар категориясига бўлинади: *Ҳокимият бўлиниши, давлат хатти-ҳаракатини олдиндан билиш, асосий ҳуқуқлар ва уларни таъминлаш механизмлари.*

Ҳокимият бўлиниши

Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши Асосий Қонуннинг 20-моддаси 2-бандига асосан амалга оширилади: “Давлат ҳокимияти халқ томонидан сайловлар ва овозлар бериш йўли билан, шунингдек қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимият ва одил судловнинг алоҳида органлари воситасида амалга оширилади.”

Шундай бўлсада ҳокимият бўлиниши ҳар доим ҳам Асосий Қонун концепцияси кўзда тутганидек амалга оширилмайди. Бундестаг иш жараёни мисолида шуни кўриш мумкинки, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришади: Ҳукумат коалициясини ташкил этган партиялар одатда парламентда кўпчиликни ташкил этади ва шунинг учун ҳукуматнинг кўплаб қонун лойиҳалари парламент томонидан қабул қилинади. Фақат ўта баҳсли қонун лойиҳалари тўғрисида гап кетгандагина кўпчилик парламентарийлар виждонига бўйсуниб ўз фракциясига қарши овоз беришлари ва бунинг натижасида ҳукумат парламентдаги кўпчилик овозга эга бўлмаслиги мумкин. Мазкур ўзаро ҳамкорлик кўплаб қонунларни кучга кириши учун тасдиқлайдиган Бундесратда бошқага тус олади. У ерда кўпчилик парламентдагига қараганда, айниқса қонун чиқарувчи орган фаолияти ниҳоясига етаётган паллади бошқача тарзда шаклланади.

Ҳокимият бўлиниши шундай бўлсада суд ҳокимияти мисолида яққол намоён бўлади. Судялар парламент томонидан сайланса ва ижро этувчи органлар томонидан тайинлансада, уларнинг фаолиятлари судьялар мустақиллиги тамойили (Асосий Қонуннинг 97-моддаси) асосида сиёсий таъсир кўрсатишлардан ҳимоя қилинган. Улар фақатгина Германия Федератив Республикаси қонунлари, шунингдек, Асосий Қонуни олдида масъулдирлар.

Ҳокимият бўлинишига қўшимча давлат тузилиши структурасида ҳокимиятнинг вертикал бўлиниши мавжуд: Федерал ўлкалар ва коммуналар Федерация марказий давлат ҳокимиятининг миқёсини ўзларининг махсус ваколатлари билан чеклайдилар. Ўлка ва коммуна даражасида худди Федерация даражасида бўлгани каби горизонтал ҳокимият бўлиниши ҳам мавжуд.

Давлат хатти-ҳаракатини олдиндан билиш

Асосий Қонундаги ҳуқуқий давлат тушунчаси қамраб олган ва Давлат хатти-ҳаракатини олдин-

дан билиш учун хизмат қилувчи асосий тамойиллар қуйидагилар:

◆ Қонунийлик (қонуннинг, масалан, ҳис-туйғулар, сиёсий мақсадлар ёки шахсий талқинларга нисбатан устуворлиги)

◆ Қонунга тескари куч жорий этишни тақиқлаш (яъни, янги қонунларни эълон этилмасдан олдинги даврга жорий этиш таъқиқланади: “Ишонччи ҳимоя қилиш”)

◆ Мутаносиблик (масалан, бирор бир жазо содир этилган хатти-ҳаракатнинг оғирлиги ва сабабларини эътиборга олиши ва унга асосланиши керак)

Немис ҳуқуқ тизимида давлат хатти-ҳаракатини олдиндан билиш бизнинг рим-европа ҳуқуқ тизимига эга эканлигимиз билан асосланади. Германияда (англо-америка ҳудудида кенг тарқалган прецедент ҳуқуқига нисбатан) кодификация қилинган ҳуқуқ амалда қўлланилади. Яъни, судлар ҳукм чиқаришда қонун ва қарорларга асосланадилар. Бу қонун ва қарорлар ҳар бир фуқаро учун очик, ҳар бир шахс умуман олганда нима тақиқлангану, нима рухсат этилган, ўз хатти-ҳаракатлари учун қандай жазо берилиши мумкинлигини олдиндан билиши мумкин. Ҳукм ҳақиқатдан ҳам суднинг шахсий қарашлари асосида эмас, балки устувор тартиб асосида чиқарилишини таъминлаш мақсадида суд ҳукмига нисбатан камида икки марта шикоят аризаси берилиши мумкин. Бу орқали мазкур иш бошқа суд томонидан кўриб чиқилади. Прецедент ҳуқуқи Германияда фақат мавжуд қонун ва қарорлар ҳукм чиқариш учун етарли бўлмай қолган тақдирдагина қўлланилади.

Қонунийлик

Давлат хатти-ҳаракатининг ҳуқуқий боғлиқлиги бевосита Асосий Қонуннинг 20-моддаси 3-бандида келтирилган: „Қонун чиқарувчи ҳокимият конституциявий тузум билан, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти қонун ҳамда ҳуқуқ билан боғлиқдир.“

Бундан қуйидаги тамойиллар келиб чиқади:

◆ Қонун чиқарувчи орган конституцияга қарши ҳаракат қилишга ҳаққи йўқ (конституциянинг қонун ва қарорларга нисбатан устуворлигини Федерал конституциявий суд таъминлайди),

◆ Ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органлар қонунга қарши ҳаракат қилишга ҳаққи йўқ (қонуннинг муассасаларга нисбатан устуворлиги),

◆ Ижро этувчи ва суд органлари (масалан, асосий ҳуқуқларга аралашуш ҳақида гап борганда) қонунга хилоф ҳаракат қилишга ҳақлари йўқ. Аксинча, улар бунда қонун томонидан бериладиган аралашуш ваколатига эга бўлишлари шарт (Қонун шартлари).

Қонуннинг тескари кучини тақиқлаш

Ушбу тамойил асосан суд жараёнига тегишлидир. Ишонччи ҳимоя қилиш ҳуқуқий давлат томо-

нидан кўрсатиладиган ҳуқуқни таъминлаш учун муҳим қўшимча саналади. Шахс шунга амин бўлиши керакки, ҳуқуқий ҳолат қонунга тескари куч жорий этиш орқали шахснинг зарарига ўзгартирилмайди. Жиноят ҳуқуқини акс эттирган Асосий Қонуннинг 103-моддаси 2-банди буни яққол ифодалайди: Қилмиш, агар у содир этилгунга қадар бундай қилмишнинг жазоланиши муқаррарлиги қонунда белгиланган бўлса, жазоланишга сабаб бўлиши мумкин¹.

Мутаносиблик („Чегаралаш“)

Мутаносиблик тамойили ҳуқуқий давлат тушунчасининг материал компоненти ҳисобланади ва ҳар қандай шахс ҳуқуқларини ҳаддан зиёд ёки ноўрин тарзда чеклашга қарши ҳимоя вазифасини ўтайди. Давлат органларининг ҳуқуқ билан боғлиқлигининг ўзигина ҳар қандай ҳолда етарлича ҳимояни таъминлай олмайди, шу сабабдан асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш доирасида давлат фаолиятини қўшимча назорат қилиш воситасига эҳтиёж туғилади. Мутаносиблик тамойили давлатнинг ҳар қандай фаолиятига тегишлидир. Қонун чиқарувчи умуман олганда асосий ҳуқуқларга аралаша олсада, лекин бу аралашув ҳам чегараланган („Чегаралаш“).

Давлат кўрадиган чора шундагина мутаносиб саналадики, агар у легитим мақсадни кўзласа ва бунда...

◆ мос бўлса (мақсадга эришиш олдиндан белгиланган, шунингдек, назарий жиҳатдан мумкин бўлиши лозим, бундай мақсад ҳуқуқий легитим бўлиши керак),

◆ зарур бўлса (шундагина амалга ошириладиги, агар худди шу натижага олиб кела оладиган бошқа енгилроқ чора бўлмаса),

◆ ўринли бўлса (кўзланган натижа ҳуқуқларга аралашуш даражаси билан мутаносиб бўлиши керак).

Асосий ҳуқуқлар

Асосий Қонуннинг биринчи қисмида эркинлик ва тенгҳуқуқлилик тамойилларининг мавжудлиги ҳуқуқий давлатнинг материал компоненти саналади. Асосий ҳуқуқлар бу нафақат ҳар бир шахснинг ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидир, балки улар “қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти учун бевосита амал қилувчи ҳуқуқ сифатида мажбурийдир” (Асосий Қонун 1-модда 3-банд). Федерал Конституциявий Суди шунинг учун ҳам асосий ҳуқуқларни давлатнинг хатти-ҳаракатларини объектив баҳолаш масштаби сифатида эълон қилган. Бу айниқса, қонунларни қайта кўриб чиқишда намоён бўлади. Чунки бунда нафақат масъуллик ва белгиланган тартибда қонун чиқариш каби расмий сабаблар, балки асосий ҳуқуқларга аралашушнинг мутаносиблиги ҳам ифодланади. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқларини давлатнинг аралашу-

видан сақлаш учун судга мурожаат қилиш кафолатлари мавжуд: „Хуқуқлари давлат ҳокимияти томонидан бузилган шахс судга мурожаат қилиши мумкин“ (Асосий Қонун 19-модда 4-банд 1-жумла). Агар давлат ноқонуний тарзда фуқаронинг асосий ҳуқуқларини бузса, тегишли суд фуқарога ҳуқуқларини тиклаб беради.

Ҳуқуқий давлат тамойили шундай бўлсада ҳар бир асосий ҳуқуқни унинг илк амал қилиш соҳасида мавжуд бўлишини кафолатламайди. Баъзи асосий ҳуқуқлар конституцияга ўзгаришлар киритиш орқали чегаралиниши мумкин (Асосий Қонун 19-модда 1-банд). Лекин асосий ҳуқуқнинг “моҳияти” ҳеч қачон ўзгартирилмайди. Конституцияга ҳам ўзгартиришлар камдан-кам киритилади, чунки бунинг учун Бундестагда ҳам Бундесратда ҳам овоз берувчиларнинг (иштирок этаётган эмас, балки барча овоз бериш ҳуқуқи бор аъзоларнинг) учдан икки қисми розилиги талаб этилади.

Таъминлаш механизмлари

Асосий Қонуннинг 20-моддаси 3-бандида берилган ҳокимият бўлиниши ҳуқуқий давлатни таъминлашнинг муҳим механизмидир: Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларни назорат қилади. Бу жуда ҳам муҳим, лекин йўл қўйилган хатолар тuzатилиши учун етарли эмас. Чунки бу ҳолда фақат давлатнинг ўзи бирор масала юзасидан иш қўзғатиш керакми йўқлиги ҳусусида қарор чиқариш мумкин бўлиб қолади. Шунинг учун Асосий Қонун 19-модданинг 4-бандида судларга мурожаат қилиш кафолатини белгилаб беради: „Хуқуқлари давлат ҳокимияти томонидан бузилган шахс судга мурожаат қилиши мумкин.“

Шу тарзда фуқаролар ҳам суд ҳокимиятини давлатни назорат қилишга ундаши мумкин.

Мазкур судларга мурожаат қилиш кафолатининг ўзи ҳам одил суд жараёнини таъминлаш учун етарли кафолат эмас. Шунинг учун Асосий Қонун судлов жараёни бўйича бир қатор кафолатларни (“Одил судловга бўлган асосий ҳуқуқ”) қўзда тутди:

- ◆ Судьяларнинг мустақиллиги (Асосий Қонун 97-модда)
- ◆ Фавқулодда судларни тақиқлаш (Асосий Қонун 101-модда 1-банд 1-жумла)
- ◆ Қонуний судлов ҳуқуқи (Асосий Қонун 101-модда 1-банд 1-жумла)
- ◆ Судда тингланиш ҳуқуқи (Асосий Қонун 103-модда 1-банд)
- ◆ Бир қилмиш учун такрорий жазо беришни таъқиқлаш (Асосий Қонун 103-модда 3-банд)
- ◆ Озодликдан маҳрум этиш ҳолларидаги ҳуқуқий кафолатлар (Асосий Қонун 104-модда)

Шу тарзда ўзининг турли механизмлари ва кафолатларига эга бўлган немис ҳуқуқ тизими давлат ва унинг ҳокимиятини моҳиятан ўзгармас ҳуқуқ ва қадриятлар тизими билан боғлашга қаратилган. У ҳар бир фуқарога ҳуқуқларини максимал тарзда ҳимоя этилишини таъминлаши ва бир пайтнинг ўзида имкон қадар одил ва тушунарли судловни кафолатлаши лозим. Немис ҳуқуқининг фалсафий тамойили унинг иложи борича барча фуқаролар томонидан одил ва тушунарли деб топилишидан иборатдир. Агар давлатнинг фуқаролари бир ҳуқуқий тизимни тан олсалар ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлсалар, бу ҳуқуқий тизим узоқ ишлаши ва мавжуд бўлиб туриши мумкин.



АННОТАЦИЯ

Вышеуказанная статья посвящена принципу правового государства в Федеративной Республике Германия. Во вводной части данной статьи автор освещает историю развития принципа правового государства в ФРГ. В основной части статьи осуществляется тщательный научно-правовой анализ национального законодательства в данной сфере, системе разделения власти, осуществления правовых механизмов в ФРГ. Автор также, освещает ряд принципов характеризующих правовое государство. В заключительной части автор осуществляет обзор специфики принципа правового государства на примере ФРГ.

¹ Қонунга тесқари куч жорий этишни тақиқлаш борасида баъзи истиснолар мавжуд, буни ГДРда “Отишга буйруқ бериш” иши мисолида кўриш мумкин. Германия Федерал Олий суди бунга нисбатан шундай ҳукм чиқарган эди: “Инсонларнинг яшашга бўлган ҳуқуқига нисбатан устуворлик касб этган ГДРни ташлаб чиқишни тақиқлаш ва буни амалга ошириш учун қуролсиз қочқинларни атайин ўлдириш буйруғини оқловчи сабаб элементар адолат тамойилларининг ва халқаро ҳуқуқ томонидан ҳимоя қилинадиган инсон ҳуқуқларининг очик-ойдин ва чидаб бўлмас даражада бузилиши туфайли бекор қилсин” (BGHSt 41, 101 (11)). Германия қайта бирлашгандан кейин кўпгина чегарачи солдатлар ва сиёсий мутасадди шахслар отиш буйруғини бериш ва ижро этиш айби билан қонунга тесқари куч жорий этилган ҳолда жазоландилар.

Бахтиёр ПУЛАТОВ,
Начальник кафедры Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан,
д.ю.н., проф.

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА ЗАЩИТЫ ПРАВ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕЁ РАЗВИТИЯ

Республика Узбекистан – край молодых. Государство уделяет особое внимание вопросам воспитания молодёжи и несовершеннолетних, в частности, в стране гарантирована прав ребёнка, защита их законных интересов, а самое главное, воспитания гармонично развитого поколения является приоритетней задачей государственной политики.

Следует отметить, в Республике Узбекистан были приняты Законы «Об основах государственной молодежной политики Республики Узбекистан» от 20 ноября 1991 года и «Об образовании» от 9 августа 1997 года, а так же уже 1992 году в нашей стране была ратифицирована Конвенция ООН «О правах ребёнка», в которой закреплены гуманистические нормы международного законодательства в сфере защиты прав несовершеннолетних.

В стране 1998 год был объявлен Годом семьи, 2000 год Годом здорового поколения, 2004 год Годом доброты и милосердия, 2005 год Годом здоровья, 2006 год Годом врачей и благотворительности, а 2007 год Годом социальной защиты. В рамках специальных государственных программ принятых по каждому конкретному году были последовательно осуществлены комплексные меры по всесторонней правовой защите интересов несовершеннолетних¹.

На сегодняшний день в нашей стране 40 % от общего населения составляют дети, а 64 % – молодёжь до 30 лет. Для привлечения всеобщего внимания к всё ещё нерешённым проблемам молодёжи, которая является большей части нашего населения, а так же, с целью преобразования их в решающий фактор развития нашей жизни – 2008 год был объявлен Годом молодёжи, а 2010 год Годом гармонично развитого поколения.

В Законе Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребёнка» от 7 января 2008 года закреплены: права, свободы и законные интересы детей; защита жизни и здоровья ребёнка; недопу-

щения дискриминации ребёнка; защита чести и достоинства детей; обеспечения равенства прав и возможностей детей; совершенствования правовых основ регламентации (гарантирования) прав ребёнка; обеспечения гласности и открытости деятельности государственных органов и чиновников в сфере защиты прав, свобод и законных интересов детей; всесторонние оказания поддержки физического, интеллектуального и нравственного развития детей; установления и развития сотрудничества с государственными органами, некоммерческими негосударственными и международными организациями с целью обеспечения прав детей; социальная адаптация детей, уменьшения правонарушений среди несовершеннолетних и другие, как основные направления государственной политики в сфере защиты прав несовершеннолетних.

В независимом Узбекистане сложно найти организацию или личность так или иначе несвязанную с проблемами несовершеннолетних. Принимая во внимания то, что Конвенция ООН «О правах ребёнка», международные общепризнанные нормы и национальное законодательство закрепляет верховенство интересов и благополучия детей в каждой сфере деятельности государство и общество, обеспечения неуклонного исполнения требований данных документов по защите детства, защите подростков и прав несовершеннолетних, а так же, гарантий их осуществления со стороны всех предприятий, организаций, учреждений, чиновников и граждан является важнейшей задачей.

В соответствии с действующим законодательством, граждане обязаны, заботится о воспитании детей, воспитывать в детях полезные навыки для осуществления социально полезного труда (готовить их к социально полезному труду) и растить их как достойных членов общества. Обеспечивания и воспитания детей до их совершеннолетия является конституционной обязанностью родителей. Государство и общество обеспечивает со-

держания, воспитания и образования сирот и детей оставшихся без опеки родителей, а так же поощряет благотворительную деятельность в данной сфере. Судебно-правовые реформы проводимые в стране, так же предусматривают совершенствования трудового, политического и нравственного воспитания молодежи.

Ряд законов принятых на основе конституции обеспечивают решения проблем связанных с воспитанием молодежи на самом высочайшем уровне. Сегодня, такая важная социальная проблема, как воспитания молодежи требует от родителей, всех государственных, негосударственных организаций, местных государственных органов управления, соответствующих учреждений и общественности громадной ответственности и самоотверженности.

Следует отметить, особую важность Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 360 «О совершенствовании деятельности комиссий по делам несовершеннолетних» от 21 сентября 2000 года в сфере социальной защиты несовершеннолетних и учебно-воспитательной деятельности в нашей стране. Особенно большое значение имеет защита прав и законных интересов несовершеннолетних, определения причин правонарушений и преступлений, совершенствования специальных учебных заведений при Министерстве народного образования, согласования со стороны комиссии по делам несовершеннолетних деятельности всех взаимосвязанных министерств и ведомств, общественных организаций в сфере решение громадных и ответственных задач по повышению правовой грамотности.

Благодаря осуществлению программных мероприятий расширился масштаб поддержки детей нуждающихся в правовой и социальной помощи, улучшалась деятельность домов «Мехрибонлик» и специальных школ-интернатов где, воспитываются дети, нуждающиеся в социальной защите.

Обеспечения Постановления Президента Республики Узбекистан «О Государственной общенациональной программе развития школьного образования на 2004-2009 годы» от 21 мая 2004 года подразумевал совершенствования смысла внешкольного и внеклассного обучения. Постановление устанавливает требования к созданию условий для содержательного времяпрепровождения учеников, организации широкомасштабных духовных и просветительских работ, развитию процессов внешкольного и внеклассного образования и повышению эффективности деятельности внешкольных образовательных учреждений.

В рамках программы только за 2009 год в общей сложности в нашей стране было построено и реконструировано 1957 школ, из них 1622 в сельской местности. Кроме того, в прошлом году было создано и реконструировано 214 лицеев и

колледжей, из них 170 были созданы в сельских районах нашей страны. А это в свою очередь, позволяет молодежи, в том числе и сельским детям, получать современное образования и осваивать современные профессии, а самое главное, создаёт достойные условия для поступления и получения квалифицированного образования в лучших ВУЗах страны².

Не без основания в нашей стране уделяется столь высокое внимание правам несовершеннолетних. Данное внимание, прежде всего, берёт своё начало из Конституции, а так же, из Конвенции «О правах ребёнка»³. Так, статья 45 Конституции закрепляет государственную защиту прав несовершеннолетних, а статья 41 указывает, что дела школы находится под надзором государства.

Следует отметить, что почти во всех правоохранительных органах, местных государственных органах управления и органах самоуправления основана деятельность по оказанию всесторонней помощи в поддержке молодежи, предотвращению попадания их под воздействия разных уголовных течений и мыслей, защите прав и интересов детей, предотвращении преступлений несовершеннолетних.

С каждым днём возрастает возможность правового воздействия на совершенствования молодежи как достойных членов гражданского общества. Нужно отметить особую роль органов прокуратуры в решении данных задач. Прокуратура является важнейшим элементом правового защитного механизма страны или, говоря слова нашего Президента И.А.Каримова «играет решающую роль в строительстве гражданского общества и правового государства, а также в осуществлении правовых реформ».

Так как в соответствии с Конституцией Республики Узбекистан и Закона «О прокуратуре» надзор за точным и единообразным исполнением законов на территории Республики Узбекистан осуществляет Генеральный прокурор Республики Узбекистан и подчиненные ему прокуроры.

В соответствии с приказом Генерального прокурора Республики Узбекистан за № 27 «О дальнейшем совершенствовании деятельности прокурорского надзора за исполнением законов о несовершеннолетних» от 22 июня 2004 года задачами органов прокуратуры является: обеспечение прав и законных интересов несовершеннолетних, улучшения противодействия преступлениям и правонарушениям несовершеннолетних, выявление и устранения причины обстоятельств совершения данных преступлений и правонарушений, возвращения на путь исправления и честного труда каждого молодого правонарушителя.

Условия необходимые для успешного воспитания молодого поколения кроме вышеперечисленных законах, международно-правовых документах,

так же нашли своё отражения и в других законах и нормативно-правовых актах об образовании несовершеннолетних, занятости, обеспечении социальной защиты, здравоохранении, местожительстве и осуществлении права собственности, содержательном времяпрепровождении досуга и т.п.

Прокуроры в рамках своей юрисдикции осуществляют защиту прав, свобод и законных интересов несовершеннолетних. Их защита осуществляется с помощью надзора за исполнением законов, выявления и устранения правонарушений средствами гражданско-правовых и уголовно-правовых мер воздействия.

Именно по этой причине, в выше указанном приказе Генерального прокурора Республики Узбекистан указывается, что с целью предотвращения преступлений и правонарушений несовершеннолетних, особенно, предотвращения попадания под дурное влияние религиозно-экстремистических течений, формирования здорового сознания и мышления, расширения кругозора и повышения правовой грамотности с несовершеннолетними должны осуществляться беседы, вечера вопросов и ответов, должны вестись разъяснительные работы, а так же, эффективно применяются другие виды пропаганды и широкого использования СМИ в данной сфере.

Принимая во внимания особый интерес к данной сфере в Узбекистане, следует отметить что, надзор за обеспечением прав молодежи и несовершеннолетних является самостоятельной отраслью прокурорского надзора и признаётся как одной из важнейших направлений прокурорской деятельности.

Меры, осуществляемые в стране правоохранительными органами в сотрудничестве с другими государственными органами и общественными организациями приносят положительные результаты, а в частности, за 2010 год сократилось преступность несовершеннолетних на 3,9%. Но наблюдая данную ситуацию мы не должны предаваться эйфории. Так как, даже одно преступление несовершеннолетнего это огромная проблема для всего общества, а то, что число подростков доставленных в правоохранительные органы за разные правонарушения выросла по сравнению с предшествующими годами, ещё более усугубляет положения.

А это в свою очередь, подразумевает, что работа с проблемами молодёжи должна вестись регулярно, нельзя допускать нерасторопности, вестись работа по совершенствованию законодательства, по ответственному сотрудничеству практических сотрудников и общественности.

В докладе Президента И.А.Каримова на торжественном собрании, посвященном 17-летию Конституции Республики Узбекистан в связи с провозглашением 2010 года Годом гармонично

развитого поколения при разработке соответствующей Государственной программы указывается, что: «Прежде всего, нужно критически проанализировать существующую нормативно-правовую базу, внести в нее соответствующие изменения и дополнения в духе требований времени, при необходимости разработать новые правовые нормы, отвечающие достижению поставленных нами целей, и внести их на рассмотрение в Олий Мажлис».

Рассмотрения уголовных дел с участием специализированных судов, свою очередь позволит, повысить эффективность деятельности прокуроров в сфере защиты прав несовершеннолетних. Это подразумевает, целесообразность изучения практики ряда зарубежных стран в сфере ювенальной юстиции.

Известно, что в переводе с английского «juvenile justice» означает «правосудие в отношении несовершеннолетних» и первый суд по делам несовершеннолетних был создан 2 июля 1899 года в Чикаго на основании закона штата Иллинойс. Это новшество быстро распространилось по всей Америке (к 1924 году такие суды имелись во всех штатах) и за ее пределами - в Великобритании (1908), Франции и Бельгии (1912), Испании (1918), Нидерландах (1921), Германии (1922) и Австрии (1923). К 1931 году ювенальные суды существовали уже в 30 странах⁴.

Преступления несовершеннолетних имеет такую особенность, как психология несовершеннолетних. Сколько бы ни говорилось о специализации судей судов общей юрисдикции, всё равно они не могут выявлять всю специфику преступлений совершенные лицами не достигших совершеннолетнего возраста. Это в состоянии осуществить только ювенальная юстиция⁵.

Так как ювенальная юстиция это не только специализированные суды, а так же специальный государственный служащий в органах юстиции осуществляющий надзор за воспитанием и поведением несовершеннолетних совершивших правонарушения или состоящих на профилактическом учёте в органах внутренних дел, специализированные учебно-воспитательные учреждения, колонии для несовершеннолетних, Центры при органах внутренних дел по оказанию социально-правовой помощи несовершеннолетним и т.п.

Мы считаем, что ювенальная юстиция решающая важные вопросы правосудия с участием несовершеннолетних и другие проблемы данного характера должна быть создана и в нашей стране. Если эта цель будит достигнута в сотрудничестве с ними прокуратура и другие соответствующие органы смогут осуществлять свои функции более эффективно и это позволит увеличить эффект предотвращения преступлений и правонарушений, а так же эффективно решить и другие

соответствующие проблемы.

Кроме того, если рассматривать перспективы развития гарантирования прав, свобод и законных интересов несовершеннолетних, регламентированных Конвенцией «О правах ребёнка», Конституцией Республики Узбекистан, Законом «О гарантиях прав ребёнка» и другими нормативно-правовыми актами, необходимо создания органа по мониторингу за соблюдением данных прав и интересов со стороны всех физических и юридических лиц на территории страны.

Таким органом в Узбекистане может стать Детский Омбудсман. Детский Омбудсман может рассматривать не только заявления и жалобы граждан о нарушении прав детей, а так же может тщательно изучать их и выявлять условия, оказывающие пагубное влияние на физическое, психологическое и духовно-нравственное воспитание детей. Именно этот орган будет разрабатывать стратегию выполнения норм Конвенции «О правах ребёнка» и согласовывать действия по исполнению Национальной программы реализации данной Конвенции, оказывать всестороннюю помощь по имплементации общепризнанных норм международного права в национальное законодательство.

Одной из важнейших проблем в сфере улучшения деятельности исполнительной власти является совершенствование деятельности в республике комиссий по делам несовершеннолетних. С нашей точки зрения данную комиссию следует назвать «комиссией по делам молодёжи» и, следовательно, включить в её обязанности защиту прав и законных интересов, как несовершеннолетних, так и лиц 18-25 летнего возраста, что станет ещё одним важным шагом в сфере защиты прав молодёжи. Так как, только в 25 лет человек получает нужные профессиональные навыки, полностью может оценивать положительность своих прав и свобод и в полной мере самостоятельно реализовывать их.

Основным приоритетным направлением обеспечения законных прав и интересов молодёжи в деятельности государственных и общественных организаций – это защита прав и интересов молодёжи, освоение ими современных знаний и профессий, формирования осведомлённости, проницательности и бдительности относительно любых опасностей, вредных воздействий и течений в столь трудное и опасное время и обеспечение занятия достойного места в жизни нашего общества⁶.



АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсати ва унинг ривожланиши истиқолларига бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида муаллиф Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг умимий жиҳатларини ёритган. Асосий қисмда эса ушбу давлат сиёсатни амалга оширишда прокуратура органларининг роли, асосий вазифалари ва йўналишлари, шу соҳага оид миллий ҳамда халқаро меъёрий-ҳуқуқий базасининг батафсил таҳлили ёритилган. Муаллиф ўз мақоласида аниқ статистик маълумотларни ҳам келтирган. Хулоса қисмида муаллиф Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шу соҳага оид меъёрий базани янада ривожлантириш истиқболларига қисқача тўхталиб ўтган.

¹ Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма. Unicef, 2006 й. 5-6 б.

² Каримов И.А. Конституция Узбекистана – прочный фундамент нашего продвижения на пути демократического развития и формирования гражданского общества / Доклад на торжественном собрании посвященном 17-летию Конституция Республики Узбекистан // Народное слово. 08.12. 2009 г.

³ Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.,2003, 117-б.

⁴ Абдумалик Жаббор. Суд ва муқобил жазо чоралари. Инсон ва қонун. 2002, 2-апрель. Ведерникова О. Ювенальная юстиция: исторический опыт и перспектива. Российская юстиция. 2000, №7, с. 51-52. Зарипов З.С. Ювенал юстиция ва вояга етмаганлар ишларига доир муқобил чоралар. Ҳуқуқ-право Law, 2001, № 12, 59-61 б.

⁵ Хисматулин Р. Особенности судебного следствия по делам несовершеннолетних. Российская юстиция. 1999, №12, с. 39-40. Ткачева В. В Ростовской области создаются региональная модель ювенальной юстиции. Российская юстиция. 2000, №2, с. 25-27.

⁶ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз-юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг ЎзР Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. –Т.: Ўзбекистон. -2007. –Б.44.

Худоёр МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлари номзоди.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” номли дастурий маърузасида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини чуқур таҳлил этиб, янги жамиятни қарор топтиришнинг етти асосий йўналишини белгилаб берди¹. Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, маърузада фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиш жараёнларини жадаллаштириш, уларни янада фаоллаштириш йўллари кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимиз раҳбари халқимиз эришган мустақиллик неъматининг аҳамиятига алоҳида урғу бериб, “мустақиллик биз учун муқаддас маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда ва тарзда яшаш, ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш демакдир” деб таъкидлаган эди². Биз мустақил тараққиёт йўлини айнан мана шу маъно-мазмунда англаб, уни мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб борилаётган барча ислохотларнинг бош мезони, деб ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли, иштироки ҳамда аҳамияти масаласи доимо долзарб саналади. Сабоби, мазкур масала икки ҳодисанинг, яъни ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамияти ўзаро боғланишининг ифодасидир. Бу ерда чуқур диалектик алоқадорлик мавжуд: бир томондан, ҳуқуқий маданият фуқаролик жамиятининг маънавий пойдеворини, негизини ташкил этувчи феномен сифатида мазкур жамиятнинг шаклланиш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнаса, иккинчи томондан, фуқаролик жамияти институтлари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Юртбошимиз бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган устувор вазифалар ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Бизнинг энг эзгу мақ-

сад-муддаомиз—дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир. Бунинг учун... мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштиришни, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилашни, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни давом эттириш лозим”³.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш фуқаролардан сиёсий, ҳуқуқий, маънавий юксакликни талаб этади. Чунки, фуқаролик жамиятида фуқаролар барча хатти-ҳаракатлари ва фаолиятларида умумдавлат, умумхалқ манфаатларини ўз манфаатларидан ҳам юқори кўйиб фикрлаши ва иш юритиши зарур. Бундай жамиятда ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади, унинг асосий мақсади инсон ҳаётини сақлаш, мақсад, орзу ва ниятларини шу жамиятдаги демократик институтлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар орқали амалга ошириш ҳисобланади. Фуқаролар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа мақсадларини амалга оширадilar.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бундай жамиятни барпо этишнинг алоҳида устувор йўналишидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида тилга олинган маърузасида шундай деб таъкидланган: “Биз барчамиз шуни яхши тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ”⁴. Мазкур иқтибосда фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларни фаоллаштиришга, уларнинг жамият ҳаётини демократлаштиришда тутган муҳим ролига урғу берилмоқда. Улар, шубҳасиз, юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламент тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини вужудга келтиришга ва сиёсий майдонда эътирофга сазовор муҳолифат юзага келишига ижобий ҳисса қўшади.

Фуқаролик жамияти институтларини тобора шакллантириш ва ривожлантириш масаласи “Куч-

ли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойида ўзининг ифодасини топган. Бу тамойилда жамиятни янгилашга йўналтирилган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти яққол намоён бўлади. Зотан, худди шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади. Бу фуқаролик жамияти принципларига тўла мос келади.

“Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” деган тамойилни рўёбга чиқаришга, жумладан, қуйидаги чора-тадбирлар самарали кўмаклашади. Сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш зарур. Бунинг учун партиялар аҳоли ўртасида обрў-этибор қозониш борасида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, молиявий мустақилликка эришиши, жамиятда ўз ўрнини топиши ва ўзининг доимий сайловчиларига (электоратига) эга бўлиши даркор. “Мен шу борада аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор бераётганимизни ҳам алоҳида таъкидламоқчиман”⁵, деб таъкидлайди Президент Ислон Каримов.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши жараёнига жўшқинлик бериш, турли жамоатчилик ва нодавлат тузилмаларнинг вужудга келиш ҳамда ривожланиш жараёнларини мувофиқлаштириш мақсадида бир қатор ижтимоий ҳаракатлар ва ташкилотлар ташаббуси билан 2003 йилнинг апрель ойида “Фуқаролик жамиятини ўрганиш илмий — таҳлил институти” ташкил этилди. Кўп ўтмай 2003 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги Фармойиши қабул қилинди.

Мазкур институтнинг мақсади мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнини ва фуқаролик жамияти институтларининг қарор топишини таҳлилий ўрганиш; сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар билан давлат ҳокимияти органларининг ҳамкорлигини кучайтириш шарт-шароитлари, шакл ва усулларини ўрганиш; аҳоли орасида фуқаролик жамияти институтлари нуфузини оширишга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш; мамлакатда шаклланаётган фуқаролик жамияти институтлари фаолияти хусусида жамоатчилик фикрини ўрганишга доир социологик сўровлар ва бошқа илмий тадқиқотларни амалга ошириш; давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг иштирокини ҳамда фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий онгини ва маданиятини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида муайян қадамлар қўйилди. Мамлакатда жамиятни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва моддий шарт-шароитларини яратишга қаратилган қатор чора-тадбирлар қўрилди. Бу борада фуқаролик жамияти институтлари — фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклланганлигини тан олиш лозим⁶. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотига кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда 5300 га яқин жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари расмий рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатмоқда. Улар қуйидагилар: сиёсий партиялар — 4 та; Миллий маданий марказлар — 40 дан зиёд; Жамғарма ва кайрия ташкилотлари — 69 та; Жамиятлар — 77 та; Уюшмалар — 22 та; Ассоциациялар — 57 та; Федерациялар — 53 та; Тармоқ касаба уюшмалари — 14 та; Ижтимоий ҳаракатлар — 2 та; Миллий қўмиталар — 5 та; Аёллар ва болалар ташкилотлари — 48 та; Халқаро жамоат ташкилотлари — 62 та; Ваколатхоналар ва уларнинг филиаллари — 70 та ва бошқалар. Мазкур ташкилотларнинг 4800 дан ортиғи вилоят адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтган. Мазкур ижтимоий тузилмалар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиб, унинг мазмунини белгилаб бермоқда. Улар фуқаролар фаоллиги, миллий ўзликни англаш, жамият аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ҳамда маънавияти ўсишига самарали кўмаклашмоқда⁷.

Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий вазифаси, функциялари ва уларнинг фаолият кўрсатиш доираси фуқаролар манфаатлари кўлами билан белгиланади. Ушбу институтлар ичида энг мукаммал уюшгани ва давлат ҳокимиятига самарали таъсир эта оладигани — сиёсий партиялардир. Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнидаги сиёсий партияларнинг ўрнини уларнинг жамиятдаги функциялари ҳам белгилайди. Замонавий демократик характерга эга бўлган сиёсий партияларнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- партия жамиятдаги ижтимоий кучларнинг дастурий ёки мафкуравий мақсадлари, шунингдек, уларнинг сиёсий манфаатлари ва ғоясини ифодалайди;
- партия ҳокимиятни сайловлар воситасида шакллантиришнинг муҳим ва асосий омилидир;
- партиялар қабул қилинадиган ва бажарилиши шарт бўлган сиёсий қарорларни демократик легитимлаштириш воситасидир;
- партиялар манфаатлар умумийлигига эга бўлган ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий иродасини

ифодаловчи сиёсий оқимлардир;

– партиялар ҳокимиятни шакллантириш жараёнларидаги бошқарувчи кадрлар тизимини ҳосил қилиш омилидир;

– партиялар жамоатчилик фикрини шакллантирувчи ва жамоатчилик фикрида ифода этилган мақсадларни эътиборга олган ҳолда фаолият юритувчи демократик институтдир;

– партиялар сиёсий онгнинг шаклланиши ва сиёсий маданиятнинг юксалиши учун ижтимоий ва сиёсий муҳит, фуқаролар сиёсий иштироки учун “майдон” ташкил қилувчи ташкилотдир;

– партиялар фуқароларни сиёсий жараёнларга сафарбар этувчи ва уларда фаол иштирок этган фуқароларни рағбатлантирувчи тузилмалардир;

– партия ўз ташкилий, мафкуравий ва сиёсий фаолияти билан, шунингдек, жамиятдаги муаммоларни амалий жиҳатдан ҳал этиш фаолияти билан боғлиқ ҳолда сиёсий етакчиларни тайёрлаш мактабидир;

– партия демократик сайловларда сайланган ўз вакиллари, шунингдек, партиявий фракциялари воситасида парламент ва ҳукуматга таъсир кўрсата олиш қобилиятига эга институтдир⁸.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси асосида қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш ва нуфузини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онги ҳамда фаоллигини оширишда, шунингдек, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, уларни давлат ишларини бошқариш жараёнига жалб этишда шубҳасиз, беқиёс рол ўйнайди. Мисол учун биргина сайлов кампаниясини оладиган бўлсак, бунда сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари ниҳоятда кенг қўламда тарғибот-ташвиқот ва оммавий-тарбиявий тадбирларни амалга оширадилар.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида сайлов қонунчилигининг аҳамияти ҳақида тўхталганда, сайлов жараёнлари боришининг кенг аҳоли эътиборига қандай усул ва воситалар орқали етказилиши муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларини кенг тарғиб қилиш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва янада оширишда фаол иштирок этадилар.

Сайловлар жараёнида иштирок этаётган ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунлар орқали ўзига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан хабардор бўлсагина, уни ҳуқуқий маданиятли фуқаро дейиш мумкин бўлади. Айнан ҳуқуқий маданияти юқори

шакланган шахс сиёсий жараёнларда, яъни сайловларда иштирок этиш нафақат ҳуқуқи, балки фуқаролик бурчи ҳам эканлигини англаб етади. Сайловларда у ёки бу номзодга таваккал қилиб эмас, балки номзоднинг ёки номзодни кўрсатган сиёсий партиянинг ғоялари, мақсади ва сайловолди дастури мазмун-моҳиятини онгли равишда таҳлил этиб, Ватан тараққиётини ва халқ фаровонлигини таъминлашда қайси ғоя ва дастур ўзига маъқул эканлиги тўғрисида хулоса чиқаргач, ўз муносабатини билдиради, муносиб номзодга овоз беради.

Фуқаролик жамияти институтлари фуқароларнинг ижтимоий алоқаларини мустаҳкамлайди ҳамда давлат билан алоҳида фуқаролар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиб, демократиянинг қуйидан ривожланишини таъминлайди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакатимизда фуқаролар ташаббуси билан юзага келган нодавлат нотижорат ташкилотлар сони ўсиб бормоқда. Касаба уюшмалари, маданият, санъат, таълим, экология, бизнес, туризм ва бошқа йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотларни тузиш давом этмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир”⁹.

Мамлакат парламенти нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб берди. Жумладан, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида” ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” ги, “Жамоат фондлари тўғрисида” ги ва “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ги каби бир қатор Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонунларга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишнинг умумий мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш; демократик кадриятларни муҳофаза этиш; ижтимоий, маданий, маърифий аҳамиятга молик фаолият мақсадларига эришиш; маънавий ва бошқа хилдаги номоддий эhtiёжларни қондириш; хайр-саховат ва ҳомийлик ишларини амалга оширишдан иборат¹⁰.

Жамиятни демократлаштириш ҳамда модернизациялашнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон фуқароларининг фаоллигини, сиёсий иштирокини кенгайтиришдек муҳим вазифани ҳал этиш кун тартибиде турибди. Уни ҳал қилиш учун қуйидаги асосий шартларни бажариш зарур деб ҳисоблаймиз:

– барқарор демократик жамият асоси сифатида инсон ҳуқуқларига ҳурматни шакллантириш ва

мазкур ҳуқуқларни таъминлаш учун институционал механизмларни мустаҳкамлаш;

- фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари фаолиятини янада кенгайтириш, давлат ва жамият ҳаёти учун фойдали ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда эркин фаолият юритишлари учун имконият яратиш;

- маънавиятни, унинг асосий элементлари бўлмиш эркинлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ижтимоий ҳамкорлик ва тенгликни ривожлантириш;

- жамият, халқ онгида миллий мустақиллик, миллий мафкура ва миллий тикланиш ҳиссини мустаҳкамлаш;

- сўз эркинлиги, ахборот олиш ва уни тарқатиш эркинлигига риоя қилиш кафолатига эга бўлган мустақил оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш;

- демократик жамиятни вужудга келтиришда кишилар фаоллиги, бунёдкорлиги ва ғайрат-шижоатидан фойдаланган ҳолда қуйидан намоён бўладиган ташаббусни қўллаб-қувватлаш;

- аҳоли кенг қатламларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини, саводхонлигини юксак даражага кўтариш ва уларнинг муттасил ўсиб боришини таъминлаш.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда яна бир муҳим масала – ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётган оммавий ахборот воситалари бутун чоралар билан ривожлантирилиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: “Ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча жамоатчилигимиз ўртасида тобора кучайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда”¹¹.

“Ҳозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини кучайтириш зарур. ... Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим”¹².

Зотан, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминлангандагина у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун, аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий мада-

ниятини ошириш зарур.

Президентимиз Ислон Каримов бу йўналишда қуйидагиларни амалга оширишни тавсия этади:

- Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш лозим.

- Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилишга доир ишларни давом эттириш керак.

- Учинчидан, фуқароларнинг ижроия органлари-га мурожаатлари ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун давлат органлари масъулиятини ошириш зарур¹³.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жамиятни демократлаштириш, кишиларнинг ҳаёти, ўйи ва ташвишларини объектив ёритиш, сўз эркинлигини ҳақиқий ҳурфикрликка, умуминсоний қадриятлардан бирига айланттиришга интилаётганини кўрмаслик мумкин эмас. Мамлакатимизда газета, журнал ва телеканалларнинг сони йилдан-йилга ортиб, рангбаранглашиб бормоқда. 1991 йилда Ўзбекистонда 351 та оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатган бўлса, 2006 йилга келиб уларнинг сони 723 тага етди. 1991 йилда республикада 389 та газета чоп этилган бўлса, 2006 йилда 600 га яқин номда газета чикди. Журналлар сони 60 тадан 165 тага, телерадиоканаллар 38 тадан 70 тага, нашриётлар сони эса 14 тадан 60 тага етди¹⁴. Бундан ташқари, вазирлик ва идоралардаги кичик нашриётларни ҳам ҳисобга олсак, уларнинг сони жами 600 тадан ошиб кетади. Қолаверса, кўплаб чет эл теле- ва радио каналлари ўз хабарларини узатади, бошқа давлатлардан ўнлаб газета ва журналлар кириб келмоқда. Интернет тармоғи, электрон почталар, факслар орқали олинадиган ахборотни ҳам ҳисобласак, “фуқаролар ҳам, жамият ҳам амалда жуда кучли ахборот оқими орасида қолганини кўраимиз”¹⁵.

Ҳақиқатан ҳам, бугун фуқароларимиз истаган ахборотни истаган тилда олиши ва ўз фикрларини истаган оммавий ахборот воситаларида эълон қилишнинг реал имкониятларига эга. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”-ги Қонунига асосан, барча оммавий ахборот воситалари эркиндир. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ҳар бир фуқаронинг сўз эркинлигига, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига кафолат беради.

Оммавий ахборот воситалари халқ оммасининг ҳуқуқий билим савияси ва маданиятини оширишда, уни ҳуқуқий ахборот билан таъминлашда катта роль ўйнаётганлигини кўрсатиш учун аниқ социологик тадқиқотларнинг натижаларига мурожаат этиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази 2008 йилнинг 15 – 25 май кунлари мамлакат миқёсида сўров ўтказган. Унда суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштиришнинг аҳоли, ўлим жазосини бекор қилиш, шахсни ҳибсга олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш, шунингдек, Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 60 йиллигига бағишланган тadbирлар дастури тўғрисида”ги Фармонларидан фуқароларнинг хабардорлигини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган. Сўровномада, жумладан, қонунчилик ҳужжатлари ҳақидаги ахборотнинг аҳоли орасида тарқалишида ОАВ қандай ўрин тутишига оид саволлар ҳам бор. Сўралганларнинг 97,2 фоизи мазкур фармонлардан ОАВ (газета, журнал, радио ва телевидение) орқали хабар топганлигини таъкидлаганлар. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ҳақидаги маълумотларни жами сўралган фуқароларнинг 62,7 фоизи Ўзбекистон телевидениеси орқали, 14,1 фоизи даврий матбуот орқали, 12,0 фоизи республика радиоси орқали, 4,7 фоизи яқин қариндошлардан, дўстлардан, маҳалладошлардан, ҳамкасбларидан билиб олганлар, 1,6 фоизи мустақил ТВ, радио ва матбуот орқали хабар топганлиқларини билдирганлар¹⁶. Суд ислохотларининг бориши хусусида Марказ томонидан 2007 йил 20 – 29 августда ўтказилган сўров натижасидаги бу кўрсаткич қуйидагича бўлган: Ўзбекистон телевидениеси орқали – 56,0 фоиз, даврий матбуот орқали – 19,2 фоиз, республика радиоси орқали – 13,0 фоиз, дўстлар, ҳамкасблар, маҳалладошлар орқали – 4,1 фоиз, мустақил ТВ, радио, матбуот орқали – 6,1 фоиз. Тегишли статистика маълумотлари ва таҳлиллар вилоятлар, Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида берилган.

Келтирилган натижаларни таҳлил этиш баробарида аҳолининг ҳуқуқий ислохотлардан хабардорлигини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг, айниқса маҳаллий ахборот воситаларининг фаоллигини янада ошириш лозимлиги тўғрисида ҳулосага келиш мумкин.

Юқоридаги статистик маълумотлардан ҳуқуқий ахборотларни тарқатишда телевидениенинг салмоғи катталиги кўриниб турибди. Бироқ, ҳуқуқий ахборотлар тарқатиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда телевидение ҳам, бошқа ОАВлар ҳам бу ишга алоҳида масъулият ва дифференциал тарзда ёндашиб аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламлари хусусиятини инобатга олиб, ахборот етказишнинг ранг-баранг усул ва шакллари қўллашлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти институтлари аҳоли турли гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларини ифода этиш мақсадида қарор топади ва фаолият юритади. Шу боис улар аҳолининг тегишли тоифалари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни жамият ҳаётидаги муҳим воқеалардан, шу жумладан, сиёсий ходисалар ва ислохотлар натижаларидан бохабар этиб боради. Бу ўз навбатида, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда мазкур институтларнинг муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

АННОТАЦИЯ

Вышеуказанная статья посвящена вопросам совершенствования деятельности институтов гражданского общества в сфере повышения правовой культуры. Во вводящей части статьи автор освещает фундаментальные основы развития институтов гражданского общества. В основной части статьи осуществляется тщательный анализ нормативно-правовой базы, регулирующей деятельность институтов гражданского общества, освещается проделанная работа в данной сфере, приводятся точные статистические данные. Особое внимание автор уделяет освещению роли политических партий. Заключительная часть данной статьи посвящена обзору значимости институтов гражданского общества в жизни страны.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003. –Б.19-34

² Ўша асар. –Б.19

³ Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. //Халқ сўзи. 2010 йил 1 сентябрь.

⁴ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003. –Б.26

⁵ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005. –Б.40

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июндаги 107-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий архиви материаллари

⁷ Фуқаролик жамияти қарор топишининг асосий тамойиллари ва қонуниятлари. / Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. –Б.32-33

⁸ Давлат қурилиши ва бошқаруви /Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси. – Тошкент: НМИУ, 2007. –Б.444-445.

⁹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005. –Б.40

¹⁰ Саидов А.Х. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли // Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. –Б.16-17

¹¹ И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005. –Б.52-53

¹² Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999. –Б.391

¹³ Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005. –Б.104-105

¹⁴ Қаранг: “Ҳаёт ва қонун”. –Тошкент, 2006. №5. –Б.3

¹⁵ Ўша жойда. –Б.4-5

¹⁶ “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2008 йилдаги жорий архиви материаллари.

Гульчехра МАТКАРИМОВА,
Декан УМЭД, д.ю.н., профессор

ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Говоря о понятии гендерного равенства, хотелось бы остановиться не только на теоретическом анализе данного понятия, но и на исторических предпосылках его формирования и значении гендерного равенства в современных условиях.

Слово «гендер» заимствовал из грамматики и ввел в науку о поведении сексолог Джон Мани, которому в 1955 при изучении интерсексуальности и транссексуальности потребовалось разграничить, так сказать, общеполовые свойства, пол как фенотип, от сексуально-генитальных, сексуально-эротических и сексуально-прокреативных качеств. Затем оно стало широко использоваться социологами, юристами и американскими феминистками. При этом оно всегда было и остаётся многозначным.

Словоупотребление грамматической категории «гендер» подразумевало то, что видимые различия личностных и поведенческих характеристик мужчин и женщин не связаны напрямую с действием биологических факторов, а определяются спецификой социального взаимодействия.

В сексологии и психологии понятие «гендер» употребляется в более широком смысле, подразумевая любые поведенческие или психические свойства, ассоциирующиеся с маскулинностью и фемининностью и предположительно отличающие мужчин от женщин (раньше их называли половыми свойствами или различиями)¹.

В общественных науках и особенно в феминизме «гендер» приобрёл более узкое значение, обозначая «социальный пол», то есть социально детерминированные роли, идентичности и сферы деятельности мужчин и женщин, зависящие не от биологических половых различий, а от социальной организации общества. Центральное место в гендерных исследованиях занимает проблема социального неравенства мужчин и женщин².

В некоторых странах гендер, гендерную идентичность и гендерные идеалы: мужественность-женственность, относят к исследованиям социальной дискриминации женщин, которые, в свою очередь, являются психологическим подходом в изучении данной проблемы. Данный подход ограничивается изучением межличностных отношений в микро группе, психологии подавления достоинств и свободы женщины, исходя из разных сексуальных ролей двух полов. При этом в основу анализа кладутся как биологические различия между полами (биологический пол) так и разные культурные представления о поведении мужчин и женщин.

Тема гендерного равенства, в отличие от понятия прав женщин имеет не столь длинную историю. В

конце XVIII века зародилось специальное движение в защиту прав женщин, и вопрос о равенстве женщин и мужчин стал подниматься чаще. Изменение отношения к правам женщин стало возможным вследствие распространения теории и практики феминизма, получившего в XX веке особенное влияние. Одно из наиболее общих определений феминизма - это теория и социальное движение в защиту прав женщин. Феминистская теория междисциплинарна, она включает социально- философские, политические, экономические, психологические, исторические, культурологические подходы. Однако, конкретные способы улучшения положения женщин понимаются в феминизме по-разному. Причина этого заключается в том, что феминизм - это концепция, которая в буквальном смысле слова выросла и развивается как ответ на социальные запросы женщин. И поскольку реальные проблемы, которые встают перед женщинами разных эпох и разных культур, весьма различны, постольку различны решения, которые предлагает феминизм. Рассматривая различные направления феминизма (иногда на Западе говорят даже о «феминизмах»), можно в самом общем виде сказать, что ключевой темой является дилемма сходства или различий женщин и мужчин. Как пишет профессор Нью-Йоркского университета Эстер Айзенштейн, «тема «различий» стала интегральной для современной феминистской мысли по крайней мере современными публикации «Второго пола» Симоны де Бовуар, и в особенности - современными возрождения женского движения в 1960-е годы»³. Джудит Эванс, профессор того же университета, также отмечает, что феминистские школы «...структурировались вокруг темы равенства, сходства и различий»⁴. Обойти вопрос о сходстве и различиях женщин и мужчин невозможно, потому что вся традиционная культура основана на принципе противоположности и иерархичности мужского и женского начал, и, соответственно, отсюда вытекает идеология стратификации мужчин и женщин в обществе. Именно как результат поиска ответов на вопросы — тождественны женщины и мужчины или они различны?, в чем именно заключаются различия между женщинами и мужчинами, каковы их причины и последствия? — и выросла феминистская теория.

Исторически сложилось несколько направлений феминизма либеральное, социалистическое, радикальное, психоаналитическое, постмодернистское, различные феминизмы с национальной окраской («черный»/Унегритянский феминизм, латиноамериканский, исламский и др.). Несмотря на различия в философских взглядах или политических позициях, фе-

министок объединяет принятие нескольких тезисов. Это, прежде всего, признание дискриминации женщин в обществе и убежденность в том, что вторичность социального статуса женщин не детерминирована биологическими различиями полов. Все феминистки критикуют патриархат и настаивают на необходимости изменения традиционных социальных, политических и личностных практик для улучшения социального положения женщин (Women's Studies Encyclopedia). Однако, при описании стратегий «улучшения положения женщин» теоретики феминизма сталкиваются с проблемой сходства или различий женской и мужской сущностей. Для тех, кто озабочен равенством женщин и мужчин, ни один вопрос не имеет такого решающего значения, как различия между ними. И ни один вопрос не вызывает больше разногласий. Некоторые историки говорят «о двух лицах феминизма», другие описывают две длительные и раздельные традиции в движении.

В истории феминизма чередуются периоды, когда акценты делались на равенстве (одинаковости) между женщинами и мужчинами, их различиях или происходил синтез этих точек зрения. Принцип равенства, даже тождественности мужчин и женщин как существ, в одинаковой степени обладающих разумом, был впервые выдвинут либеральным феминизмом в конце XVIII века и отстаивался им до 60-х годов XX века. Авторы ранних феминистских работ - Мэри Уолстоункрафт, Джон Стюарт Милль, Хэрриет Тэйлор и другие - утверждали, что женщины равны мужчинам, хотя и отличны от них (equal but different). Эти мыслители полагали, что материнские функции жизненно важны для женщин, которые самой природой предназначены для исполнения семейных ролей; но при этом женщины «равны» мужчинам как человеческие существа и поэтому должны обладать равными юридическими, гражданскими и политическими правами. Таким образом, примирялись принцип равенства гражданских и социальных прав женщин и мужчин и различия их семейных обязанностей. Со временем в силу различных социально-экономических и политических причин акцент на тождественности женщин и мужчин (как разумных существ) усиливается, поскольку у либеральных феминисток все чаще возникают опасения, что любой акцент на различиях приведет к снижению социального статуса женщин⁵. Представительницы других направлений феминизма часто упрекали либералок за то, что фактически они искали не равенства женщин и мужчин, а равенства женщин с мужчинами в иерархизированном по патриархатному принципу обществе, где женщины должны были бы соответствовать «мужскому образцу».

Акцент на отличии женщин от мужчин появляется вместе со второй волной феминизма, особенно в его радикальном течении⁶. Основное внимание в теории перемещается с идеи «сходства» женщин с мужчинами на констатацию принципиальных различий в «мужской» и «женской» природе (сущности) и культуре. В основе этого лежала определенная логика развития феминистских идей. Начало этой позиции обозначено Симоной де Бовуар в книге «Второй пол» (1949), где впервые была поставлена проблема подавления феминного в культуре. Общество,

считает де Бовуар, конституирует мужское/маскулинное как позитивную культурную норму, а женское/феминное как негативное, как отклонение от нормы, как Другое. Общественная группа, обозначаемая как «чужая»/«чуждая» или «другая»,

получает свидетельство о «неполноценности и лишается права на «равенство»⁷, констатировала де Бовуар. Теоретики радикального феминизма reinterpretировали результаты многих научных исследований⁸ о разделении мира на две полярные сферы - социальную мужскую и семейную женскую. Вторичность женского мира, считают радикалки, происходит не из биологических различий полов, а является следствием социального конструирования иерархии полов. Однако, в отличие от традиционной патриархатной практики, радикалки оценивают приватный семейный женский мир как более высокую ценность, чем мир политики. На основе этого радикальные теоретики утверждают, что хотя женщины и отличаются от мужчин в патриархатной культуре, но - в лучшую сторону. Так формируются концепции особой женской сущности, или «эссенциализма» (от англ. essence - сущность).

В рамках этой концепции предполагается, что все женщины подобны друг другу и принципиально отличаются от мужчин в лучшую сторону. Очевиден явный биологизм этой позиции. Ясно так же и то, что если женщины и мужчины фундаментально различаются, то политика равных прав просто невозможна. В целом представительницы «феминизма различий» отвергают традиционное понимание политики. Для них политика, то есть сфера властных отношений, концентрируется не только в традиционных политических институтах, но, в гораздо большей степени, в сфере частной жизни, где мужчины подавляют женщин. Радикалки отвергают традиционные политические стратегии и программы либерального феминизма и предлагают скорее культурные стратегии сепаратизма от «мужской власти», нацеленные на акцентирование и поддержание женской уникальности. К сожалению, хотя экстравагантные идеи и поступки радикалок и привлекли внимание к проблеме, одновременно они стали поводом для распространения имиджа «сумасбродных феминисток». Постепенно в феминизме формируется представление о том, что существуют значительные различия между самими женщинами - и это не менее важно, чем различия между женщинами и мужчинами. Опять проблема равенства и различий стала весьма актуальной, но ее анализ переместился из сферы отношений между полами в сферу отношений внутри одного пола; и тем самым, тема различий или сходства перестает носить характер дилеммы биологических различий.

В 70-е и особенно в 80-е годы XX века под влиянием феминистских работ в социальных науках складывается представление о том, что биологический и социальный пол - это не одно и то же. Формируется гендерная теория, которая по-новому ставит проблему равенства и различий. До возникновения гендерной теории феминистские теоретики пытались разрешить дихотомию сходства и различия либо на биодетерминистской основе, то есть, фактически признавая биологические различия фактором,

определяющим иерархию социальных статусов женщин и мужчин, либо попросту отрицая саму проблему биологических различий.

На этих основаниях трудно выстроить адекватную социальную концепцию прав женщин. Теории сходства или различий репрезентируют альтернативные стратегии улучшения жизни женщин, и, к сожалению, как считают исследователи, ни одна из этих альтернатив не может улучшить ситуацию большинства женщин.⁹

Поэтому дилемма сходства/различий может быть решена только при использовании гендерной теории, базовым принципом которой выступает различение понятий пол (sex) и гендер (gender). Традиционно первое из них использовалось для обозначения анатомо-физиологических особенностей, которые определяют биологический пол людей. До шестидесятых годов XX века считалось, что половые различия людей определяют дифференциацию их психических качеств, темперамента, способностей, и, в конечном счете, социальных ролей, экономического статуса и даже гражданских и политических прав (как сказал З. Фрейд, «Анатомия - это судьба»). Под влиянием целого ряда интеллектуальных и социальных факторов, прежде всего, развития философии прав человека, переосмысления данных этнографических исследований с позиций структурной антропологии, формирования феминистской теории, стало очевидным, что биологические различия не являются определяющими для формирования психологических и социальных характеристик женщин и мужчин.

В современной социальной и гуманитарной науке принято считать, что решающую роль в формировании гендерных различий играет не биологический пол, а те социальные и культурные смыслы, которые общество приписывает факту анатомических различий. Иными словами, социальные различия между женщинами и мужчинами рассматриваются как культурно сконструированные. Понятие гендера отражает одновременно и сложный социокультурный процесс продуцирования обществом различий в мужских и женских ролях, поведении, ментальных и эмоциональных характеристиках, и его результат - социальный конструкт гендера. Сущность гендерной методологии состоит не просто в описании различия в статусах, ролях и иных аспектах жизни мужчин и женщин, но в анализе власти и доминирования, утверждаемых в обществе посредством гендерных ролей и отношений. Гендерная методология по определению междисциплинарна: аккумулируя социологические, политологические, культурологические идеи, она трансформирует их в принципиально новый подход к анализу культуры и общества.

Такой подход позволяет по-новому посмотреть на проблему гендерного равенства.¹⁰ Так как гендерные различия оказываются социально и культурно сконструированными, то, с одной стороны, это позволяет выдвигать задачу ликвидации дискриминации по полу там, где основанием для дискриминации выступает биологический пол (например, на рынке труда, где репродуктивная роль женщин часто является основанием для профессиональной дискриминации). С другой стороны, существование реальных (хотя и социально сконструированных) гендерных

различий между женщинами и мужчинами в жизни является основанием ограничения прав людей по признаку пола. Концепция равных прав женщин и мужчин признается не слишком эффективной для улучшения положения женщин и ликвидации существующей разницы в статусе, ролях и установках относительно женщин и мужчин. Появляется концепция women's human rights, которая предполагает создание более гибкой политики реализации прав человека женщинами различных стран. На уровне международно-правовой практики возникает понятие комплексного подхода к проблеме гендерного равенства.

Тема гендерного равенства прослеживается и в нормах международного права. Учитывая тот факт что, Всеобщая декларация прав человека подтверждает принцип недопущения дискриминации и провозглашает, что все люди рождаются свободными и равными в своем достоинстве и правах и что каждый человек должен обладать всеми правами и всеми свободами, провозглашенными в ней, без какого-либо различия, в том числе и различия в отношении пола, такие международные документы как Декларация о ликвидации дискриминации в отношении женщин, Конвенция о политических правах женщин, Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин, Конвенция о равном вознаграждении мужчин и женщин за труд равной ценности¹¹ закрепляют равенство мужчин и женщин, тем самым, обеспечивая гендерный баланс в обществе. Полное развитие страны, благосостояние всего мира и дело мира требуют максимального участия женщин наравне с мужчинами во всех областях жизни и деятельности.¹²

Важность роли женщины в обществе бесспорна, но создание целостной картины положения женщины в семье и обществе позволяет глубоко проникнуть в мир как средневекового так и современного человека, историю семьи, представить общественный, юридический и семейный быт общества. Крупные социальные сдвиги, сопровождавшие смену формаций, влекли за собой изменения и в положении женщин.

Об этом свидетельствуют и исторические источники. Геродот писал, что против захватнических войн наследника Ахемена Кира II Великого массагеты Средней Азии воевали под предводительством царицы Томирис и вспоминают этого полководца с почтением¹³.

Имя Томирис упоминается всякий раз, когда речь идет о выдающихся женщинах мира - как государственного деятеля, полководца, которая сумела собрать войско против многочисленной армии и сумела дать сокрушительный отпор захватчикам.

Веками ткалось кружево народных преданий о княгине Ольге как о деятельной, мудрой, «вещей» правительнице и защитнице земли родной.¹⁴

Гендерное равенство в определенном смысле представляет собой конкретизацию моральных требований о предоставлении равных возможностей любому человеку, независимо от пола и прочих условий.

Государству принадлежит решающая роль в улучшении благополучия, как женщин, так и мужчин. Эко-

номическое развитие открывает широкие пути и возможности для повышения уровня гендерного равенства.

Решение женских проблем даже в зрелых демократических государствах - сложный, длительный и противоречивый процесс, развитие которого наряду с успехами одновременно сопряжено с серьезными трудностями и неудачами.

Мировой опыт свидетельствует, о том, что в развитых странах реальному обеспечению гендерного равенства уделяется большое внимание. Так, например, в Англии в 1975 году принят закон о дискриминации, в Австрии в 1979 году принят закон о равном обращении для женщин и мужчин. С учетом национальных особенностей и специфики механизмов по реализации принципа равных возможностей функционирует во Франции, Италии, Германии, Бельгии, Греции, Испании и других странах.

Следует отметить, что не существует единой формулы развития, универсального пути достижения гендерного равенства. Целенаправленная государственная политика является основной движущей силой для изменения гендерных структур. Степень успеха политики развития гендерного равенства одной страны по сравнению с другой определить трудно. Проблема достижения гендерного равенства — комплексная. Критерии, которые подходят для оценки только некоторых аспектов дают нам всего лишь частичную картину, и на этой основе можно сделать ошибочные выводы. Оценки того, насколько эффективным было воздействие, конкретного набора политических стратегий на женщин и мужчин, их благосостояние - в лучшую или худшую сторону,- очень приблизительны.

Подход, где проведение институциональных реформ сочетается со стремлением к экономическому развитию способен обеспечить значительные результаты. Политические стратегии, которые объединяют юридические и экономические стимулы, более эффективны в сокращении масштабов гендерного неравенства;

Законодательные реформы важны для обеспечения гендерного равенства, но они должны быть дополнены институциональными реформами для того, чтобы заложить фундамент равных прав и равных возможностей для женщин и мужчин;

Узбекистан, как правовое государство, провозгласил и законодательно закрепил в Конституции страны обеспечение равных прав и равных Гриценко З.А Агиографические произведения о княгине Ольге., литература древней Руси.М, 1981, с 35 возможностей гражданина, независимо от его пола, национальности и вероисповедания, лично и общественного положения.

Статья 18 Конституции Узбекистана провозглашает, что все граждане республики Узбекистан имеют одинаковые права и свободы и равны перед законом без различия пола.¹⁵ В республике Узбекистан активно проводятся необходимые правовые реформы - особенно в сфере семейного права, в плане защиты от насилия, в области земельного законодательства, трудового законодательства, в сфере политических прав. Хотя, политическая реформа осуществляется относительно недавно и не все её эле-

менты были реализованы, некоторые её факторы оказали весьма большое воздействие на решение проблем гендерного равенства в политической, экономической и социальной сферах;

Итак, даже если в стране принят закон, способствующий гендерному равенству, это ещё не гарантия успеха. Законы остаются неэффективными, если в них нет ясности, целенаправленности, чёткости формулировок, механизма реализации. Не только декларация принципа гендерного равенства в законодательстве, а его гарантии, поддержка со стороны учреждений и персонала в применении этих законов, точный механизм реализации, анализ и контроль правоприменительной практики, правовое обеспечение гендерного равенства на всех уровнях, применительно к различным сферам жизни, отраслевое законодательство, залог перехода формального равенства к фактическому.

Для обеспечения глубоких и длительных изменений, государственные меры также нуждаются в широкой поддержке общества. Эффективность таких мер будет выше, если группы гражданского общества, особенно женские и молодежные организации, способны организоваться и активно участвовать в открытом диалоге. Более широкое участие граждан в процессе формирования политики страны и большая прозрачность этого процесса позволяет получить лучшие результаты. Большой доступ для женских организаций к участию в общественных дебатах и выработки политики способен повысить влияние женщин и усилить действенность различных программ. Во всех странах, как развитых, так и развивающихся, имеется значительный простор для большего участия женщин, женских организаций в общественной жизни - на местах и в масштабах всей страны. Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов постоянно уделяет большое внимание роли и значению женщины, семьи, в воспитании наших граждан в духе служения нашей Великой Родине, идеалам Независимости. В частности, в своем выступлении, он отмечал: «О месте женщины в обществе, в жизни каждого из нас можно говорить очень долго и много. Я высказал мысль, что семья может сделать человека - человеком или калеккой, несчастным»¹⁶. Так же, выступая на Торжественном заседании, посвященном ко дню принятия Конституции, где было провозглашению 1998 год Годом семьи, Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов отмечал: «На востоке семья издревле считалась священной Родиной. Когда семья здорова и крепка, в махалле будут мир и единство. Следовательно, только тогда крепка махалля, в государстве будут царить спокойствие и стабильность. Когда речь идет о семье, мы, прежде всего, представляем образ Матери».¹⁷

Правительством был принят ряд нормативных актов и программ мер, в том числе Национальная платформа действий. Эти документы определили стратегию и приоритетные направления государственной политики в отношении женщин, предусматривающих реализацию принципа равных прав, свобод и создание равных возможностей для женщин и мужчин в соответствии с Конституцией Республики Узбекистан, международными обязательствами страны и рекомендациями IV Всемирной конференции по поло-

жению женщин: действия в интересах равенства, развития и мира.¹⁸

Национальная платформа действий предполагает объединение усилий правительства, парламентариев, государственных и общественных организаций, гражданского сектора для повышения потенциала женщин в процессах становления и развития демократического общества.

Анализ и изучение сложившихся тенденций в области достижения гендерного равенства в рамках достижения ЦРТ и Национальной платформы действий, обусловили выделение для республики следующих приоритетов в направлениях деятельности:¹⁹

- ◆ укрепление здоровья женщин, включая репродуктивное здоровье и развитие служб семьи;
 - ◆ образование и повышение профессиональной и функциональной грамотности женщин;
 - ◆ улучшение экономического положения женщин;
 - ◆ снижение влияния экологической деградации;
 - ◆ усиление участия женщин в политических структурах;
 - ◆ создание специальных программ для поддержки девочек;
 - ◆ формирование образа новой женщины Узбекистана в средствах массовой информации, культуре, искусстве, преодоление существующих стереотипов;
 - ◆ обеспечение всех видов равенства для женщин и ликвидация всех форм дискриминации;
 - ◆ проведение гендерных исследований, включая гендерные направления в социальную политику, программы, проекты;
 - ◆ развитие и усиление роли женских неправительственных организаций;
 - ◆ совершенствование национального механизма по улучшению положения и статуса женщин республики.
- Импульсом для объединения усилий и участия всех

слоев общества — законодательных, исполнительных структур, гражданского общества и, в первую очередь, самих женщин в реализации этих направлений, в развитии

гендерного равенства стал Указ Президента Республики Узбекистан: «О дополнительных мерах по поддержке деятельности Комитета женщин Узбекистана» (25 мая 2004 года) и Постановление Кабинета Министров о программе мер по обеспечению его реализации (29 июня 2004 года).

Природой на женщину возложены определенные биологические и социальные функции: способность зачать, родить, вскармливать и быть хранительницей домашнего очага, а на мужчину — заботиться о ней, обеспечивать материальное благосостояние и преумножать достояние семьи.

Как указывал Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов: «Ибо главный фактор, обеспечивающий святость семьи - Мать, олицетворяющая женскую чистоту, разум, преданность и верность. Продолжая эту мысль, можно сказать, что с благословения Всевышнего, семью семьей может сделать только Ее величество Женщина. Она объединяет семью, общество, придает им красоту и благополучие, освещает нашу жизнь светом любви, доброты, красоты. Это наши уважаемые женщины, матери, сестры...»²⁰

Исходя из вышеизложенного, необходимо не только понять роль женщины, значение ее активного участия в социальной жизни общества, проводимую гендерную политику, направленную на равенство женщины и мужчины во всех сферах жизнедеятельности, но и принять это как естественную закономерность, для того чтобы понятие «гендерного равенства» звучало так же естественно и отражало то полное значение, которое вкладывалось в него изначально.



АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола гендер тенглигининг амалий ҳамда назарий масалаларига бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида муаллиф гендер ва гендер тенглигининг умумий тушунчаларига тўхталиб ўтган. Асосий қисмида эса гендер тенглиги ривожланиш тарихи, миллий ва халқаро меъёрий-ҳуқуқий базасининг таҳлили амалга оширилган. Хулоса қисмида муаллиф Ўзбекистон Республикасида гендер тенглигини янада ривожлантиришга оид фикр ва мулоҳазалар юритилган.

¹ Вейнгер О. Пол и характер. Нью Йорк, 1982г. С. 48

² Violence against Women. Oxford, 1997. P. 12.

³ Aizenstine E. The Future of Difference, N.Y Univer press, 1990. P. 156

⁴ Evans D. Gender. 1995. P. 76

⁵ Rebecca Cook, International Human Girhts. Law concerning Women: Case Notes and Comments, 1990. P. 23.

⁶ Дюги Л. Социальное право, индивидуальное право и преобразование государства. С 75.

⁷ Симона де Бовуар. Второй пол. Москва, 1949. P. 87

⁸ Brownlee I. International Law and the Use of Force by States. Oxford, 1963. P-255.

⁹ Гумбольдт В. Язык и философия культуры. Москва, 1977 г. С 37.

¹⁰ United Nations Actions in The Field of Human Rights. N.-Y., 1980. P.-20

¹¹ Международные акты о правах человека. Сборник документов. -М.: Издат. НОРМА, 2000. С. 239

¹² Роль ООН в XXI веке. Доклад тысячелетия. - Т: 2002. С 229.

¹³ Наука и жизнь/. Международный научно-популярный журнал. №4 сентябрь-октябрь, 2009. С 109.

¹⁴ Гриценко З.А Агиографические произведения о княгине Ольге. Литература древней Руси. М, 1981. с 35

¹⁵ Конституция Республики Узбекистан. Т. «Узбекистан» 2003 г.

¹⁶ Баталова И.Н. Из выступления Президента Республики Узбекистан. «Ее Величество – Женщина», Т: «Шарк», 2000. С 5.

¹⁷ 1998 год – Год семьи. –Т: «Узбекистан», 1998. С 73.

¹⁸ «Пора сказать нет». Специальный выпуск сборника «Женщины Центральной Азии». –Т: 2000. С 60.

¹⁹ Женщин Центральной Азии. № 6 Т: 2000. С 80-100.

²⁰ Баталова И.Н. Из выступления Президента Республики Узбекистан. «Ее Величество – Женщина», Т: «Шарк», 2000. С 75

БАРКАМОЛ АВЛОД — ФАРОВОН КЕЛАЖАК КАФОЛАТИДИР

Республикада болалар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг қонуний манфаатларини кафолатлашга доир бир қатор ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. 2007 йилнинг 18 майида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Бу фармонда ёшларни нафақат моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, балки ёшларга меҳнат фаолиятини олиб бориш ва мустақил ҳаёт бошлашига кўмаклашиш юзасидан жамоат ва давлат ташкилотлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилди. Ушбу фармонга кўра, ишлаётган ёш оила аъзоларининг иш ҳақи агар кредитни қайтариш учун тўланса, шу тўланган суммадан даромад солиғи олинмаслиги белгиланди. Ушбу фармонда ёшларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун кредитлар ажратилиши ҳам алоҳида вазифа қилиб белгиланди. Шу билан бир қаторда, болаларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида 2008 йилнинг 21 январиди қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳам болаларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла кафолатлашга хизмат қилади. «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция асосида яратилган, ушбу Қонун болаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини тўла кафолатлайди. Қонуннинг 20-моддасида болаларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари, меҳнат муносабатларида катталарга нисбатан имтиёзли ҳуқуқларга эгалиги кафолатлаб берилди.

Баркамол авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий ислохотларнинг давоми сифатида 2010 йил Ўзбекистон Республикасида «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди¹ ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди. Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ушбу дастурнинг бош вазифаси қилиб белгиланди.

Республикада 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилишнинг асосий мақсади мамлакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, XXI аср - интеллектуал кадрри-

ятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йигит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини амалга оширишдан иборатдир².

Бугунги кунда мамлакат аҳолисининг тахминан 40 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар, 64 фоизни эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиб, бу кўрсаткичлар баркамол авлоднинг мамлакат меҳнат бозорида сезиларли улушга эга эканлигидан далолат беради. Бу соҳадаги ҳуқуқий ислохотлар уларнинг меҳнат ҳуқуқларини кафолатловчи меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда ҳам аҳамият касб этди.

Республикада болалар меҳнатидан фойдаланишни янада такомиллаштириш, корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан болаларни меҳнатга мажбур қилишга йўл қўймаслик ва улар томонидан вояга етмаганлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат нормалари ва шароитларига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни амалга оширишни таъминлаш мақсадида 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси томонидан иккита халқаро Конвенция яъни, “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги ҳамда “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги Конвенциялар ратификация қилинди. Ушбу конвенциянинг ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ишга қабул қилиш 16 ёш қилиб белгиланиб, истисно тариқасида ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, хунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин отасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлиғига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган бўлди. “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги Конвенция талабларини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасига ўзгартириш киритилиб, ўн беш ёшга тўлган ёшларни ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилиши белгиланди³. Яъни, ёшларни 16 ёшдан

эмас, балки 15 ёшга тўлгандан кейин ота-онасининг розилиги билан ишга қабул қилиш белгиланиб, 15 ёшдан кичик вояга етмаганларнинг ота-онаси розилигидан қатъий назар меҳнат қилиши тақиқланди. Чунки, юқорида кўрсатилган конвенцияда вояга етмаганларнинг меҳнат билан шуғулланишига улар 15 ёшга тўлгандан кейин ота-онаси, ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан рухсат берилиши белгиланган.

“Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра таълим муассасасини тугатган ёшлар ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар тоифасига киритилиб уларга бўш иш ўринлари ҳисобидан ишга жойлашиш каби имтиёзли ҳуқуқ берилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 15 январдаги 88/1, 1-сонли қарори билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2010 йил 21 январда 2071-сон билан рўйхатга олинган) “Вояга етмаганларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича талаблар тўғрисида”ги Низомда эса вояга етмаганларнинг бошқа ходимлар билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, вояга етмаганлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат шароитлари ва кафолатларини таъминлашга иш берувчининг мажбурлиги белгиланди. Ушбу Низомда иш берувчи билан бир қаторда вояга етмаганлар меҳнати муҳофазасини таъминлашда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўзларининг вояга етмаган болалари меҳнатидан фойдаланишда боланинг соғлиги ҳолати ва касалланишининг олдини олишга жавобгарлиги ўз ифодасини топди⁴. Ушбу низом қабул қилингунга қадар меҳнат билан банд бўлган вояга етмаганлар ҳисоботини юритиш аниқ бир органга юклатилмаганлиги сабабли бу борада муаммолар мавжуд бўлган бўлса, эндиликда ушбу Низом маҳаллий меҳнат органларига

меҳнат билан банд бўлган вояга етмаганлар ҳисоботини юритишни ва иш берувчиларга эса ҳар ойда меҳнат органларига вояга етмаган ходимларнинг фамилияси, туғилган куни ва мансаби кўрсатилган рўйхатни тақдим этиш мажбуриятини юклади. Низомга киритилган бу тартиб назорат олиб борувчи органларга вояга етмаганларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини ҳимоялашда енгиллик яратади.

2009 йил ва 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида Бош прокуратура томонидан мамлакат парламентида бир қатор қонунларни такомиллаштириш ҳамда жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини тартибга солишга қаратилган 11 та қонун лойиҳаси киритилган бўлиб⁵, уларнинг аксарияти вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни такомиллаштиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай жамият ўз фарзандларининг масъулиятини ҳис этадиган, муносиб фуқаролар бўлиб вояга етишига ва давлат тараққиётига, гуллаб-яшнашига ўз улушларини қўшишларига умид боғлайди.

Баркамол авлод тарбиясига ҳар доим устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келаётган муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ёшларнинг давлат ва жамиятдаги ўрнини қуйидагича баҳолаган эди: “Бугунги кунда оддий бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси авваламбор янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир”.⁶

Хулоса қилиб айтиш мумкинки Ўзбекистон Республикасида инсонпарвар юртбошимиз бошчилигида келажак авлодни баркамол авлод қилиб тарбиялаш, яъни, фаровон келажакимизни бунёд этиш учун барча имкониятлар яратилган.



АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена важности развития гармонично развитого поколения. В ней освещается государственная политика по защите прав молодежи, а также осуществляется подробный научно-правовой анализ деятельности по развитию гармонично развитой молодежи в нашей стране. Подробно раскрывается суть нормативно-правовых основ и практическая значимость воспитания гармонично развитой молодежи. Заключительная часть данной статьи автор приходит к выводу, что воспитание гармонично развитой молодежи является залогом успешного развития страны.

¹ “Баркамол авлод йили” давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.12.2009 йилдаги Ф-3329-сонли фармони

² Баркамол авлод йили” давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.12.2009 йилдаги Ф-3329-сонли фармони

³ “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 24.12.2009 й. Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган ЎРҚ-239

⁴ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 15 январдаги 88/1, 1-сон қарори билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2010 йил 21 январда 2071-сон билан рўйхатга олинган) “Вояга етмаганларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича талаблар тўғрисида”ги Низомнинг 9-банди.

⁵ Р.Қодиров. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш-давр талаби. // Ҳуқуқ ва бурч. №7 2010.5-6.

⁶ Каримов И.А. Камолот ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин.-Т.: Ўзбекистон, 2001. 4-5 б.

Ботир КАЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.н

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК СИЁСАТИ ВА ТАБИАТНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ

Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳозирги пайтда муайян ҳудуд, фақат бир мамлакат ёки бир минтақа билан чекланиб қолган эмас. Атроф-муҳитнинг зарарланиши чегара билмайди, миллат танламайди ва у бутун инсониятга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси нафақат Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар, балки жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ҳамкорлик ва ҳамжихатликда табиатни, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш масалаларига катта эътибор бериб келмоқда.

Минтақадаги экологик вазиятнинг ўта мураккаблиги, унинг асосий сабаблари, илдизлари нималардан иборатлиги Президент Ислон Каримов асарлари, нутқлари, маърузаларида ўзининг чуқур илмий-назарий ифодасини топган. Мамлакатимиз раҳбари экологик муаммоларнинг кескинлашиш даражаси дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақаларида турлича эканлигини таъкидлаб шундай дейди: “Марказий Осиё минтақасида экологик фаолиятнинг ғоят хавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очиқ айтиш мумкин. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон — табиатнинг хўжайини, деган сохта социалистик мафкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида кўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди. Уларни қирilib кетиш, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди”.¹

Марказий Осиёда табиатнинг ҳолати бирданига, фавқулотда, ўз-ўзидан ёмонлашиб қолган эмас. Бу жараён минтақамизда қарийб бир ярим аср ҳукмронлик қилган чор мустамлакачилиги ва

собиқ шўро давлати юритган машъум сиёсатнинг аянчли оқибати, эски мустабид маъмурий-буйруқ-бозлик тизимидан қолган оғир меросдир.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, инсон саломатлиги ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон минтақада экологик вазиятни яхшилаш учун кенг кўламли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Экологик бўҳрон оқибатларини енгиллаштириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий мақсади — фуқароларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган экологик хавфсиз муҳитни таъминлаш учун мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш, яъни табиат билан жамият ўртасидаги иқтисодий-экологик муносабат шаклини қўллашдир.

Ўзбекистоннинг экологик сиёсати негизида фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш ётади.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати Конституция, қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси, атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро ва Йоханнесбург Декларацияларининг тамойиллари асосида халқаро конвенциялар ва шартномалардан ҳамда етакчи давлатларнинг қонунчилик соҳасидаги тажрибаларидан келиб чиқадиган республиканинг мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида макроиқтисодий режалаштиришнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсати билан оптимал уйғунлашуви ва унинг ижтимоий ҳамда бошқа соҳаларда юритилаётган сиёсат билан ҳамоҳанг бўлиши биринчи даражали муҳим вазифа бўлиб қолди. Республика экологик сиёсати табиатнинг алоҳида унсур-

ларини ҳимоя қилишдан экотизимни умумий ҳимоялашга ўтишга, инсон яшайдиган муҳитнинг ҳаёт кечириш қулай жиҳатларини кафолатлашга йўналтирилган. Бундай экологик сиёсатнинг амалга оширилиши халқ хўжалиги мажмуи ва умуман жамиятнинг барқарор ривожланиши шартларидан бири бўлиб қолиши керак. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати натижаларидан бири инсон саломатлиги учун юқори даражадаги хавфга эга ҳудудларда атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш ва экотизимни барқарорлаштиришдан иборат бўлди.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон табиий ресурсларнинг нобарқарор бошқаруви билан боғлиқ мураккаб экологик муаммолар, шунингдек, коммунал, sanoat манбалари ва суғориладиган майдонлардан қайтган оқава сувлар натижасида вужудга келган юқори ифлосланиш даражасини мерос қилиб олди. Бу эса қишлоқ хўжалиги, энергетика ва sanoat тармоқларидаги жиддий тузилмавий муаммолар туфайли рўй берди ҳамда мамлакат атроф-муҳити ва табиий ресурсларини бошқариш соҳасидаги кўплаб жиддий муаммоларнинг илк сабабчиси бўлиб қолмоқда.

Айниқса Орол денгизи ҳавзасида юзага келган вазият фақатгина шу минтақа мамлакатлари миқёсида эмас, балки жаҳон миқёсидаги катта муаммодир.

Орол бўйида денгизнинг қуриб бориши муносабати билан халқаро, кенг кўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди.

Орол денгизининг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боғлиқ экологик фожиа бу ҳавзада яшаётган барча халқларнинг дарду аламидир.

Сув захиралари билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуаси кенг кўламли ва мураккаб кўп тармоқли ёндашувни, минтақадаги давлатлар билан халқаро ҳамжамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил март ойида Қизилўрдада, 1994 йил январида Нукус шаҳрида, 1994 йил март ойида Тошховузда, 1997 йил февралда Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг БМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувларида ҳамда 2009 йил 28 апрелда Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари форумида Орол муаммосини ҳал қилиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун Орол бўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун жорий йилнинг 4-5 апрель кунлари мамлакатимизда бўлиб, Нукус шаҳрида Орол бўйидаги экологик вазиятни яхшилаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган тақдирот маросимида иштирок этди.

«Минтақадаги экологик вазиятни кўздан кечириб, аҳвол ўта мураккаб эканига амин бўлдим, бу бутун инсониятни огоҳликка чорлайди. Бу глобал муаммони минтақадаги барча давлатлар ҳамжихатликда ҳал этиши лозим», деб таъкидлади Пан Ги Мун².

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баробар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаш учун яроқсиз аҳволга келтирилди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради.

Мамлакатимизда ушбу муаммонинг салбий таъсирини камайтириш, минтақа аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида талай ишлар олиб бориламоқда.

Буларнинг барчаси минтақани иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш, био хилма-хилликни тиклаш ва иқлимни яхшилашга хизмат қилади.

Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларида йирик гидроэнергетика иншоотларини, яъни Тожикистонда Роғун ГЭСини ва Қирғизистонда 2-Қамбарота ГЭСини қуриш лойиҳалари, уларнинг шошма-шошарлик билан амалга оширилиши, келтириб чиқарадиган оқибатлар бу масалага ҳолисона ёндашадиган барча соғлом фикрли кишиларни ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Ўзбекистон бундай лойиҳаларнинг минтақадаги экология ва сув мувозанати таъсири, шунингдек, техноген фалокатлар таҳдидларини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги ҳусусидаги принципиал масалани қатъий қўймоқда. Ушбу фикрни дунёнинг турли мамлакатлардаги кўплаб мустақил экспертлар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар.

Мустақилликка эришилгандан кейин табиий объектлар муҳофазасини ҳуқуқий тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар тизими ҳам такомиллаштиришга муҳтож эди. Экологик муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар тизими Конституцияга асосланади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси табиий объектларни давлатнинг мустасносиз эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлади. Бу эса давлат миқёсида ягона экологик сиёсатни амалга ошириш учун замин яратди, экология вазифаларини

умумхалқ манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этиш имконини берди.

Экологик муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар тизимида миллий қонунлар етакчи ўрин эгаллайди. Булар республиканинг “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Сув ва сувдан фойдаланиш”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда тегишли табиий объектларни муҳофаза қилишнинг тартиби ҳамда шартларини белгилловчи омиллар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилган, мамлакатимиз бу соҳадаги барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган.

Бундан ташқари, экологик муаммоларни бар-тараф этиш ва уларнинг салбий оқибатлари олдини олиш мақсадида 2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлари, шу йўналишда иш олиб бораётган нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси асосида Ўзбекистон экологик ҳаракати тузилди.

Экоҳаракат Ўзбекистон фуқароларининг ҳозирги ва келгуси авлодининг қулай атроф-муҳит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини ҳамда уларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Президентимиз Ислом Қаримов таъкидлаганидек, бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдига катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади³.

Шу ўринда айтиш керакки, Экоҳаракатнинг ташкил этилганлиги мамлакатимизда экологик жамоат бирлашмалари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Эндиликда юртимизда фаолият юритаётган экологик жамоат бирлашмалари Экоҳаракат тимсолида атроф табиий муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда сафарбар қилиш имкониятига эга бўладилар⁴.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддаси иккинчи қисмига биноан Ўзбекис-

тон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш ва кончилик назорати агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида ушбу қўмитанинг ваколатлари белгилаб берилган.

Жумладан, мазкур Қўмита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига бўйсунди ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиқлаган Низом билан белгиланади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси идоралари томонидан 2009 йил ва 2010 йилнинг биринчи ярмида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, қўмита идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижаси бўйича 127139 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, ҳуқуқбузарлардан 10.05,7 млн. сўм маъмурий жарималар ундирилган, браконерлардан 331 та ов қуроллари, 3696 та тўрлар олиб қўйилган, 2508,1 млн. сўмлик зарарни ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилган.

Бундан ташқари, 25037 та объектлар экологик экспертизадан ўтказилган, 3556 та экологик сертификатлар берилган.

Шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни таъминлаш юзасидан прокуратура органлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган.

Экологик қонунчиликни қўллаш механизмида прокуратура органларининг роли фуқаролар, мансабдор шахслар, вазирлик, идора, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш борасида қонунчилик талабларига аниқ ва бир хилда риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишда яққол намоён бўлади. Хусусан, қуйидаги рақамлар ҳам прокуратура органлари бу борада самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан 2009 йил ва 2010 йилнинг 6 ойи давомида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ижроси юзасидан, яъни табиий ресурслар, сув, ер, экологик вазиятни локализациялаш,

тиклаш ва соғломлаштириш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни татбиқ этиш, саноат ва маиший чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш ва зарарлантириш, экологик офатлар, фавқулотда фалокатлар, вазиятлар ва аварияларнинг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этиш бўйича муайян фаолият амалга оширилган.

2009 йил ва шу йилнинг ярим йиллигида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижаси бўйича аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 517 та тақдимнома киритилган, қонунсиз ҳужжатларга 360 протестлар келтирилган, 265 нафар шахс расман огоҳлантирилган, 817 нафар шахсга интизомий, 2619 нафар шахсга маъмурий, 21 нафар шахсга моддий жавобгарлик белгиланган, 30 млн. сўмлик етказилган зарар айбдор шахслардан ихтиёрий ундирилиб, судларга 322,6 млн. сўмни ундириш юзасидан 496 та аризалар киритилган ва жиддий қонун бузилишлар бўйича 83 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Бутун инсониятнинг умумий маскани бўлган табиатни муҳофаза этиш, унинг бойликларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш барчанинг иши, умуминсоният учун энг долзарб масаладир. Табиатни муҳофаза қилиш — келажак авлод олдидаги бурчдир. Сайёрамизнинг келажаги, инсониятнинг тақдири табиат муҳофазаси борасидаги ишларнинг амалий натижаларига боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг жорий йилнинг 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида: “Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида минг йиллик декларацияда белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этиши” алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза этиш борасидаги тадбирлар, амалга оширилган ишлари минтақамиздаги ва дунёнинг бошқа давлатлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан кенг ва ҳар томонлама ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик қилиш иши билан қўшиб олиб борилмоқда.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена экологической политике Узбекистана и важности осуществления правовой защиты природы. В вводной части данной статьи автор осуществляет краткий обзор основных эколого-правовых проблем современного мира. В основной части данной статьи проводится подробный научно-правовой анализ национальной и международной нормативно-правовой базы в данной сфере, а также, государственная экологическая политика, осуществляемая в нашей стране, подробно освещается деятельность международных организаций. В заключительной части автор указывает положительные аспекты и перспективы развития государственной экологической политики Республики Узбекистан.

¹ Ислам Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Тошкент “Ўзбекистон” – 1999 й, 508-бет.

² “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 6 апрель.

³ Каримов.И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон-2010 й. 28-29-бет.

⁴ Ўзбекистон экологик ҳаракати саволлар ва жавоблар (Масъул муҳаррирлар Б. Алихонов, Ш. Файзиев – Т: 2009 й. 29-бет.)

Алимжан МАТЧАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси бошлиғи в.б.,
подполковник, ю.ф.н., доцент

ОДАМ САВДОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ СОДИР ЭТГАН АЙБЛАНУВЧИЛАР ҚИДИРУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ХАЛҚАРО- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛИШ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди. Бу тамойиллар Конституциямизда аниқ белгилаб қўйилган, аммо, яширишнинг ҳожати йўқ — улар амалда ҳозирча ўзининг тўлиқ ижросини топмоқда дейиш қийин. Бунинг муҳим сабабларидан бири суд ҳокимиятининг етарли даражада самарали фаолият юрита олмаётгани билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бугунги кунда юридик ҳуқуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шакллари такомиллаштириш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда». Ушбу фикрдан суд муҳокамаси учун материаллар тайёрлаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг муҳофазаси билан боғлиқ конституциявий принциплар сўзсиз бажарилиши шарт деган хулоса келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги энг заиф ва шу билан бирга, кучайтирилган эътиборни талаб қилувчи ҳуқуқ субъекти сифатида аёлни тан олиш зарур. Айнан шу шахс ўзининг физиологик хусусияти, жамиятда эгаллаган ижтимоий мақоми бўйича жиноят тажовузининг объекти бўлиши мумкин. Гарчанд ҳозирги замон жамиятда гендер (ижтимоий-жинсий) тенгликка қаратилган чоралар қўлланилган бўлсада, бу масала ўзининг долзарб аҳамиятини йўқотмаган. Гендер тенглиги мамлакатимизнинг Асосий Қонунида қайд этилган бўлиб (46-модда), у давлатни аёлларнинг ҳуқуқларини тан олиш, уларга риоя қилиш ва муҳофаза қилиш мажбуриятидан озод қилмайди².

Хорижий ҳуқуқшунос Кристин Нельсоннинг таъкидлашича, Ўзбекистонда гендер назариясига қараганда жамият аёлларнинг муаммолари билан яхши таниш, аммо улар мазкур назария тўғрисида етарли билимларга эга эмаслар. Ҳозирги пайтда наркотрафик, оилада зулм ўтказиш ва уларнинг ижтимоий сабаблари янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Давлат аёлларнинг жамиятдаги мақоми яхшилаш ва уларнинг камситилишини бартараф этишга боғлиқ ҳужжатларга имзо

чекмоқда ва бундай ҳаракатлар аёлларнинг асосий ҳуқуқларини кафолати сифатида хизмат қилиши зарур.

1979 йили БМТ Бош Ассамблеяси хотин-қизларнинг ҳуқуқларига қарши барча шакллардаги камситилишни бартараф этиш тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилган эди (СИДО). Мазкур ҳужжат бошқа конвенцияларга қараганда аёллар ҳуқуқларини чуқурроқ ва кенгроқ тан олади. Унда БМТга аъзо бўлган давлатлар томонидан эркак ва аёллар учун тенг бўлган сиёсий, маданий ва фуқаролик ҳуқуқларга эга бўлиш билан боғлиқ мажбуриятлар эътироф этилган. Ушбу конвенцияга кўра, аъзо давлатлар эркакларнинг аёллардан бўлган устунлиги билан боғлиқ ноҳуш одатлар ва барча салбий амалиёт ҳамда эркак ва аёлларнинг хатти-ҳаракатларига доир ижтимоий ва маданий феъл-атворлари билан боғлиқ ҳаракатларни моделларини ўзгартириши лозим. Ўзбекистон ҳам мазкур конвенцияни 1995 йилда ратификация қилган.

Бундан ташқари, гендер тенглигининг аҳамияти ва моҳиятини тан олувчи бир қатор бошқа келишувлар мавжуд. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция ва “Аёлларга қарши зўравонлик ишлатишни бартараф этиш тўғрисида”ги Декларацияни мисол қилиш мумкин³.

Барчамизга маълумки, 2000 йилнинг 15 ноябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 55 – сессияси 62 – Кенгашида 55-25- сонли резолюцияси билан қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенция” ва мазкур конвенцияни тўлдирувчи “Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги Протокол қабул қилинганлиги бежиз эмас⁴.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларининг устунлигини тан олади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси халқаро битимларга имзо чекиш ва уларга аъзо бўлиш орқали мазкур битимларнинг ижроси аёллар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан бажарилса мақсадга мувофиқ бўлар эди деган хулосага келиш мумкин. Бундан келиб чиққан ҳолда аёллар ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар тўғрисида улар-

га тегишли билим бериш ҳамда мазкур келишувларни маҳаллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш учун тегишли йўлларни топиш зарур, зеро булар пировардида жамиятда аёллар мақомини кўтариш ва улар ҳуқуқларини чекланиши билан боғлиқ қонунбузилишларини бартараф этади⁵.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ аёл жиний тажовузнинг объекти бўлиши мумкин ва бундай тажовузлар ичида ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш жинояти алоҳида ўрин эгаллайди (Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддаси).

Афсуски, ёш аёл ва қизлар турли алдовларга ва рўзномаларда берилган эълонларга ўқиб, мўмай даромад олиш илинжида официантка, фотомодель ёки уй бекаси сифатида чет элда ишлаш учун ёлланмоқдалар. Турли сохта «никоҳ агентликлари», «меҳнатга жойлаштириш бюрolari» ҳамда «виза бюро»лари бу масалаларни ҳал этишда ҳам ўзларининг «ёрдами»ни таклиф қиладилар. Аёллар чет эл ҳудудларига келганларидан сўнг эса, ўзларининг алданганликлари ва энди маҳаллий ишратхоналарда ишлашга мажбур бўлишлари каби кўрқинчли воқеликка дуч келадилар. Энг даҳшатлиси шундаки, уларнинг ҳужжатлари тортиб олинади, турли тажовузларга дучор бўладилар, оғир меҳнат эвозига ишлаб топган пулларини умуман кўрмайдилар⁶.

Одам савдоси учун жавобгарлик халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан 317 (IV)-сонли БМТ Бош Ассамблеясининг 1949 йил 2 декабрдаги резолюцияси билан тасдиқланган ва 1951 йил 25 июлда кучга кирган “Одамлар савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликни эксплуатация қилишга қарши” Конвенциясида акс эттирилган. Ўзбекистон Республикаси 2003 йил 12 декабрда мазкур конвенцияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 576-II-сонли қарорига биноан ратификация қилган. Ўзбекистон томонидан юқорида қайд этилган одам савдосига қарши курашишга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган қоидалар амалдаги жиноят қонунчилигидаги одам савдоси учун жиний жавобгарликни келтириб чиқаради (ЖКнинг 135-мод.)⁷.

Халқаро экспертларнинг баҳолашларича, бугунги кунда дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилаётгани ачинарли ҳолдир. БМТнинг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 млн. 700 минг нафар шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингдан 800 минггача аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда⁸.

Одам савдоси билан боғлиқ оғир жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўрни муҳим бўлиб, улар олдида мазкур жиноятларни бартараф этиш ва аниқлашга қаратилган турли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда мазкур жиноятлардан жабр чекканларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ долзарб

вазифалар турибди. Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти жиний қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига мос келиши лозим бўлиб, уни амалга ошириш учун айбланувчи суд муҳокамасига берилиши шарт. Профессор М.Х.Рустамбаевнинг фикрига кўра, «жиний қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи авваламбор, жиноятни содир этган шахсларга нисбатан қаратилади ва уларнинг содир этган қилмиши учун тегишли универсал қоидага эга бўлган жавобгарликни ўрнатади»⁹. Бироқ, амалиётда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахслар одил судловдан қочиб юриши ҳоллари ва шу билан боғлиқ вазиятлар мавжуддир. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг қидирувини амалга ошириш мураккаб жараённи ташкил қилади ва унинг моҳияти қидирувини амалга ошириш учун барча жиноят-процессуал, тезкор-қидирув чоралар ва тадбирларни ягона бир тартибли комплекс тўпلامга солинишини талаб қилади.

Сўнги пайтларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни очиш ва тергов қилиш бўйича қидирувини амалга оширишнинг ўрни ва аҳамияти муҳим бўлиб, бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг энг долзарб муаммоларига айланган. Ушбу ҳолатни яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Ахборот Марказидан 2000-2009 йиллар учун олинган статистик кўрсаткичларини (фоизларини) келтиришимиз мумкин.

Агар биз 2000 йилдаги қидирувдаги жиноятчилар билан боғлиқ статистик кўрсаткичларни 100 фоиз қилиб кўрсатадиган бўлсак, уларнинг динамикаси келгуси йилда куйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлди: 2001 йилда қидирувдаги жиноятчиларнинг 105,60% тергов ва суддан яшириниб юрган; 2002 йилда – 120,49%; 2003 йилда – 129,36%; 2004 йилда – 126,49%; 2005 йилда – 112,62%; 2006 йилда – 115,56%; 2007 йилда – 122,06%; 2008 йилда – 139,04%; 2009 йилда – 135,03%¹⁰ ва ҳоказо. Таъкидлаш жоизки, жиноят объекти бевосита аёллар бўлган жиноятлар салмоқли ўрин эгаллайди. Ушбу кўрсаткичлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, йилдан-йилга айнан одам савдоси билан боғлиқ жиноят содир этганлиги учун қидирувда бўлган жиноятчиларнинг сони ўртача ҳисобда 19,02% ошиб борган. Бундай хатарли оғиш, умумий қидирувдаги жиноятчиларнинг сони тобора ошиб боришидан далолат беради. Бу эса мантиқий жиҳатдан тезкор ҳолатнинг кучайиб боришига олиб келмоқда.

Агар биз қидирувда бўлган жиноятчилар ичидан аниқланган ва ушлаб турилган шахсларнинг сонига назар солсак, куйидаги ҳолат юзага келади: 2000 йили қидирувда бўлган жиноятчилардан фақатгина 46,81%; 2001 йилда 46,62%; 2002 йил 47,07%; 2003 йил 47,19%; 2004 йил 50,84%; 2005 йил 48,57%; 2006 йил 47,33%, 2007 йил 50,24%, 2008 йил 46,08% ва 2009 йилда эса, қидирувда бўлган жиноятчилардан фақатгина 45,02% аниқланди, холос¹¹. Бу кўрсаткичлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, жиноят объекти аёллар бўлган жиноятлар учун қидирувда бўлган жиноятчилар сонининг ярмидан ортиғи аниқ

ланмай, суддан яшириниб юриш билан шуғулланади, яъни жиноятни содир этган ҳар иккинчи жиноятчи жиний жавобгарликдан қочиб қутулади ва у жазосиз қолиш ҳиссиётига эга бўлади.

Юқорида қайд этилган статистик кўрсаткичлар нафақат тергов ва суддан қочиб юрган жиноятчилар қидирувини амалга ошириш билан боғлиқ муаммони ифодалайди, балки келажакда бу ҳолатнинг янада кескинлашиб бораётганлигини ҳам англатади. Бундай тамойил одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга ҳам мансуб бўлади. Шунингдек, мазкур жиноятларни очиш ва тергов қилишда қидирув фаолиятининг аҳамияти тобора ўсиб бормоқда. Қидирувда бўлган айбланувчиларни излаб топишда қийинчиликларнинг мавжудлиги ҳозирги замон қидирувининг ҳолати тўғрисида тўла-тўқис маълумотларга эга бўлишини тақозо этмоқда. Шу билан бирга, маълум давр ичида жиноятларнинг ўсиши (динамикаси), терговга масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти соҳасида қандай камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги билан боғлиқ ҳолатни ифодалаш учун нималар зарурлигини аниқлашни талаб этмоқда.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни очиш ва тергов қилишда қидирувнинг назарий, амалий, ҳуқуқий ва амалий асосини билиш мазкур жиноятларни очишда ва тергов қилишда катта аҳамият касб этади, зеро ушбу жиноятлар уюшган гуруҳ ёхуд жиний уюшма шаклида бўлади. Шу боис, меъёрий ҳужжатларда қайд этилган қидирувнинг услублари, усуллари ва қидирув фаолиятига оид муҳим қоидаларни билиш, уларни тўғри қўллаш, одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг қидирувини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишни талаб қилади ва пировардида мазкур жиноятларни муваффақиятли очиш ва тергов қилиш учун шарт-шароитларни яратиб беради.

Амалиёт шуни кўрсатадики, кўпгина ҳолларда одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир этган шахслар яқин ва олис чет элларда яширинишга интиладилар. Шу боис, мазкур шахсларнинг яшаш жойлари бўйича узоқ вақт давомида йўқлиги ва улар қаерда яширинганлигининг номаълумлиги мазкур шахсларга нисбатан самарали қидирувнинг йўқлигидан далолат беради. Зеро, на терговчи ва на суриштирув органларининг мазкур масалани ижобий ҳал этишга имкониятлари йўқлиги боис, қидирув фаолиятида тегишли камчиликларнинг мавжудлиги ва суств фаоллик мавжуд эканлиги масалани мураккаблаштиради.

Ҳозирда аёллар билан боғлиқ одам савдосига тегишли жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва тергов қилиш, бундай жиноятларни муваффақиятли очиш ва тергов қилиш бўйича иш юритувнинг энг самарадор шакллари қидиришни тақозо этмоқда. Чунки мазкур ҳаракатлар терговчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими томонидан уларга юклатилган ваколатларни муваффақиятли амалга оширилишини таъминловчи шароитларга қай даражада эга эканлиги билан боғлиқдир¹².

Аёлларни турли олиш-сотилш ва ғаразли ниятларда улардан фойдаланиш билан боғлиқ одам савдосига тегишли жиноятларни содир этганлиги учун қидирувда

бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни ушлаб туриш масаласи миллий жиноят-процессуал қонунчилигида қайд этилган чора-тадбирлар билан таъминланиши зарур. Шу маънода, тергов ва суриштирув органлари аёл ва эркеклар орасидаги гендер тенглигини ҳисобга олган ҳолда юқорида қайд этилган халқаро-ҳуқуқий нормаларни қидирув фаолиятида бевосита қўллашлари зарур. Башарти мазкур жиноятларни содир этганлиги учун айбланувчи шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ҳолларда, унга нисбатан халқаро ҳуқуқ нормалари асосида халқаро қидирув чоралари қўлланилиши мумкин.

Миллий қонунчиликдан фарқли равишда халқаро қидирув аввало, халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро шартномаларга асосланади¹³. Демак, бевосита аёлларни ғаразли мақсадларда ёллаш каби одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бўйича қидирув эълон қилганда, қидирувда бўлган шахснинг чет элга чиқиб кетиши мумкинлигини инобатга олиш зарур. Бирок, у бўлган ҳудуд номаълум бўлиши керак, шунга асосланиб, давлатлараро ёки халқаро қидирув эълон қилиниши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айбланувчининг расмий қидируви унинг тергов ва суддан қасдан яшириниб юриш ҳолати бевосита аниқланганда амалга оширилади. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда терговчи ва суриштирувчи жиноят ишини тергов қилинишининг дастлабки вақтиданок бундай эҳтимолни эътиборга олиши лозим.

Махсус адабиётларда “қидирув турлари” ва “қидирув босқичлари” каби тушунчаларга турли шарҳлар берилган. Чунончи, россиялик олим С.В.Бородиннинг фикрга кўра, аёллар билан боғлиқ одам савдоси бўйича содир этилган жиноятлар учун айбланаётган шахснинг қидируви бир нечта босқичлардан иборат бўлиши керак: 1) алоҳида маъмурий-ҳудудда ўтказиладиган маҳаллий қидирув; 2) қидирувга бир неча маъмурий-ҳудуд субъектлари қўшилган ёки қидирув барча маъмурий-ҳудуд субъектларини ИИИ томонидан амалга ошириладиган умумдавлат қидируви; 3) қидирувда МДХга аъзо мамлакатлар милиция ёки полиция органларининг иштирок этиши, яъни 1993 йил 22 январда фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш тўғрисидаги МДХ Конвенциясининг 6, 56-77-моддаларига кўра қидирув амалга оширилиши ва ҳоказо; 4) қидирув давлатнинг Миллий Марказий Интерпол бюроси орқали амалга оширилса. Муаллифнинг таъкидлашича, айбланувчининг қидируви ҳар қандай босқичда бошланиши мумкин, аммо маҳаллий қидирувни на терговчи ва на суриштирув идоралари барча тўхтатилган жиноят ишлари бўйича эътиборсиз қолдирмаслиги керак¹⁴.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлгани боис, аёлларни олиш-сотилш ва уларни учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликда эксплуатация қилиш билан боғлиқ одам савдоси бўйича чет элда яшириниб юрган айбланувчиларга нисбатан қидирувни эълон қилиш масалалари ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда таъкидлаш жоизки, шахс ва унинг мулкига нисбатан содир этилган жиноятларнинг трансмиллий таърифга эга бўлиши, аёлларни чет

элга турли ғаразли ниятларда аёлларни олиш-сотиш ва бошқа ғаразли ниятларда фойдаланиш орқали олинган даромадлари бу билан боғлиқ жиноий ҳаракатлари уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлса, ҳар қандай мамлакатнинг ҳуқуқни қўлловчи органлари ва суд ҳокимиятлари ўртасида анъанавий жиноят ишлари бўйича ёрдам бериш шакллари билан чекланиб қолмай, амалиётга зарур бўлган янги ҳуқуқий институтларни яратиш ва ривожлантиришни талаб қилади ва мазкур янги йўналишларидан бири сифатида амалиётга зарур бўлган халқаро қидирув, жиноий йўл билан топилган пул ва мулкни хатлаш ва мусодара қилиш каби жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга оширилишини назарда тутди¹⁵.

Халқаро қидирувни эълон қилиш тартиби аёллардан турли ғаразли ниятларда фойдаланиш жиноятлари учун чет элда яширинган ва қидирувдаги бўлган шахсни муайян қаерда яшириниб юриши билан боғлиқ маълумотлар ва алоқалар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд бўлиши ҳамда тегишли мамлакатнинг Марказий Интерпол бюросига алоҳида қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги сўров юборишининг зарурлигини назарда тутди. Шунинг ҳам инobatга олиш керакки, қидирувда бўлган шахслар МДХ мамлакатларининг ҳудудида, шунингдек, бошқа чет эл мамлакатларида бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда икки йўна-

лиш бўйича ҳаракат қилиш лозим бўлади: Муваққат йўриқнома бўйича қайд этиш тартибда ва Интерполнинг алоқа йўналишлари бўйича халқаро қидирувни эълон қилиш (Шахсларни давлатлараро қидирувининг ягона тартиби тўғрисидаги Муваққат йўриқномасига тайёрланган шарҳнинг 1-банди)¹⁶.

Ҳозирги шароитда яширинган айбланувчининг қидирувини ташкил этишни такомиллаштирилиш билан боғлиқ халқаро шартномалар ва қонунчилик чора-тадбирларини қабул қилиш зарурияти вужудга келган бўлиб, унда жиноят процесси, криминалистика ва технологик тараққиётнинг замонавий тамойилларини инobatга олиш лозим.

Шундай қилиб, аёллар билан боғлиқ одам савдосига тегишли бўлган жиноятлари бўйича айбланувчиларга нисбатан маҳаллий, давлатлараро ва халқаро қидирувга эълон қилиниши, шу турдаги жиноятлар билан кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадларидан келиб чиқиши лозим. Жиноят-процессуал фани, алоҳида жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик услубиёти, тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикасига таяниб, қидирув ҳаракатларини ва одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва ушлаб туриш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиниши талаб қилади.

АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена международно-правовым основам гендерного равенства при задержании обвиняемых в совершении преступлений, связанных с торговлей людьми. В статье анализируются фундаментальные основы гендерного равенства и противодействия торговле людьми в нашей стране, а также, анализ международных и национальных нормативно-правовых актов в данной сфере. Следовательно, в ней затрагиваются основные направления и пути совершенствования законодательной и правоприменительной деятельности в сфере соблюдения международно-правовых основ гендерного равенства при задержании обвиняемых в совершении преступлений, связанных с торговлей людьми, приводятся статистические данные. В заключении автор делает конкретные выводы о совершенствовании правового регулирования и правоприменительной практики данной сферы.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Биз танланган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11 – Т.: «Ўзбекистон», 2003. Б.31.

² Қаранг: И. Гартман. Защита прав женщин – долг и обязанность общества и государства. Женщина: её права и свободы./ Сборник ТГЮИ. Ташкент: Издательский дом «Эльдинур», 2001.- С.79

³ Қаранг: Кристин Нельсон. Права женщин и гендерное равенство. Женщина: её права и свободы./ Сборник ТГЮИ. Ташкент: Издательский дом «Эльдинур», 2001.- С.153.

⁴ Абдулхаков Я.А. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш амалиёти бўйича услубий қўлланма. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, 2009 – Б.3.

⁵ Қаранг: Кристин Нельсон. Права женщин и гендерное равенство. Женщина: её права и свободы./ Сборник ТГЮИ. Ташкент: Издательский дом «Эльдинур», 2001.- С.153-154

⁶ Қаранг: Расследование и квалификация вербовки людей для эксплуатации/Якубов А.С., Кабулов Р., Гулямов З.Х. и др. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан; СУ ГУВД г. Ташкента, 2004. – С.3.

⁷ Ўша манба. – Б.5.

⁸ Абдулхаков Я.А. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш амалиёти бўйича услубий қўлланма. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, 2009 – Б.12.

⁹ Қаранг: Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть /М.Х. Рустамбаев [Под общей ред. А.А. Палван-Заде] – Т.: ИПТД «O'qituvchi», 2004. – С.46.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот Марказининг архивдан 2000-2009 йиллар олинган маълумотлар.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот Марказининг архивдан 2000-2009 йиллар олинган маълумотлар

¹² Қаранг: Картохина О.А. Следствие: вчера, сегодня, завтра // Российский следователь № 1, 2005. С. 3 – 4.

¹³ Қаранг: Илларионов В.П., И.В. Путова. Правовые и организационно-методические аспекты международного розыска преступников. Учебное пособие. – М.: Книжный мир, 1999. – С.8.

¹⁴ Қаранг: Уголовный процесс / Под ред. В. П. Божьева. – 2-е изд. испр. и доп. – М., 2000. – С.320

¹⁵ Қаранг: Волеводз А.Г. Правовое регулирование новых направлений международного сотрудничества в сфере уголовного процесса. – М.: ООО Издательство «Юрлитинформ», 2002. – С.139.

¹⁶ Қаранг: Илларионов В.П., И.В. Путова. Правовые и организационно-методические аспекты международного розыска преступников. Учебное пособие. – М.: Книжный мир, 1999. – С.47.

Жасур ШАКАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим
прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

МИССИОНЕРЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб номланган VII бобида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилиши билан бир қаторда диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.

Шунга асосан, ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туриш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган.

Мазкур қонун талабига кўра, давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашиши, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги, диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаши, бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилиши қатъий белгиланган.

Прозелитизм ва миссионерлик ҳақида гап юртар эканмиз, ҳозирги кундаги миссионерлик ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги кунда миссионерлик сертармоқ соҳа ҳисобланиб, миссионерлар деярли барча мамлакатларда ва жабҳаларда фаолият юритишмоқда.

Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ва бепул ижтимоий ёрдам тизими улар томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган соҳалардир.

Замонавий миссионерликнинг бир қатор умумий хусусиятлари мавжуд бўлиб, энг аввало кўпгина замонавий миссионер ташкилотлар ўз ҳукуматларидан турли шаклларда кўмак олишлари, миссионерлар ўзлари фаолият юритмоқчи бўлган ҳудуд аҳолисининг диний эътиқоди, уларнинг ижтимоий муаммолари ҳақида маълумот олишлари учун ўз тадқиқот марказларига эгалиги, улар бугунги кунда хоҳлаган тилда ва адабда ўз диний адабиётла-

рини чоп эта олишлари мумкинлиги ҳам уларнинг имкониятлари нақадар кенг ва кучли эканлигидан далолат беради.

Замонавий миссионерлар дунё бўйича демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари устувор аҳамият касб этиб бораётганидан ҳам ўз мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланишади. Чунончи, уларнинг фаолияти қайси давлатда тақиқланса, халқаро ҳужжатлар бузилаётгани, инсон ҳуқуқлари поймол этилаётгани ҳақида жар солишиб, айрим халқаро ҳужжатларда қайд этилган қоидаларни рўқач қилишиб, яъни “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт”ларда келтирилган, ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги, ушбу ҳуқуқ ўз динини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ҳамда таълимотда, тоат-ибодат қилишда, диний расм-русум ва маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ва эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олиши, ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олиши ҳақидаги бандларни келтиришади. Лекин, миссионерлар ушбу қонунларни рўқач қилишлари унчалик ҳам асосли эмас, чунки ушбу модданинг кейинги бандларида, худди бизнинг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” Қонунимиздагидек, аввал виждон эркинлиги дахлсизлиги эътироф этилган, сўнгра бу нарса чекланиши мумкин бўлган баъзи ҳолатлар келтирилган.

Дунёдаги умумий миссионерларнинг 2/3 қисмини католик миссионерлари ташкил этган бир вақтда, ҳозирги кунда Протестантлик миссионерликнинг асосий ҳомийси бўлиб турибди.

Бир қанча оқимларга бўлиниб кетган Протестантликда миссионерлик дин арконларидан бири ҳисобланиб, жамиятларнинг ҳар бир аъзоси миссионерликни ўзи учун фарз деб билади. Шунинг учун ҳам, ҳозирда дунёдаги халқаро миссионерларнинг кўпчилигини протестант миссионерлари ташкил қилиб, улар асосан ривожланган йирик давлатларда жойлашган.

Протестантликда оқимлар жуда тез-тез пайдо бўлиб туради, ҳар бир оқим ўз миссионерлик ташкилотига эга бўлади.

Жумладан, Протестант оқимлари орасида энг йирикларидан бири бўлмиш **адвентизм** оқимиغا 1831 йили Уайт Миллер томонидан асос солинган. У.Миллер Библия матнларига асосланган ҳолда 1843-1844 йилларда Исонинг иккинчи қайтиши юз беради деб башорат беради. Башорат амалга ошмаган бўлсада, оқимнинг таъсири кўпчилик орасида сақланиб қолади.

“Еттинчи кун адвентистлари” Адвентизм замирида пайдо бўлган энг йирик оқим ҳисобланади. 1844 йилда Нью-Гемпшир шаҳрида бир гуруҳ кишилар томонидан тузилган ушбу оқимнинг асосчиси Елена Уайт ҳисобланади. 1860 йилда алоҳида диний конфессия сифатида расман тан олинган ушбу оқим вакиллари 1863 йилда ўз диний ташкилотларини тузишган.

Еттинчи кун адвентистлари асосий ақида сифатида Исо Масихнинг қайтишига ишонишни сақлаб қолишган. Бундан ташқари, улар Библия буйруқларига бўйсуншни қатъий талаб қилиб қўйиб, улардан энг муҳими тўртинчи буйруқ, яъни шанба кунига амал қилишни талаб қиладилар. Айни пайтда, улар руҳнинг абадийлиги, жаннат ва дўзах тушунчаларини инкор қилишади, чўқинтиришни эса бутун танани сувга ботириш орқали ўтказишади.

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ўз ойлик даромадининг ўндан бирини черков ҳисобига ўтказиши шарт.

Иўналиш асосчиси Елена Уайт томонидан ишлаб чиқилган “Санитар реформация”га кўра, черков аъзоларига “нопок ҳайвонлар” гўшти, хусусан, чўчка гўштини ейиш, кофе, чой, вино ичиш, тамаки чекиш тақиқланади. Турли хил кўнгиш очиш ишлари, бадий китоб ўқиш эса қораланади. Ташкилот аъзоларига юқори даражадаги фаол миссионерлик хосдир. Уларнинг ақидаларига кўра, Исонинг тезроқ қайтиши, барча инсонлар адвентистик тарбиотни қанча тез эшитишларига боғлиқдир.

Маълумотларга кўра, дунёда 5 миллионга яқин адвентистлар бор. Улар 184 мамлакатда 22 000 дан ортиқ черков, 5000 дан ортиқ ўқув марказлари, 50 та нашриёт, 160 та касалхонага эга, АҚШ ва Канадада бу йўналиш вакиллари нисбатан кенг тарқалган, 170 дан ортиқ тилда миссионерлик адабиётларини чоп этади.

Миссионерликни амалга оширишда Еттинчи кун адвентистлари анъанавий усуллар билан бир қаторда радио, телевидение, интернет каби замонавий усуллардан ҳам фаол фойдаланишмоқда.

“Пятидесятниклар” ёки **«Тўлиқ инжил христианлари»** - Протестантликдаги энг йирик оқим бўлиб ХХ аср бошларида АҚШда юзага келган. Диний ҳаётда “Муқаддас Рух инъомлари” деган тушунчага таянишади. Таълимотга кўра, бу инъомлар фақатгина Муқаддас Рух билан чўқинтириш орқали Худо Ўғлининг (яъни Исо Масихнинг) асл издошларига, унга хизмат қилиш воситаси сифатида берилади. Муқаддас Рух билан чўқинтирилганликнинг

ташқи белгиси деб пятидесятниклар глоссалия, яъни “худо билан нотаниш тилда гаплашиш”ни тушунишади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, пятидесятниклик тарихи расман 1901 йилнинг 1 январига бориб тақалади. Айнан шу кун Канзас штатининг Топеке шаҳридаги Библия мактабларининг бирида Ч.Пархем исми руҳоний бошқараётган талабалардан бири Агнесса Озман “учинчи раҳмат”га эришиб (яъни, Муқаддас Рух билан чўқинтирилиб), хитой тилида гапира бошлади. Унинг кетидан “худо билан нотаниш тилда гаплашиш” “эпидемия”си бутун мактабни қамраб олади. Шундан сўнг Ч.Пархем ўз ўқувчилари билан жанубий штатларда пятидесятникликни тарғиб қила бошлаган.

Ч.Пархем шогирдларидан бири, қора танли Д.Сеймур Лос-Анжелесдаги методист черковининг ташландиқ биносида **“муқаддас пятидесятница”** ғоясини тарғиб қила бошлаган. Уч йил давомида ушбу черков актив фаолият юритиб, АҚШдаги қора ва оқ танлиларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Бу ерда Худо билан нотаниш тилда гаплашишни бошидан ўтказган кўпчилик кишилар кейинчалик ўзининг пятидесятниклик черковларига асос солишди. Бундай черковлар Скандинавия, Англия, Ҳиндистон, Чили, Германия каби давлатларда ҳам пайдо бўлди. Уларнинг бир-биридан асосий фарқи худонинг раҳматлари сони ва сув билан чўқинтиришнинг услубларидадир. Муқаддаслик черковларидан ажралиб чиққан пятидесятниклар 3 та раҳматга ишонишади - динга киргизиш, нурлантириш, яъни христиан таълимоти билан чуқурроқ таништириш ва Муқаддас Рух билан чўқинтириш.

Баптистлардан ажралиб чиққан пятидесятниклар эса фақат 2 та раҳмат - динга киргизиш ва Муқаддас Рух билан чўқинтиришни тан олишади. Шунинг учун ҳам, уларни «Икки раҳмат черковлари» деб аташади. Уларнинг энг йирик бирлашмаси “Худо Ассамблеялари” ҳисобланади. Сув билан чўқинтириш усуллари, яъни муқаддас учликни тан олишлари ёки инкор қилишига кўра, пятидесятниклар иккига бўлинади. Лекин бундай бўлиниш барча пятидесятник черковларига тааллуқли эмас. Айни пайтда, баъзи черковлар христианлик чегарасидан чиққанини таъкидлаш зарур.

Пятидесятниклик инсонларнинг қайғу-аламлари, муаммолари ва жамиятда ўз ўринларини йўқотиб қўйишлари билан боғлиқ масалаларга алоҳида урғу бериши ва улардан усталик билан фойдаланишга интилиши туфайли унга эргашувчилар сони тез суратда ўсиб бормоқда. 1990 йилда дунё бўйича бу оқим аъзоларининг сони 50 миллионни ташкил қилган бўлса, ҳозирда тахминан 120 миллионни ташкил қилмоқда.

Пятидесятникликнинг энг йирик оқимларидан бири - “Худо Ассамблеялари” черковларига 1914 йилда АҚШнинг Арканзас штатида асос солинган. Маркази Миссури штатининг Спрингфилд шаҳри-

да жойлашган. Бу черков аъзоларининг сони 2 миллиондан ортиқни ташкил этади. Ушбу черков пятидесятникликнинг муқаддас учлик, Муқаддас Рух билан чўқинтириш, “худо билан нотаниш тилда гаплашиш” (глоссалия) каби ғоялари қаторига, эътиқод орқали шифо топиш, Исонинг иккинчи қайтиши, ўликларнинг икки марта қайта тирилиши, Исонинг 1000 йиллик подшоҳлиги ва балоғатга етганларни сувга бутунлай ботириш орқали чўқинтиришдек ақидаларни ҳам қўшган. Ассамблея бошида 2 йилда бир йиғиладиган Марказий кенгаш туради. Улар 16 нашр, жумладан, аёллар ва болалар учун журналларга, бир неча коллеж ва Библия мактабларига эгалар. Худо Ассамблеялари черкови 98 мамлакатда ўз жамоаларига эга, 71 мамлакатда миссионерлик фаолиятини олиб боради.

Худо Черкови-1884 йилда АҚШнинг Теннеси штатида ташкил этилган. Ушбу черков XVI асрда тугаган реформацияни давом эттириш ғоясини олға суради. Черков ҳар қандай ақидалардан пок, худди Исо Масих давридагидек, севги билан иш олиб борилиши лозим деган ақидага таянади. Шу ғояларни амалга ошириш учун 1886 йили христиан иттифоқи тузилиб, 1902 йили унинг асосида “Муқаддаслик черкови” тузилди ва 1907 йили у “Худо черкови” номини олди.

«Худо Черкови» тринитариан-пятидесятник эътиқодига мансуб бўлиб, “уч кризис” ақидасига таянади. Ҳозирги кунда ташкилотни ҳар икки йилда йиғиладиган «Марказий Ассамблея» бошқаради. Унинг 8 та нашри мавжуд. АҚШнинг ўзида черков аъзоларининг сони 500 минг кишини ташкил этади. Ушбу черков 72 мамлакатда миссионерлик фаолиятини олиб бормоқда.

Халқаро Бирлашган Пятидесятник черковлари ҳам АҚШда 1945 йилда юзага келган. Ақида сифатида Исо Масих номи билан чўқинтиришни олға суришади. Муқаддас учлик троика ҳақидаги таълимотни рад этадилар. Ушбу ташкилот вояга етганларни сувга ботириш орқали чўқинтириш билан бир пайтда оёқларни ювиш, яъни ўзаро муҳаббатни ифодалаш учун ҳар бир жамоа аъзосининг бир-бирларининг оёқларини ювиши амалиётига риоя қилади. Ташкилот маркази АҚШнинг Миссури штатидаги Хезлвид шаҳрида жойлашган. Черков ўз радиосига, “Pentecostal Herald” номли журналига эга. Ҳозирда ушбу черков 46 мамлакатда миссионерлик фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳудудида мазкур йўналишга тааллуқли биринчи ташкилот 1985 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилган. Бугунги кунда республикада бўйича Тўлиқ инжилчи христианларнинг 21 та диний ташкилоти мавжуд.

Кўпгина огоҳлантириш ва маъмурий чораларга қарамай улар юртимизда ўзларининг миссионерлик фаолиятларини олиб боришга интилишмоқда. Жумладан, яқшанба кунлари ўзбек тилида маърузалар, қўшимча Библия ўқиш дарслари ташкил

қилиш йўлидаги ҳаракатлар, «Ҳосил йиғиш куни» деб аталадиган ва ҳар бир аъзо черковга янги одам олиб келишини рағбатлантиришга қаратилган амалиётнинг мавжудлиги ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

“Иегово Шоҳидлари” оқимида Чарльз Тейз Рассел томонидан асос солинган. 1870 йилда Ч.Рассел АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Питсбург шаҳрида мустақил Библияни ўрганиш курсларини очди. 1881 йилда унинг замирида “Сион кўриқчи минораси ва трактатлар уюшмаси” махсус миссионерлик адабиётларини чоп этиш учун “Кўриқчи минора жамияти” тузилди. 1931 йилга келиб ташкилот “Иегово Шоҳидлари” номини олади.

“Иегово Шоҳидлари” учлик ҳақидаги ақидани рад этишади, лекин бошқа оқимлар каби унинг барча кўринишларини изоҳлашади. Барча нарсанинг асоси ва яратувчиси деб Иеговони тан олишади ҳамда Иегово шоҳидлари худонинг ўз шахсий исми борлигини, яъни худонинг исми “Иегово” дир деб билишади.

Иегово шоҳидлари фақатгина битта байрамни нишонлайдилар, бу Исо Масих ўлимини эслаш кечалари билан боғлиқ байрамдир. Бу куни жамоа аъзолари қариндош ва танишларини уйларига таклиф қилишади. Дастурхонда Исонинг тана ва қонининг ифодаси деб билинадиган хамиртуришсиз нон ва қизил, спирт қўшилмаган вино, яъни мусаллас бўлиши шарт.

Иегово Шоҳидлари миссионерликка катта эътибор берадилар, Жамоа пайдо бўлган даврдан бошлаб асосан уйма-уй юриш ва адабиётлар тарқатиш билан ўз издошларини кўпайтиришга ҳаракат қиладилар. Ҳозирги кунга келиб иеговочи миссионерларнинг сони 700 мингдан ортиқ деб ҳисобланади. Миссионерлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ва адабиётларни нашр этиш учун “Кўриқчи минора, Библия ва рисоалар жамияти” тузилган. Ушбу жамият корпорация деб аталиб, бош қароргоҳи ташкилотнинг асосий биноси билан бир жойда, АҚШнинг Бруклин шаҳрида жойлашган. Корпорацияни етти директордан иборат бошқарув кенгаши бошқаради ва улар корпорация президентини сайлашади.

Ҳозирги кунда Иегово шоҳидлари 230 дан ортиқ мамлакатда фаолият олиб боради ва дунё бўйлаб 111 бўлимга эга. Ташкилотнинг “Кўриқчи минора” журнали ойига икки марта 125 тилда, 22 миллиондан ортиқ нусхада “Ўйғонинглар!” журнали ойига бир марта 81 тилда, 20 миллион нусхада нашр этилди. Ушбу нашрлар асосан миссионерлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган.

2006 йилдан “Кўриқчи минора”си журнали ўзбек тилида ҳам чоп этила бошланди. Иеговочилар ушбу журнал нашрларини юртимиз ҳудудига олиб кириш йўлида доимий ҳаракатлар олиб бормоқда. Миссионерлик фаолиятини иеговочилар:

- уларга қизиқиш билдирган одамларни қидириш;

- уларни таълимотни қабул қилишга тайёрлаш;
- даъват қилинаётган одамнинг онгига Библия курслари ва унинг матнини ўрганиш орқали диний таълимотларини сингдириш;
- прозелитларни сув билан чўқинтириш;
- уларни миссионерлик фаолиятига тайёрлаш каби тўрт босқичда амалга оширадilar.

Иеговочиликнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, унда ҳар бир аъзо миссионерлик фаолиятида қатнашиши шарт. Ана шундай мақсадли фаолият натижасида Иегово шоҳидлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирда иеговочилар сони дунё бўйича 6,7 миллионни ташкил этади. Иегово шоҳидларининг бош ташкилоти томонидан адабиётлар нашр этиш, черковлар фаолиятини таъминлашга кетадиган сарф-харажатлардан ташқари миссионерларнинг кундалик харажатларига йилига 100 миллион АҚШ долларига яқин маблағ сарфланади.

Ўзбекистонда биринчи иеговочилар 1950 йилларнинг охири, 1960 йилларнинг бошларида пайдо бўлган. 1972 йилда Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида уларнинг ilk жамоалари пайдо бўлди.

Бугунги кунда республика бўйича фақат битта “Иегово шоҳидлари” черкови – Чирчиқ шаҳрида расмий фаолият олиб бормоқда. Ушбу ташкилотнинг минтақавий маркази Қозоғистон Республикасининг Олма-ота шаҳрида жойлашган бўлиб, 72 та расмий ташкилоти ва 34 та маҳаллий жамоаларга мансуб 20 минг кишини бирлаштиради.

Ҳозирги кунда номлари юқорида зикр этилган протестант йўналишларидан ташқари юртимиз аҳолиси учун янги бўлган яна бир қатор ноисломий диний ташкилотлар ҳам миссионерлик билан шуғулланишга интиломоқдалар. Хусусан, қадимги ҳинд муқаддас китоблари – Ведаларга асосланган **«Кришнани англаш жамияти»** янги пайдо бўлган диний бирлашмалардан бири ҳисобланади. Унга 1966 йилда АҚШда А.Ч.Бхактиведанта Свами Прабхунада томонидан асос солинган. 1970 йиллардан эътиборан кришначилик турли мамлакатларга, жумладан, СССР худудига ҳам тарқала бошлаган.

Кришначиларнинг ўзлари тарқатган маълумотларига кўра, дунёнинг турли бурчакларида уларнинг 150 дан ортиқ ибодатхоналари мавжуд.

Кришначилар 1990-йилларнинг ўрталарида Тошкент шаҳрида жойлашган “Кришнани англаш жамияти” вакиллари шаҳарнинг турли бурчакларида ибодат кийимларида юриб, турли адабиётларни тарқатиш, асосан қариялар уйлари, шифохона каби муассасаларда миссионерлик фаолиятини олиб бориш билан шуғулланганлар. Олиб борилган тадбирлар натижасида кришначиларнинг бу турдаги фаолиятига барҳам берилган. Бугунги кунда улар республикамизнинг айрим худудларида яширин равишда фаолият олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Баҳойликка XIX асрнинг иккинчи ярмида Эронда Мирза Ҳусайн Али Нурий томонидан асос солинган. У 1863 йилда ўзини пайғамбар деб эълон қилиб, Баҳоуллох, яъни Аллохнинг жилоси номини олади. Ушбу оқимнинг номи ҳам Баҳоуллохнинг номидан олинган. Асосий манбаи «Китоб ал-Ақдас» (“Энг муқаддас китоб”) деб аталади.

Баҳойлик барча динларнинг бир илдиздан пайдо бўлгани ва пайғамбарларнинг биродар эканига асосланади. Баҳоуллох таълимотига кўра, юборилган пайғамбарлар орасида энг буюклари 9 та бўлган, улар Иброҳим(а.с.), Мусо(а.с.), Будда, Зардушт, Кришна, Исо(а.с.), Муҳаммад(с.а.в.), Боб ва Баҳоуллохлардир. Баҳойлик ақидасига кўра, Аллох ҳар минг йилда ер юзига янги пайғамбар туширади. Жаннат ва дўзах, охират, шайтон ва фаришта-лар инкор қилинади.

Баҳойлар ҳозирги барча динлар бир-бирларини инкор қилади, шунинг учун ҳам уларни бирлаштириш ва инсонлар орасидаги турли фарқларни йўқотиш лозим деб ҳисоблашади. Уларнинг даъвосига кўра, бундай бирлаштирувчининг вазифасини баҳойлик дини бажариши лозим. Баҳойлик издошлари Ватан, миллат деган тушунчаларни инкор қилдилар, улар учун ер юзининг ҳамма жойи Ватан ҳисобланади. Кунига уч марта Исроилнинг Акка шаҳрига қараб ибодат қилинади. Ушбу диннинг марказий ташкилоти Исроилнинг Хайфа шаҳрида жойлашган.

Баҳойлик XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб кенг тарқалиб, мазкур ташкилотни ҳар беш йилда сайланадиган 9 кишидан иборат назорат кенгаши бошқаради.

Ҳозирги кунда дунё бўйича тахминан 5-7 миллион баҳойлар мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда ушбу дин вакиллари мустақилликдан сўнг пайдо бўлган. Ҳозирда республикамиз худудида баҳойларнинг 6 та диний ташкилоти расман рўйхатга олинган. Мусулмонлар орасида миссионерлик ҳаракатларини олиб боришда Қуръондан далил келтиришга интилиш уларга хос хусусият ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, миллий қонунчилигимизда прозелитизм ва миссионерлик фаолиятлари ман этилганлиги сабабли қонуннинг мазкур талабларини бузганлик учун маъмурий ва жиноят қонунчилигида мазкур ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 240-моддаси 2-қисми (Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) билан таъқиб қилинади.

Ўз навбатида эса мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бир йил мобайнида такроран содир этилиши шахсни Ўзбекистон Республикаси Жиноят ко-

дексининг 216²-моддаси 2-қисми билан жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунида диний ташкилотлар тушунчаси, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби кўрсатиб ўтилган. Республикамизда тегишли тартибда рўйхатдан ўтмаган ташкилотлар фаолияти ноқонуний ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, айрим миссионерлик фаолияти билан шуғулланувчи секта, оқимларнинг асосий мақсадларидан бири ўз сафларини кенгайтиришдир. Шундай экан, улар фуқароларни ўзларининг тузган оқим ёки секталар фаолиятида қатнашишга ундашлари табиий.

Миллий қонунчилигимизда, яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 201¹-моддасида бундай тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритаётган нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаганлик учун жавобгарлик белгиланиб, мазкур ҳуқуқбузарлик бир йил мобайнида такроран содир этилган ҳолларда Жиноят кодексининг 216¹-моддасида жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Бундан ташқари, айрим секталарнинг амал қиладиган ва бунга эришиш учун ҳаракат қиладиган «Худонинг раҳматлари»дан бири нурлантириш, яъни христиан таълимоти билан чуқурроқ таништиришдир.

Миссионерлик фаолиятини амалга ошириш чоғида улар христиан динини ўргатиш бўйича ўқув машғулоти ўтказилишини ташкиллаштиришлари табиий. Уларнинг мазкур ҳаракатлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-моддаси, яъни диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш билан жавобгарликни келтириб чиқаради. Мазкур ҳаракатлар бир йил мобайнида такроран содир этилган ҳолларда эса Жиноят кодексининг 229²-моддасида кўрсатилган жавобгарлик келиб чиқади.

Миссионерлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг аксарияти ўзларининг босмаҳоналарига эга бўлиб, ўз ғояларини кенг тарқатиш мақсадида мазкур босмаҳоналарда чоп этилган диний адабиётлар ва бошқа диний маҳсулотларни миссионерлик фаолиятини олиб бораётган давлат-

ларга етказиб беришга астойдил ҳаракат қилишади. Шу билан биргаликда, миссионерлик фаолияти олиб борилаётган давлат ҳудудида ҳам босмаҳона ташкил этишлари ёки ташкил этилган босмаҳонада диний маҳсулотларни чоп этишлари мумкин.

Уларнинг бу борадаги ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184²-моддаси, яъни диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш билан, агар диний маҳсулотлар божхонадан яширин равишда олиб ўтилган тақдирда жиноят аломатлари бўлмаса, кўшимча равишда ушбу кодекснинг 227²²-моддаси, яъни товарларни декларацияламаслик ёки нотўғри декларациялаш билан жавобгарликни келтириб чиқаради.

Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида такроран содир этилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244³-моддасида кўрсатилган жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликларни ҳал этишда ёки жиноят ишларини тергов қилишда куйидаги асосий ҳолатларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

- шахсий тинтув, турар жойларни кўздан кечириш ҳамда нарсаларни олиб қўйишда қонун талабларига тўлиқ риоя этиш,
- олинган адабиётларнинг манбасини, етказиб берувчилар, иштирокчилар ва адабиётларни тарқатишнинг яширин тизимини аниқлашга қаратилган барча чораларни кўриш,
- олинган диний мазмундаги адабиёт ва бошқа қўлланмалар юзасидан судга оид адабиётшунослик экспертизаси тайинлаш ва эксперт хулосасини тегишлича баҳолаш,
- ҳуқуқбузар ёки жиноят содир этган шахснинг шахсига оид маълумотларни тўлиқ тўплаш, унинг қариндошлари ва бошқа яқин алоқалари ҳамда диний экстремистик оқимларга муносабатини ўрганиш,
- қонунбузилишини келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чоралари кўриш лозим.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена анализу деятельности и противозаконных действий миссионерства. Во вводной части данной статьи автор осуществляет общий обзор прав и свобод человека в сфере свободы совести в Республики Узбекистан. В основной части статьи осуществляется научно-правовой анализ национального законодательства в вышеуказанной сфере, понятие и сущность миссионерства, а также рассматривается практика привлечения к уголовной ответственности за незаконные действия миссионеров. Кроме того, в статье приводятся статистические данные. В заключительной части автор обзора специфика осуществления предварительного следствия по данной категории уголовных дел.



Гулчеҳра ТУЛАГАНОВА,
ТДЮИ «Жиноят процессуал ҳуқуқи» кафедраси доценти,
юридик фанлар доктори.

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ БОСҚИЧИДА ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД ТАЖРИБАЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Дастлабки тергов босқичида процессуал мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ турли воқеликлар ҳамда тартибларда ижобий ва салбий томонларни аниқлаш ва уларга тўғри баҳо бериш мақсадида бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига назар ташлаш фойдадан холи эмас. Улардаги жиноят процессида процессуал мажбурлов чораларига бағишланган нормаларни ялписига эмас, фақат ўзига хослари, кўпдан буён амалиётда қўлланаётганларига тўхталиб ўтиш лозим. Масалан, АҚШда процессуал-мажбурлов чоралари шахснинг конституцион ҳуқуқларини сезиларли чеклаганлиги туфайли суднинг рухсати билан қўлланади. АҚШ Конституциясига киритилган IV ўзгартишга кўра, суд қасам ёки тантанали ваъда билан тасдиқланган етарли асосларсиз қамоққа олишга ордер бермайди. Бундай ордер қамоққа олинадиган шахснинг тавсифини акс эттирмайди.

АҚШда қамоққа олиш бошқа чораларга нисбатан кўп қўлланилади. Кўпчилик ҳолларда бу қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш бўлиб, кам аҳамиятли жиноятлар (жамоат жойларида маст ҳолатда юриш, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш, жамоат тартибини ҳамда спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш ва бошқалар) содир этган шахсларга нисбатан қўлланилган. Хавфли жиноятларни содир этганликда гумон қилиниши муносабати билан узокроқ муддатга қамоққа олинган шахслар сони умумий қамоққа олинганлар ичида нисбатан кам ўрин эгаллайди.

Одатда полиция, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни қамоққа олиш учун, керакли фактик маълумотларни йиғиб, судга мурожаат қилиши ва муайян шахсни қамоққа олинишига рухсат бериш ҳақида илтимоснома киритиши лозим. Лекин бу қоидадан бир қанча истиснолар кўзда тутилган. Масалан, шошилиш ҳолатларда суд буйруғисиз ҳам қамоққа олишга йўл қўйилади, қамоққа олинган шахс қамоқнинг қонунийлигини текшириш учун «иложи борича тезроқ» судга олиб борилиши керак. Амалиётда бундай шаклда амалга ошириладиган қамоққа олишлар одат тусига кириб қолган. Бунга АҚШ қонунлари мажмуасининг «Жиноятлар ва жиноят процесси» номли бўлими рухсат беради. Шахсни қамаш учун судга тақдим қилина-

диган информацияда баён этилган фактлар ва ҳолатлар, — дейилади

Қамоққа олишда (суднинг буйруғи билан ёки у сиз) полиция қонунлар ва қонуности актлари билан белгиладиган қатор қоидаларга риоя қилиши лозим. Уларга биноан қамоққа олаётган полициячи гумон қилинувчини тинтиши ва ундан иш бўйича далил бўлиши мумкин бўлган қурол, предметларни олиши мумкин. Шундан сўнг қамоққа олинган шахс улар сақланадиган жойга олиб борилади ва қамоққа олиш расмийлаштирилади. Бундай расмийлаштириш давомида полиция журнаliga гумон қилинувчининг исми-шарифи, уни келтирилиш вақти, нимада гумон қилинаётганлиги ҳақидаги маълумотлар киритилади, кейин фотосурати ва бармоқ излари олинади. Қоида тариқасида, бу пайтда қамоққа олинганга у нимада гумон қилинаётганлиги тушунтирилади ва бир марта бўлса-да, хоҳлаган шахс (қариндошлари, дўстлари, адвокати) билан телефон орқали сўзлашишга имкон берилади. Кам аҳамиятли жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича қамоққа олинган шахс чақирув бўйича келиш ҳақидаги ёзма мажбурият, гаров ёки келишилган гаров суммасини почтада жўнатиши ҳақидаги ваъдаси асосида озод этилиши мумкин.

Гаров ислоҳоти ҳақида 1984 йил Федерал актига биноан эҳтиёт чорасини судья жиний қилмишда айбланаётган шахснинг ҳозирлигида ҳал қилади. Гаров энг аввало жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг одил судловдан яширинишининг олдини олиш мақсадини кўзлайди. Бунда айбловнинг зўравонлик ва гиёҳванд восита билан боғлиқлиги, айблов учун далиллар йиғиндиси, шахснинг ўтмиши (ақлий даражаси, ичкиликка ружу қўйганлиги, судланганлиги), очикда қолдирилганда ижтимоий хавфлилик даражаси, чақирилганда тергов ва судга келиши таъминлангани, обрўли кишиларнинг кузатувида бўлиши, меҳнат фаолияти, тартиб-қоидаларга итоаткорлиги, мулкани гаровга бериши имконияти кабиларни эътиборга олади. Қамоқ, агар бошқа эҳтиёт чоралари шахсни жавобгарликдан бўйинтовлашининг олдини олишга етарли эмаслиги аниқ бўлсагина қўлланади.

Буюк Британия жиноят процессида одатдаги суриштирув ва дастлабки тергов босқичлари йўқ ва судгача жиноят ишини юритиш полиция фаолияти билан боғлиқ бўлиб, жиноятни очиш ва уни содир этган шахсни

фош этишда, табиийки, мажбурлов чоралари қўлланади. Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш 1984 йилда қабул қилинган «Полиция ва жиноий далиллар тўғрисида»ги ҳамда 1999 йилда қабул қилинган «Одил судловга эришиш ҳақида»ги Қонунларга асосан амалга оширилади.¹ Далилларни излаш ва тўплаш Ички ишлар вазирлигининг йўриқномаларига асосан олиб борилади, мажбурлов чоралари эса, фақат суднинг рухсати асосида қўлланади. Далилларни олиб қўйиш, тинтув, гувоҳлантириш каби ҳаракатларни ўтказиш учун прокурордан рухсат олинади. Эҳтиёт чораси сифатида шахс қамоққа олингач, асрлардан буён амалдаги habeas corpus act қоидаларига биноан дарҳол судья ҳузурига келтирилади.

Шахсни ушлаш ва қамаш учун полиция «суд буйруғи»ни олиши шарт². Полициянинг расмий илтимосига кўра, қамаладиган шахс ҳақида маълумотлар бўлса – махсус, агар унинг фамилияси аниқ бўлмаса – «warranty» деб номланган суд буйруғи берилади. Бунинг учун полиция судьяга «ахборот» деб номланган ҳужжат билан мувожаат қилади.

1976 йилги Гаров ҳақидаги қонунга мувофиқ, айбловнинг жиддийлигидан ташқари, шахс мамлакатдан четга чиқиб кетиши, гаров бериш йўли билан жавобгарликдан озод бўлишга қаратилган ниятларига эришмоқчи экани, суд иш юритувига ва бошқаларга муносабати эътиборга олинади. Гаров эвазига очикда қолдириладиган айбланувчи бирор қонунбузарлик қилмаслиги, гувоҳлар билан алоқада бўлмаслиги ва одил судловга ҳалал бермаслиги, доимо муайян белгиланган жойда бўлиш мажбуриятларини ўз зиммасига олмоғи лозим. Қотиллик ва номусга тегишда айбланаётган шахсга нисбатан суд гаров тарзидаги чорани қўлламаслиги мумкин. Қонунга кўра, турма қамоғи билан жазоланиши назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланаётган шахс илгари гаров билан боғлиқ талабларга риоя қилмаган бўлса, гаров қайта қўлланмайди.

Англия жиноят-процессуал қонунларида «полиция қамоғи» назарда тутилган. Аслида у шахсни вақтинча – 24 соатгача, жиддий жиноятлар учун – 36 соатгача ушлаб туришдан иборат бўлиб, магистрат судининг рухсати билан бу муддат – 72, ўзоғи билан – 96 соатгача узайтирилиши мумкин. Келгусида бу шахсни айбланувчи тариқасида қамоқда сақлаш суд қарори билан ҳар сафар 8 кунга узайтирилиши, жами бўлиб у 70 кун, айблов актига биноан эса – 112 кунгача қамоқда сақланиши мумкин. Англия амалиётидан ўрин олган bail презумпцияси бўйича айбланувчини ҳибсга олиш, озодликда қолдирмаслиги заруратини жиноий таъқиб органи судда исботлаши шарт.³ Акс ҳолда у гаров ёки кафилик эвазига озодликда қолдирилади.

Қонунлар мажмуасининг юқорида номланган бўлимига ва қабул қилинган 1974 йил «Тезликда суд қилиш акти» номли қонунига биноан катта жюрининг айблов ҳулосаси ёки прокурор тузадиган ахборот шахс қамоққа олинганидан 30 кундан кечиктирмай берилиши, суд муҳокамаси эса яна 70 кун давомида бошланмоғи шарт. Алоҳида мураккаб ҳолларда суд муҳокамаси шахс қамалгандан 130 кун ўтмай бошланиши керак. Акс ҳолда жиноят таъқиб бекор қилинади.

Инглиз жиноят процессида барча ҳолларда bail институти презумпцияси қўлланилади ва у ўз тасдиғини топмагандагина шахс қамоққа олинади. Лексин 1994 йилги «Жиноий адлия ва жамоат тартиби тўғрисида»ги

Қонунга биноан айблов акти билан таъқибга олинган, жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан аввал содир этган жинояти учун bail қўлланилган бўлса, у қайта қўлланилмайди. Қуйидаги асослар мавжуд бўлганда айбланувчини озод қилиш рад этилиши мумкин: а) яшириниши тўғрисида ахборот бўлса; б) у гувоҳларга салбий таъсир ўтказиши ҳақида маълумот бўлса; в) айбланувчининг қамоққа олиниши у ўзини химоя қилиши учун зарур бўлса.

Амалиётда жиноят ишларининг 98 фоизи магистрлар судида «суммар», яъни соддалаштирилган тартибда кўрилади. Бу хил ишлар бўйича ҳар ўн нафар судланувчидан тўққиз нафари ўз айбини инкор этмайди ва суд енгилроқ жазо тайинлаш билан қифояланади⁴.

Bail ни қўллаб, шахсни озод қилишнинг аниқ шартларини суд ва полиция белгилайди. Bail қўлланилганда шахс озод қилиш шартларини бузса, муайян оқибатлар келиб чиқади. Биринчи навбатда бу ҳар доим мустақил жиноят сифатида жазолашга сабаб бўлади. Процессуал оқибатлар bail асосида озод этиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишдан иборат.

Францияда Наполеон 1804 йилда имзолаган ва 1970 йил 17 июл, 1984 йил 9 июл ва 1989 йил 6 июлда бир қатор ўзгаришлар киритилган Жиноят-процессуал кодексига биноан, айбланувчи терговни тўғри ўтказиш манфаатлари ва жамият хавфсизлиги нуқтани назардан ё судгача назорат остига олинishi ёхуд дастлабки қамоқда сақланиши мумкин (137-модда). Франция ЖПК III бобининг VII бўлими «Суд назорати ва дастлабки қамоқ тўғрисида» деб номланиши амалда фақат икки турдаги мажбурлов чораси қўлланишини кўрсатади.⁵

Судгача назорат остига олиш дастлабки қамоқ чорасининг муқобили сифатида 1970 йилда қабул қилинган бўлиб, ҳозир Францияда асосий эҳтиёт чораси ҳисобланади ва бу чора ҳибсга олишларнинг умумий ҳажми камайишига олиб келди.

Суд назорати чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор дастлабки терговнинг ҳар қандай босқичида қабул қилиниши мумкин (139-модданинг биринчи қисми). Масалани ҳал қилиш чоғида суд асосан жиноятнинг моҳияти ва хавфлилик даражасини ҳисобга олади. Суд назорати комплекс мажбурлов чораси ҳисобланиб, 16 та турли чеклашларни ўз ичига олади. Судгача назорат ахлоқ тузатиш турмасига қамаш назарда тутилган жиддий жиноят содир этишда айбланаётган шахсга магистрат суди томонидан тайинланади ва унинг зиммасига бир қатор мажбуриятлар юкланади. Чунончи: магистрат белгилаган ҳудуддан ташқарига чиқмаслиги; магистрат ижозат берган ҳоллардан бошқа сабаблар билан ўзининг доимий истиқомат жойидан кетиб қолмаслиги; магистрат тақиқ этган жойларга бормаслиги ёки фақат у рухсат берган жойларга бориши; магистрат белгилаган жойларда муттасил рўйхатдан ўтиб туриши; барча турдаги ёхуд баъзи транспорт воситаларини ҳайдамаслиги; баъзи шахслар билан мулоқотда бўлмаслиги; экспертиза, даволаш ёки касалхонада бўлиш каби чораларга бўйсунishi; муайян касб билан шуғулланмаслиги; қурол олиб юрмаслиги, уни топшириши; оиласига ёки бошқа шахсларга муттасил моддий ёрдам бериши, белгиланган тўловларни ўз вақтида бажариши ва бошқалар (ЖПКнинг 138-моддаси). Мазкур талабларни бажармаслиги судгача дастлабки қамоқ чораси қўлланишига сабаб бўлади (ЖПКнинг 144-моддаси).

Шахс оғир ёки ўта оғир жиноятларда айбланаётган ва унга бошқа мажбурлов чораси қўлланиши мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқ бўлган ҳолдагина қамоққа олинади. Шунга қарамай, аксарият Европа мамлакатларига қараганда Францияда эҳтиёт чораси кўпроқ қўлланади. Авваллари ишни мазмунан кўриб ҳукм чиқарадиган судья айбланаётган шахсни қамашга ваколатли эди.

Қамоққа олиш ёки унинг муддатини узайтириш ҳақидаги қарор устидан апелляция судига шикоят келтирилиши мумкин. Шикоят (апелляция) тегишли қарор қабул қилинган куннинг эртасидан кечиктирилмай берилиши керак. Умумий қоидага кўра, апелляция берилиши вақтинча қамоққа олиш ҳақидаги қарорнинг ижросини тўхтатиб турмайди, яъни шахс бу масала кўриб чиқилгунга қадар қамоқда сақланади. 1993 йил 24 августдаги қонун билан француз жиноят процессига янги «refere-liberte»⁶ институтининг киритилиши ҳибсда ушлаб туриш муддатларининг камайишига олиб келди. Бундан ташқари, 2000 йил 15 июнда қабул қилинган қонунга кўра, апелляция бераётган шахс тергов камерасининг ўзидан бу масалани зудлик билан коллегиял тарзда кўриб чиқилишини талаб қилишга ҳақли.

Ҳибсда ушлаб туриш муддати бир йилдан ошмаслиги лозим. Лекин асослар етарли бўлса, эркинлик ва васийлик судьяси уни яна олти ойга узайтириши мумкин. Фақат фавқулодда ҳолларда бир неча оғир жиноятда, гиёҳванд модда тарқатиш, терроризм, уюшган жиноятларда айбланаётганлар тўрт йилгача бўлган муддатда қамоқда сақланиши мумкин (ЖПКнинг 145²-моддаси).

Ҳибсда ушлаб туриш шароитлари анча афзалликларни назарда тутати. Масалан, қамоқдаги шахс истаган кишиси билан мулоқотда бўла олади, лекин судья бундай учрашувларни ўн кунга тақиқлаб қўйишга ҳақли.

Агар гумон қилинувчи зарур гаров суммасини топшира олмаса ёки у хавфли жиноят содир этганликда айбланаётган бўлса, уни қўйиб юбормасликлари ҳам мумкин. Ушбу ҳолатда у қамоққа олинади, бундан олдин эса у синчковлик билан тинтув қилинади.

Германия Жиноят-процессуал кодексини Наполеон кодексига ўхшаш бўлиб, 1877 йилда қабул қилинган ва 1987 йил 7 апрелда бир қатор ўзгартишлар билан янги таҳрирда қабул қилинган. Унда эҳтиёт чораларини қўллаш тартиби батафсил баён этилган. Гаровга бериш вақти-вақти билан полицияда рўйхатдан ўтиш, ўз истиқомат жойида бўлиш ва муайян шахслар билан мулоқотда бўлмаслик шартларига бўйсунуши билан боғлиқ (112-126-§). Кодекс транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини ва баъзи касблар билан шуғулланишни вақтинча чеклаш каби мажбурлов чораларини ҳам кўзда тутати (111а ва 132а-§). Айбланувчи ўзини қамоқда асоссиз ушлаб турилганлиги тўғрисида судга норозилик шикоят бериши, бундай шикоятдан қатъи назар, суд уч ойдан ортиқ қамоқда сақланаётганни озод қилиш масаласини ўз ташаббуси билан кўриб чиқиши ва буни бошқа чоралар билан алмаштириши мумкин. Айбланувчини қамоқда сақлаш олти ой муддат билан чекланган ва фақат алоҳида зарур ҳолларда суд томонидан яна узайтирилиши мумкин (121-§).

Бир қанча континентал (қитъавий) ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда дастлабки тергов босқичида юқори

салоҳиятга эга бўлган «тергов судьялари» ёки «суд терговчилари» Германияда 1975 йилда туғатилиб, шахснинг ҳуқуқи ва дахлсизлигини чекловчи ҳаракатларни суд руҳсатисиз бажариш тартибидан батамом воз кечилган. Германияда судьяга дастлабки терговда шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган мажбурлов чораларини қўллаш ваколати берилган. Айбланувчи фақат судьянинг қарорига мувофиқ қамоққа олиниши мумкин.

Дастлабки тергов устидан суд назоратининг моҳияти ва доираси анча кенгайтирилган. Батафсиллик шу қадарки, қамалганнинг қўлига кишан солиш асослари ва шартлари ҳам кодексга киритилган (119-§). Эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олиш бошқа мамлакатларда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш мураккаб бўлганда ҳам қўлланишига руҳсат берилган. Бир қатор жиддий жиноятларда айбланаётган шахсни қамоққа олиш ва қамоқ муддатини бир йилдан ортиққа узайтириш мумкин (122 ва 122а-§). Айни вақтда айбланувчи ушланган захотиёқ судья ҳузурига келтирилиши, эртасидан кеч қолдирмасдан сўроқ қилиниши ва қамаш тўғрисидаги ордер нусхаси унга берилиши шарт. 2006 йилдан бошлаб суд муҳокама-лари узрли сабабларсиз чўзилган ҳолларда айбланувчи, судланувчи ўзининг «ҳаракатсизлик устидан шикоят қилиш» деб номланган янги ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин⁷.

Баъзи йилларда ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, ГФРда қамоқ 18% ҳолларда оғир бўлмаган жиноят ишлари бўйича қўлланган, қамалганларнинг фақат ярми судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш чорасига ҳукм қилинган, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш 80% ҳолларда айбланувчи гўё қочиб кетиши хавфи бор, деган мотив билан асослантилган.

Италияда 1988 йилда қабул қилинган ЖПКга мувофиқ процессуал мажбурлов чоралари «дастлабки тергов бўйича судья» томонидан қўлланади. Судгача айбланувчини қамоқда сақлаш содир этилгани учун қонун бўйича уч йилдан ортиқ муддатга турма қамоғи назарда тутилган ва айби етарли далиллар билан тасдиқланган шахсга нисбатан қўлланади. Шунингдек, шахс терговдан бош тортмоқчи, далилларни йўқотмоқчи, яна жиноят қилмоқчи экани тўғрисида маълумотлар бўлишини тақозо қилади. Бу ерда ҳам эҳтиёт чораси сифатида қамоқ фақат бошқа чоралар самара бермаслиги сабабли қўлланилади (255-модда).

Бошқа процессуал мажбурлов чоралари сифатида ЖПК уй қамоғи (284-модда), мамлакат ҳудудидан четга чиқмаслик (281-модда), муайян кунларда полиция бўлимида ҳозир бўлиш (282-модда) кабиларни назарда тутати. Уларни ҳам суд танлайди.

Швейцарияда энг муҳим ва жиддий процессуал мажбурлов чораси дастлабки ёхуд превентив қамоқ деб номланиб, фақат тергов босқичида, шахс озодликдан маҳрум этиш жазосига лойиқ жиноят содир этгани ҳақида шубҳасиз далиллар бўлсагина, суднинг руҳсати билан қўлланади. Шахсни қамаш учун, бундан ташқари, а) суд иштирокчиларига салбий таъсир кўрсатиш, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш хавфи; б) айбланувчи доимий истиқомат қилиш ва ишлаш жойи, ҳатто қариндошлари ҳам йўқлиги сабабли тергов ва суддан бош тортиш хавфи; в) яна жиноят қилишга

интилиш хавфи етарлича тасдиқланган бўлиши лозим. Швейцарияда ва бошқа кўп мамлакатларда назарда тутилган анъанавий уч хавфдан ташқари, шахс ўзининг илтимоси бўйича, унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қамоққа олиниши мумкин.

Юқорида баён этилган ҳолатларда ҳам суднинг қарорига биноан бўлажак судланувчи жуда катта бўлмаган миқдорда гаров эвазига қамалмаслиги ёхуд уй қамоғида сақланиши, ҳатто очикда қолдирилиб, фақат полиция бўлимида вақти-вақти билан рўйхатдан ўтиши, баъзи одамлар билан мулоқотда бўлмаслиги, баъзи жойлардан ўзини тийиши, даволаниш мажбуриятларини бажариши шарт.

Норвегияда Жиноят ишларини юритиш тўғрисида 1981 йилда қабул қилинган ва 1998 йил 17 июлда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган кодекс⁸ да процессуал ушлаб туриш; қамоқ; мулкни хатлаш; муайян жойда ҳозир бўлиш ёки бўлмаслик тўғрисида тилхат; паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатларни топшириш; олиб қўйиш ва тинтув; телефон ва бошқа алоқа воситасидаги сўхбатларни тинглаш каби умумий мажбурлов чоралари назарда тутилган.

Қонунда жиноят содир этишда гумон қилинган ёхуд айбланаётган шахс ушлангандан бир сутка мобайнида «тергов ва соддалашган тартибдаги суд»га келтирилиши талаб қилинган. Шахс суд муҳокамасигача олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатга қамалиши ёхуд гаров эвазига қамалмаслиги мумкин.

Қамоқ тўрт ҳафта муддатга қўлланади ва бу муддатни ҳар сафар яна тўрт ҳафтагача узайтирилишига йўл қўйилади. Суд томонидан қамоқ муддатини узайтириш тўғрисида масала ҳал қилинаётган пайтда процессуал қамоқ қўлланган шахс ҳам ҳозир бўлиши таъминланади. Агар у иштирок этишни хоҳламаса, суд уни мажбурий келтириши мумкин.

Японияда тергов ва суриштирув устидан назоратни прокурорлар амалга оширади⁹. Иш бўйича гумон

қилинувчи шахс ушланса, у 48 соат ичида прокурор ҳузурига олиб келиниб, унга нисбатан қўлланиладиган процессуал мажбурлов чораси масаласи ҳал этилади. Тамомланган барча ишлар терговни амалга оширувчи полиция томонидан прокурорга жўнатилади, майда ишларни эса полициянинг ўзи мустақил равишда ҳал этади. Тинтув ва олиб қўйиш каби ҳаракатлар адлия ходимлари томонидан суднинг алоҳида буйруғи асосида амалга оширилади.¹⁰

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунларида ҳам асосий жиддий эҳтиёт чораси қамоқдан иборат.¹¹ Қамоқда сақламаслик кўпинча катта миқдорда гаров, камдан-кам ҳолатларда кафилик билан алмаштирилади. Қонун талаблари бўйича қамоққа олиш фавқулодда чора деб қаралса-да, амалиётда аҳоли наздида жиноятчиликка қарши кураш кескин олиб борилаётгани тўғрисида ҳиссиёт туғдириш, шунингдек, айбланувчидан иқрорлик ёки «керакли» кўрсатув олишни осонлаштириш мақсадида қамоққа олиш чорасига кўпроқ ружу қилинади.

Хитой, Шимолий Корея, Куба, Вьетнам, Мексика ва Мозамбик каби давлатларда қамоққа олишга санкция бериш ваколати прокурорларга тегишлидир. Швецияда 3 кунгача қамоққа олиш, тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ўтказиш, мамлакат ҳудудини кесиб ўтишни ман этиш каби чоралар прокурор томонидан қўлланилиши мумкин.

Юқорида баён қилинган процессуал мажбурлов чораларига оид ўзига хос ҳуқуқий нормалар таҳлили республикамизнинг тегишли қонунларини ва уларнинг қўлланиш амалиётини такомиллаштириш учун кенг фойдаланишга эҳтиёж борлигидан дарак беради. Дастлабки тергов босқичида мажбурлов характеридаги чораларни имкон борича тежамкорлик билан, айниқса уларнинг жиддийларини фақат суднинг қарори асосида ёхуд суд назорати остида қўлланиши одил судлов ва ҳуқуқий ислохотларнинг муҳим йўналишидир.



АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена возможностям имплементации опыта применения мер процессуального принуждения на стадии предварительного следствия в национальное законодательство. Во вводной части статьи автор обзореваает полезность обращения к международному опыту применения мер процессуального принуждения. В основной части статьи осуществляется научно-правовой анализ опыта развитых стран в сфере применения мер процессуального, также, осуществляется анализ действующего законодательства в ряде зарубежных стран. В заключительной части автор приходит к выводу о полезности и эффективности опыта в сфере применения процессуального принуждения в развитых странах.

¹ Чўтбоев М. Гумон қилинувчи ва унинг ҳуқуқларини чеклаш. // Ҳуқуқ ва бурч. -2008. -№4. -Б.48.

² Сафаров Ж.И., Сафаров Ж.И. Санкция: Муаммолар ва ислохотлар. -Т.: ТДЮИ, 2007. -Б.96.

³ Уголовный процесс Англии // Уголовно-процессуальное право Российской Федерации. -М.: 1998. -Б.632-635.

⁴ Абдурашидов Ф. Иқрорлик далили эмас. // Ҳуқуқ ва бурч. -2006. -№6-7. -Б.32.

⁵ Франция ЖПКда «эҳтиёт чоралари» атамаси умуман ишлатилмаган.

⁶ Бу процессуал терминга ўзбек ва рус тилида айнан ўхшаш сўзлар йўқ бўлиб, тахминан «шахс озодлиги ҳақида масалани кечиктирмасдан кўриб чиқиш» деб таржима қилиноди.

⁷ Садыгов З. Жалоба на бездействие. // Закон и право. -2006. -№3. -Б.75.

⁸ Норвегия Жиноят-процессуал кодекси бошқа Скандинавия давлатлари қонунларига нисбатан кейинроқ ишлаб чиқилганлиги унда кўпгина ҳозирги замон жиноят-процессуал ҳуқуқи ютуқларини ўзида мужассам этишига асос бўлган дейиш мумкин.

⁹ Олимов Б. Хорижда санкция ва тергов. // Қонун ҳимоясида. -2005. -№06. -Б.23.

¹⁰ Абдурашидова Қ.Р., С.Ниёзова. Хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд назорати. // Дастлабки терговда суд назоратини ташкил қилиш муаммолари. Илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2005. -Б.72-73.

¹¹ Бахромов Х. Қамоққа олишни қўллаш ва дастлабки терговда суд назорати муаммолари. // Фалсафа ва ҳуқуқ. -2007. -№1. -Б.63.

Азаматжон МАМАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари кафедра катта ўқитувчиси

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ШАРТНОМАДАН ТАШҚАРИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАН ЖОЙНИ АНИҚЛАШ МУАММОСИ

Анъанавий халқаро хусусий ҳуқуқда шартномадан ташқари муносабатларни, яъни деликтларни тартибга солиш бўйича ҳуқуқни аниқлашда нисбатан содда ёндашув қўлланилади: бунда зарар етказилган жойнинг қонуни қўлланилади. Мазкур ёндашув Германиялик халқаро хусусий ҳуқуқнинг машҳур намоёниси Савигнининг «ҳуқуқий муносабат жойи» назариясидан келиб чиқади¹ ва Англиялик ҳуқуқшунос олим Сторининг «миллатлар томонидан ҳуқуқларнинг ўзаро тан олинishi» назариясида ва Америкалик ҳуқуқшунос олим Бейл томонидан «тан олинган ҳуқуқлар» назариясида янада ривожлантирилади².

Мазкур назарияларга кўра қўлланиладиган ҳуқуқ ягона давлатнинг ҳуқуқи эди. Бунга ягона истисно бўлиб процедурал ва материал ҳуқуқларнинг юрисдикциялари фарқ қилиши эди, холос. Бунда халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий мақсади «коллизия адолатга эришиш»³ эди. Албатта, айтиб ўтиш керакки, ҳанузгача, кўп жиҳатдан шундай ҳисобланади. Коллизия адолат деганда юрисдикция жиҳатдан нейтрал ва натижаларини олдиндан кўра билиш имкони берадиган коллизия нормалар тушинилади⁴. Лекин мазкур назарияларнинг вужудга келган даврларидаёқ уларни қўллаш бўйича бир қатор мураккабликлар мавжуд эди. Бунинг сабабларидан бири-зарар етказилган жой тушунчасининг турлича талқин этилиши эди.

Ҳозиргача зарар етказиш жойи турли давлатларда турлича талқин этилади. Баъзи давлатларда зарар етказиш бўйича ҳаракатлар амалга оширилган жой деб тушунилса, бошқаларида эса зарар етказилган жой деб тушунилади, бошқа давлатларда эса иккала критерийдан исталган бири қўлланилиши мумкин⁵.

АҚШда 1982 йилда кўриб чиқилган «Alabama Great Southern Railroad Co. v. Carroll»⁶ суд ишини кўрадиган бўлсак, унда суд «нотўғри қилмиш оқибатида етказилган зарарсиз нотўғри қилмиш ҳисобланмайди» деб айтади ва шундай қилиб, АҚШда «зарар етказилган жой» қондаси ўша даврлардан бошлаб асосий бўлиб қолган. Бошқа кўпгина ҳуқуқ тизимларида қилмиш содир этилган жой тамойили қўлланилади. 1999 йилгача бўлган Германиянинг халқаро хусусий ҳуқуқи даъвогарнинг манфаатлари учун қайси бири энг самарали хизмат қилса, шу иккала тамойилдан бирини қўллашга рухсат берар эди⁷. Лекин, 1999 йилда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлардан кейин Германияда фақатгина «ҳаракатлар содир этилган жой» қондаси қўлланилишига рухсат берилди.

Европа Иттифоқининг Рим-II Конвенцияси, атроф-муҳитга зарар етказиш бўйича ишлардан ташқари, «ҳаракатлар содир этилган жой» қондасини қўллашни тақиқлайди ва шу билан икки тамойиллик ҳам тақиқланади⁸. Баъ-

зи муаллифларнинг фикрича, кўп ҳолларда бундай ёндашув зарар кўрган одамнинг манфаатларини унинг давлатнинг қонуни ва адолат тамойиллари асосида ҳимоя қилиш имкони беради⁹. Лекин, айна вақтда, «ҳаракат содир этилган жой» қонунини рад этиш бир қатор салбий оқибатларга олиб келади ва булардан асосийси – ҳуқуқбузарликни квалификация қилиш муаммосидир. Зарар маълум бир давлат қонунчилигида одатий ҳолларда ноқонуний деб ҳисобланиши мумкин, лекин ўша давлатнинг қонуни бўйича зарар етказиш бўйича ҳаракатлар жавобгарликдан озод этиш бўйича истиснолар доирасига кириб кетиши мумкин.

Европа Иттифоқининг Рим-II Конвенциясида бу масала ҳал этилмаган бўлса-да, Буюк Британияда, зарар етказилган жой қонуни қўлланилишига қарамай, баъзи тур деликтларни квалификациясига келганда *lex fori*, яъни миллий қонунчилик қўлланилади. Лекин айна вақтда, охириги даврларда, Буюк Британияда *lex fori*-нинг ўрнига «оммавий тартиб» тамойилини қўллашга кўпроқ мойиллик вужудга келмоқда. Лекин баъзи давлатларда мазкур мураккабликларни ечишга уринишлар амалга оширилган. Мисол учун АҚШни олсак, «Alabama Great Southern Railroad Co. v. Carroll»¹⁰ суд ишидан сўнг «зарар етказилган жой» қонуни қўлланила бошлангандан кейин, 1972 йилда «муносабатларга энг яқин боғлиқ бўлган қонун» қондаси киритилиши билан, «зарар етказилган жой» каби бу қатъий ва бир томонлама қоида бир оз «юмшатилади»¹¹. Аммо қонунда мазкур қоида ни қўллаш бўйича тушунтиришлар берилмаган бўлиб, унинг ўрнига қонуннинг ўзида «энг яқин боғлиқлик»нинг бир неча вариантларининг рўйхати келтирилади ва қонунда айтилишича, уларни қўллаш бўйича судлар, албатта, умумий тамойиллардан келиб чиқиши керак. Мазкур умумий тамойилларга қуйидагилар кириб кетади: 1) халқаро ҳуқуқ тизимларнинг эҳтиёжларига мос келиши; 2) суд ишни кўраётган жойнинг оммавий тартиби қоидаларининг ҳисобга олинishi; 3) маълум бир масалани кўриб чиқишда бошқа манфаатдор давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш; 4) иш якунланишидан қўтилган асосланган натижаларга эришиш ва бошқалар.

Кўпгина муаллифларнинг айтишича, мазкур тамойиллар ўта кенг бўлиб, улар деярли ҳар қандай натижага олиб келиши мумкин¹². Шунингдек, кўпгина муаллифларнинг айтишича, «энг яқин боғлиқлик» қондасининг юқоридаги тамойиллар асосида талқин этилиши кўп ҳолларда *lex fori*-нинг қўлланилишига олиб келиши мумкин. Лекин, айна вақтда, мазкур қоида АҚШда фақатгина федерал даражада мавжуд бўлиб, алоҳида штатлар томонидан қабул қилиниши мажбурий эмасдир. 2006 йилга келиб атиги 23 штат мазкур қоида ни қўллади ва шундай бўлса ҳам

бир қанча чеклашлар билан¹³. Уни қабул қилмаган штатлардан 10 таси АҚШ учун аънанавий бўлган «зарар етказилган жой» қондасини қўллашни давом этадилар.

Биринчи бўлиб АҚШ кенг тарқалган «энг яқин боғлиқлик» қондаси ҳозирги вақтда бошқа давлатларда ҳам қўлланила бошланмоқда. Булар ичига Буюк Британия ва Европа Иттифоқи кириб кетадилар. Буюк Британиянинг 1995 йилда қабул қилинган «Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида»ги Қонунига (ингл. Private International Law Act 1995) қарасак, унда асосий қоида сифатида *lex loci delicti* кўрсатилган. Лекин, мазкур қонунда айтилишича, агар деликт турли факторларга кўра *lex loci delicti* юрисдикциясидан бошқа юрисдикцияга боғлиқлиги кўпроқ бўлса, бундай ҳолда *lex loci delicti* тамойили рад этилиши мумкин¹⁴. Ундан ташқари, Буюк Британия АҚШ қўллаган ёндашувни қўллайди, яъни бу ерда ҳам «энг яқин боғлиқлик» ҳолатларининг рўйхати қонунчиликда кўрсатиб ўтилади.

Европа Иттифоқи даражасида биринчи марта «энг яқин боғлиқлик» қондаси «Шартномаларнинг коллизия ҳуқуқи» Конвенциясида (Рим I)¹⁵ ўз ифодасини топади ва кейинчалик, Рим-II Конвенциясида шартномадан ташқари муносабатларни ҳам тартибга солишда *lex loci* қондасига альтернатив қоида сифатида белгиланади.

Мазкур Конвенция муаллифларининг айтишича, улар АҚШдаги каби «энг яқин боғлиқлик»ни аниқлаш бўйича ҳолатларнинг рўйхатини батафсил келтирмаганликларининг сабаби, улар буни аъзо давлатларнинг ихтиёрига топшириб қўядилар. Кўриб турганимиздек, бу ерда ҳам АҚШдагига ўхшаш ҳолат такрорланаётганга ўхшайди.

1972 йилда New York штатининг Олий суди деликтларни халқаро хусусий ҳуқуқий тартибга солиш бўйича, суд бўйича тарафларнинг иккаласи ҳам бошқа бир давлатнинг фуқароси бўлган ҳоллар учун янги ёндашувни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Бунда, «*Neumeier v. Kuehner*»¹⁶ суд ишида мазкур штат учун аънанавий бўлган *lex loci* қондасининг ўрнига «тарафларнинг умумий доимий турар

жойи» қондасини ишлаб чиқади. Мазкур қоидага кўра, агар ҳам даъвогар, ҳам жавобгар бошқа бирон-бир ягона давлатнинг фуқароси бўлсалар, унда ўша давлатнинг қонуни қўлланилади. Уни ишлаб чиқишдан асосий мақсад шу эдики, агар даъвогар ва жавобгарга уларнинг давлатининг қонунини қўлланилса, улар ўзлари биладиган қонунни адолатлироқ деб топадилар ва натижада ҳам даъвогар, ҳам жавобгар ишнинг натижасидан кўпроқ қониқадилар, деб мулоҳаза қилинади. Мазкур қоида, Германияда бир қанча кизиқиш уйғотди. Бироқ у жаҳон миқёсида унчалик катта оммавийликка учрамайди.

Айтиб ўтиш керакки, «оммавий тартиб» қондаси нафақат Буюк Британия, балки дунёнинг деярли барча давлатларига хос қоидадир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг¹⁷ 1164-моддасининг 1-қисмида айтилишича, «чет эл ҳуқуқини қўлланиш Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботи асосларига (оммавий тартибга) зид келадиган ҳолларда чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади».

Шундай экан, Ўзбекистон Республикасида ҳам табиий равишда *lex loci* тамойилини қўллаш натижасида суд Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зид келадиган қарор қабул қилинишига олиб келса, *lex loci* қондаси қўлланилмайди.

Кўриб турганимиздек, деликтларнинг коллизия масалаларини ҳал этиш бўйича ҳозирги вақтгача бўлган жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, *lex loci delicti* тамойилининг бир қанча камчиликларини тўғрилаш бўйича турли ёндашувлар мавжуд бўлган. Бунда, мазкур масаланинг энг самарали деб тан олинган ва кенг тарқалган усули «энг яқин боғлиқлик» тамойилини қўллашдан иборат бўлиб келмоқда. Лекин, мазкур тамойил ўзининг ўта мавҳумлиги билан маълумдир ва унинг айнан шу томони унинг баъзи жиҳатлардан самарасизлигига сабаб бўлмоқда.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена проблемам определения места причинения вреда в регулировании деликтных отношений в международном частном праве. Во вводной части данной статьи автор осуществляет обзор теоретических основ места причинения вреда в международном частном праве. В основной части данной статьи проводится подробный научно-правовой анализ международного частного-правового регулирования определения места причинения вреда в деликтных отношениях, подробно обзревается коллизионные привязки и международная нормативно-правовая база. В заключительной части автор приходит к выводу, что проблемам определения места причинения вреда в регулировании деликтных отношений в международном частном праве требует своего незамедлительного решения.

¹ Қаранг: Von Savigny. System des römischen Rechts, Vol. 8. 1849.

² Қаранг: Kegel. Story and Savigny, 37 Am.J.Comp.L. 37. 1989.

³ Қаранг: Kegel. The Crisis in the Conflict of Laws. Hague Academy. 112. Recueil des Cours, 95 (1964-II).

⁴ Қаранг: Kegel. Paternal Home and Dream Home: Traditional Conflicts Law and the American Reformers. 27. Am.J.Comp.L. 615 (1979)

⁵ Қаранг: Raape. Deutsches Internationales Privatrecht 365. 2nd ed. 1945.

⁶ Қаранг: Alabama Great Southern Railroad Co. v. Carroll, 97 Ala.126, 11 So. 803. 1892.

⁷ Қаранг: Luderitz. Internationales Privatrecht. No. 301. 1987.

⁸ Қаранг: Regulation (EC) No 864/2007 of the European Parliament and of the Council of 11 July 2007 on the Law Applicable to Non-Contractual obligations (Rome II), OJ, L 199/40. 2007.

⁹ Қаранг: Wagner, Internationales Deliktsrecht, die Arbeiten an der Rom II Verordnung und der Europäische Deliktsgerichtsstand. IPRax. 372-374. 2006.

¹⁰ Қаранг: Alabama Great Southern Railroad Co. v. Carroll, 97 Ala.126, 11 So. 803. 1892.

¹¹ Қаранг: Symeonides. The American Conflicts Revolution: Past, Present, and Future. Hague Academy, 298. Collected Courses I. 2003.

¹² Қаранг: Brainerd Currie. Notes on the Methods and Objectives in the Conflict of Laws, Duke L. J. 171, 178. 1959.

¹³ Қаранг: Symeonides, Choice of Law in American Courts: Twentieth Annual Survey, 54 Am.J.Comp.L. 697, 712-13. 2006.

¹⁴ Қаранг: Adam Kramer. Choice of Law in the UK and Quebec: An Analysis of the U.K.'s Private International Law (Miscellaneous Provisions) Act 1995, using the Quebec Civil Code for Comparison. McGill University. Montreal. 2000.

¹⁵ Қаранг: "Rome-I" Regulation on the Law Applicable to Contractual Obligations. OJ. L 266-1. 1980.

¹⁶ Қаранг: Neumeier v. Kuehner, 31 N.Y.2d 121, 128, 335 N.Y.S.2d 64, 70, 286 N.E.2d 454, 457. 1972.

¹⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. ЎзР Олий Мажлисининг 29.08.96й. 257-1-сон қарорига мувофиқ 1 март 1997 й. эътиборан амалга киритилди.

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ БАЁННОМАЛАРИНИНГ МАҚБУЛЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тергов ҳаракатлари баённомалари далиллар сифатида жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ текширилиши ва баҳоланиши керак. Далилларнинг алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилики каби хусусиятлари текширилади ва баҳоланади. Тергов ҳаракатлари баённомаларига келсак, далилларнинг бу турининг алоқадорлиги тўғрисидаги масала одатда шубҳа уйғотмайди, чунки кўрсатилган баённомалар жиноят ишини юритишда тузилади ва ундаги маълумотларнинг исботлаш предмети билан алоқаси жиноят изларини процессуал ҳужжатларда махсус вакил қилинган шахслар томонидан мустаҳкамланиши кераклиги билан олдиндан белгиланади. Шунинг учун терговчи тергов ҳаракатига тайёрланишда ўтказиладиган ҳаракатнинг мақсад ва вазифаларини олдиндан аниқлаб олиши керак ва баённомаларнинг алоқадорлиги тўғрисидаги масала тергов ҳаракати ўтказилгунга қадар ҳал қилинади. Шунини назарда тутиш керакки, агар тергов ҳаракатини ўтказишда терговчи қўйилган мақсадга эришмаса (масалан, тинтувда қидириладиган объектни тополмаса ёки таниб олувчи кўрсатилган шахсни бошқалар орасидан таниб олмаса ва ҳоказо), у ҳолда олинган маълумотлар алоқадор бўлаверди ва исботловчи аҳамият касб этади. Мазкур ҳолатда олинган маълумотлар бу ҳаракатлар қўлланилган шахснинг айбсизлигидан ёки бўлмаса тергов ҳаракатини ўтказишга асос бўлган маълумотларнинг тўғри эмаслигидан далолат бериши мумкин. Шунини назарда тутиш керакки, далиллар шахснинг жиноят содир этишга алоқаси йўқлигини тасдиқловчи оқловчи далиллар бўлиши мумкин.

Мисол тариқасида, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайти-да олинган баъзи нарсалар, изларнинг жиноят билан алоқасини айтиб ўтиш мумкин. Улар содир этилган жиноятга дахлдор бўлмастиклари мумкин, аммо уларнинг топилганлиги факти баённомада қайд қилиниши керак. Мазкур изларнинг, нарсаларнинг жиноятга дахлдорлиги тўғрисидаги масала уларнинг ашёвий далиллар сифатида алоқадорлигини текширишда ҳал қилинади.

Тергов ҳаракатлари баённомаларини текшириш ва баҳолашдаги энг муҳим томони уларнинг мақбуллигидир. Тергов ҳаракатлари баённомаларининг мақбуллиги деганда терговчи томонидан далилларни олиш ва уларни баённомаларда тўғри акс эттиришнинг процессуал шаклини сақлаш тушунилади. Ўтказиладиган ҳаракат ва тузилган баённоманинг жиноят-процессу-

ал қонун талабларига тўғри келишини текшириш ва баҳолаш зарур.

Шунингдек, айтиш жоизки, тергов ҳаракатлари баённомаларининг мақбуллигини текширишда фақат процессуал бузилишлар қайд қилинмайди, балки бу бузилишларнинг характери, “оғирлик” даражаси ҳам баҳоланади, уларни бартараф этиш имкони баҳоланади.

Кўриладиган баённомаларнинг мақбуллигини аниқлашда нафақат баённоманинг процессуал шакли, балки муайян даражада ундаги асосли маълумотлар ҳам ҳисобга олинади. Тергов ҳаракати баённомасининг мазмунига бошқа тергов ҳаракатлари элементларини киритиш мумкин эмас (масалан, гумон қилинувчининг изоҳларини таниб олиш, тинтув ва ҳ.к. баённомаларга киритиш). Мазкур ҳолда тергов ҳаракатларининг аралашиб кетиши юз беради ва номақбул деб тан олинади. Бу бутун баённома номақбул деб тан олинади дегани эмас, фақат гумон қилинувчини таниб олиш, тинтув баённомаларидаги тушунтиришлари олиб ташланади.

Юридик адабиётда мақбулликнинг ҳар хил таърифлари мавжуд. Далилларнинг мақбуллиги деганда Ю.А. Ляков “уларни жиноят процессида ишни юритиш чоғида ва ишни моҳиятига кўра ҳал қилишда пайдо бўладиган барча масалаларни ҳал қилиш учун қўллаш имконияти”¹ ни тушунади. Бир гуруҳ олимлар “мақбуллик бу – процессуал шаклдан келиб чиқадиган талабларга риоя этилиши”² деб таъриф беришган. Д.В.Зеленский мақбулликнинг бошқа таърифини беради: “мақбуллик – тўпланган далиларни жиноят иши юритувига киритиш ва уларни жиноят ишининг асосли жиҳатларини, шахснинг айбдор ёки айбсизлигини аниқлаш учун қўллашига имкон берувчи фактик маълумотларни олиш манбалари ва усулларининг жиноят-процессуал қонун томонидан белгиланган тавсифи”³.

Назаримизда, биринчи ва иккинчи таърифлар жуда умумий ва конкрет эмас, учинчи таъриф – бу фактик маълумотларни мустаҳкамлашнинг процессуал тартиби ва шаклини ўз ичига олмайди, фақат фактик маълумотларни олишнинг манбалари ва усулларини кўрсатади. Бизнинг фикримизча **мақбуллик – бу далилларнинг фактик маълумотлар, (маълумотлар, ахборотлар) манбасининг ҳамда фактик маълумотларни олиш ва мустаҳкамлаш шаклларининг қонунийлиги нуқтаи назардан характерловчи хусусиятидир.**

Мазкур таърифдан келиб чиқадики, кўриладиган тер-

гов ҳаракатлари баённомалари куйидаги қоидаларга амал қилинганда мақбул деб ҳисобланади:

1) агар тергов ҳаракатини ўтказиш ва тегишли баённомани тузиш мазкур иш бўйича тергов ҳаракатини ўтказишга ҳақли субъект томонидан бажарилган бўлса;

2) агар фактик маълумотлар тегишли тергов ҳаракатини ўтказишда олинган ва тегишли баённомада акс эттирилган бўлса;

3) агар тергов ҳаракатини ўтказишда ва унинг баённомасини тузишда процессуал тартибга риоя қилинган бўлса.

Биринчи қоида далилларнинг мазкур турларини шакллантириш ҳуқуқи берилган шахслар рўйхатини белгилловчи ЖПКнинг 86-моддасини очиқ беради. Бу шахслар терговчи, суриштирувчи, прокурор, суд ҳисобланади. Қонуннинг бу талаби айtilган мансабдор шахслар ва органлар томонидан фақат ўз юритивидаги ишлар бўйича тегишли ҳаракатларни амалга оширилишини англатади. Бундан келиб чиқадики, тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари куйидаги ҳолларда мақбул деб тан олинади:

-жиноят иши терговчи томонидан тегишлилик тўғрисидаги қоидаларга амал қилинган ҳолда юритувга қабул қилинганида (ЖПК 345-346-моддалар) ёки терговчи тергов гуруҳи таркибига киритилганида, бу ҳақида тергов бўлими бошлиғининг ёки прокурорнинг қарори бўлганида;

-агар бошқа терговчига ёки суриштирувчига тергов ҳаракатларини ўтказишга алоҳида топшириқ бўлганида;

Шунга кўра тергов ҳаракатларининг баённомалари куйидаги ҳолларда номақбул деб ҳисобланади:

-бундай тергов ҳаракатларини ўтказишга ваколати бўлмаган шахс томонидан амалга оширилса.

-ваколатли шахс томонидан, аммо дастлабки тергов муддати тугаганидан сўнг ўтказилса.

-прокурор санкциясиз ёки мазкур иш бўйича бундай ҳуқуққа эга бўлмаган прокурорнинг санкцияси бўйича ўтказилса (масалан, санкция вилоят прокурорининг ўрнига туман прокуроридан олинган).

Тергов ҳаракатлари баённомаларининг мақбуллигига тааллуқли иккинчи қоида фактик маълумотлар олиш тегишли тергов ҳаракатини ўтказишда амалга оширилиши кераклигини англатади. Бир тергов ҳаракати иккинчиси билан ёки қонунда кўзда тутилмаган ҳаракат билан алмаштирилладиган баённомалар номақбул баённомалар сифатида чиқариб ташланиши керак. Амалиётда баъзан шундай ҳоллар учрайдики, терговчи ўзини "ортиқча расмиятчиликлар" билан қийнамай, бинони кўздан кечириш деб, аслида тинтув ўтказади. Бундай ҳаракатлар ва бунда тузилган баённомалар номақбул деб ҳисобланади, чунки тинтувнинг алоҳида процессуал тартиби мавжуд.

Процессчилар орасида, шунга қарамай, шундай фикрлар айtilмоқдаки, "ЖПК қоидалари тергов ҳаракати баённомасига қандайдир ном беришни тўғридан-тўғри буюрмайди..."⁴. Бундай фикрни қонунга қарши деб тан олмаслиқнинг иложи йўқ. Чунки бу талаблар баённомани айнан шу тергов ҳаракатининг бориши давомида ёки унинг тугаши билан тузишга мажбур этади ва баённоманинг номи ўтказилган тергов ҳаракатининг турига ҳамда ўтказиш қоидаларига мос келиши керак. Баённомаларнинг номлари ЖПК қоидалари билан регламентлаштирилган номларга мос келиши керак ва бу

регламентдан ташқарида тузилган баённомалар номақбул баённомалар деб тан олиниши керак.

Тергов ҳаракатлари баённомалари мақбуллиги талабларининг учинчи қоидаси тергов ҳаракатини ўтказиш ва уни баённомада мустаҳкамлашнинг процессуал тартибини сақлашга тааллуқлидир. У куйидагиларда ифодаланади:

1) Тергов ҳаракатини ўтказиш ва баённома тузиш фақат уни ўтказиш қарори бўлганда, яъни гувоҳлантиришда, тинтувда, почта-телеграф жўнатмаларини ва давлат сирига эга ҳужжатларни олиб қўйишни ўтказишда тегишли қарорлар чиқарилганда амалга оширилади. Мана шу тергов ҳаракатлари учун, гувоҳлантиришдан ташқари, прокурор санкцияси талаб қилинади.

Тергов ҳаракатларини юритиш ва уларнинг баённомаларини тузишда иштирок этиши қонун шарт деб ҳисобланадиган шахслар иштирок этишлари лозим. ЖПКнинг 87-моддасида кўрсатилган тергов ҳаракатларининг кўпчилигини амалга оширишда жиноят-процессуал қонунчилик бўйича ҳолислар иштироки талаб қилинади. Мурдани кўздан кечиришда суд-тиббийёт соҳасидаги мутахассис шифокорнинг бўлиши, гувоҳлантириш ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлиб ўтказилганда шифокор ёхуд бошқа мутахассис тиббий ходимнинг бўлиши; ҳар қандай ҳаракатни ўтказишда таржима қилиш зарур бўлганида таржимоннинг бўлиши шарт деб ҳисобланади. Бу шахсларнинг бўлмаслиги тегишли баённоманинг номақбуллигига олиб келади. Шу билан бирга, иштироки терговчининг ихтиёрига кўра ҳал қилинадиган шахсларга нисбатан бундай қатъий фармойиш йўқ. Гап кўздан кечириш ва тергов экспериментининг боришида гумон қилинувчининг, айбланувчининг, жабрланувчининг, гувоҳнинг иштироки тўғрисида бормоқда. Терговчи уларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши шарт ва қонуннинг мазкур талабига амал қилинмаган бўлса баённома номақбул деб ҳисобланади.

2) Тергов ҳаракатларини ўтказишда қонунда назарда тутилган қоидаларга риоя этиш, шунингдек, конкрет тергов ҳаракати учун кўзда тутилган барча ҳаракатларнинг изчиллигини сақлаш керак.

3) Ўтказилаётган тергов ҳаракатининг бориши ва натижаларини баённомаларда мустаҳкамлашда ЖПК қоидалари томонидан белгиланган барча талабларга риоя қилиш, шунингдек, тергов ҳаракати ўтказилган тартибда, яъни кетма-кетлик ва изчилликда қайд этиш лозим.

Тергов ҳаракатларининг барча баённомалари уларнинг мақбуллигига нисбатан баҳоланади. Бу баҳолаш, иложи бўлса, мазкур тергов ҳаракати баённомаси тузилиши биланоқ амалга оширилиши керак. Бу алоҳида ҳолларда баённомани тузишда йўл қўйилган хатоларни дарҳол бартараф қилишга ва исботлаш жараёнига "номақбул далиллар"ни киритмасликка имкон беради. Агар далилларнинг мақбуллиги суд муҳокамасининг сўнгида аниқланса, у ҳолда қонуннинг бузилиши билан олинган далиллар суд муҳокамаси давомида тарафлар томонидан фойдаланилиши ва қўлланилиши, ҳукм чиқаришда эса судга таъсир ўтказиши мумкин. Мана шунинг учун далилларнинг мақбуллиги эрта аниқланиши керак ва номақбул далиллар иш муҳокамасидан ўз вақтида чиқариб ташланиши керак. Шунинг учун далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги масала, биринчи навбатда терговчининг ўзи томонидан ҳали дастлабки терговдаёқ ҳал этилиши керак.

Процессни олиб борувчи шахслар (мақбуллиқни) баҳолашни тергов ҳаракати ўтказилиши ва баённома тузилиши билан дарҳол амалга оширишлари лозим. Бу тергов ҳаракатларини ўтказишда ва баённомаларни тузишда йўл қўйилган процессуал бузилишларни тузатиш фактори билан ҳам боғлиқ. Далилларни тўплашнинг процессуал шакли билан боғлиқ бузилишларга нисбатан юридик адабиётда турли фикрлар билдирилган. И.И.Мухин “агар далиллар дастлабки тергов ҳаракати босқичида қонунда кўзда тутилган шаклнинг бузилиши билан олинган бўлса, у ҳолда бундай маълумотлар, процессуал бузилишларнинг характеридан қатъи назар, аҳамиятга эга бўлмайди, чунки уларни аниқлаш ва топиш шакли бу далилларни ишончлилигини йўқотади ва шу сабаб улар иш бўйича хулосаларни асослаш учун қўлланиши мумкин эмас”⁵ деб ҳисоблайди. Процессчи олимларнинг кўпчилиги эса, далилларни олишда процессуал қонуннинг аҳамиятсиз бузилишлари мазкур далилни исботлашдан олиб ташланишига олиб келмаслиги керак. Бундай фикрларда бош аргумент бўлиб бундай бузилишларни “нейтраллаштириш”, тузатиш имконияти хизмат қилади. Бартараф этиш мумкин бўлган бузилишларга баённомаларни расмийлаштириш тартибидаги ҳатоларни кўрсатиш мумкин. Бундай бузилишларга, масалан, тергов ҳаракатини ўтказишнинг санаси ва вақтининг йўқлиги киради ва уни тергов изолятори томонидан айбланувчининг тергов ҳаракатида муайян вақт иштирок этганлиги тўғрисида берилган маълумотномаси билан ёки шунингдек, тергов ҳаракатида иштирок этган гувоҳнинг баённомада кўрсатилмаган сана ва вақти бор чакирув қоғозини илова қилиши билан тўлдириш мумкин. Баённомада ҳолис имзосининг йўқлигини ҳолисни сўроқ қилиш баённомаси билан тўлдириш мумкин ва ҳ.к.

Шубҳасиз, бузилишлар ё жиноий ё муҳим ҳаракатга эга бўлса ва мазкур “далиллар” номақбул бўлса, ҳеч қандай тўлдиришлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Жиноий характердаги бузилишларга қуйидагилар киради:

-ноқонуний ушлаб туриш, хибсага олиш (ЎЗР ЖК 234-модда);

-гумон қилинувчини, айбланувчини курсатув беришга, экспертни эса ноқонуний ҳаракатлар билан хулоса беришга мажбурлаш (ЎЗР ЖК 235-модда);

-далилларни сохталаштириш.

Муҳим бузилишларга ЎЗР Конституциясида мустақ-

камланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши, жиноят-процессуал қонуннинг қоидалари ва таққларининг бузилиши, шунингдек, қонуннинг тегишли субъект, тегишли манбалар, тегишли тергов ҳаракатлари ва тергов ҳаракатини ўтказишнинг тегишли процессуал тартиби тўғрисидаги талабларининг бузилиши киради.

Тергов ҳаракатларининг баённомаларининг мақбуллигини баҳолаш ўтказилган тергов ҳаракатининг ҳамда тузилган баённоманинг процессуал шаклини таҳлил қилиш ва уларни қонун талаблари билан солиштириш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш усули билан амалга оширилади. Баённомаларнинг мақбуллигини баҳолашнинг ажралиб турувчи хусусияти шундан иборатки, бунинг учун далиллар йиғиндиси талаб қилинмайди, фактик маълумотларнинг ўзини қонун талаблари нуқтаи назаридан текшириб чиқиш кифоя қилади. Фақат тергов ҳаракатини ўтказиш ва баённомани тузиш бундан олдин ўтказилган процессуал ҳаракатга боғлиқ ва унинг баённомасининг мақбуллиги ҳали баҳоланмаган ва олдинги баённоманинг номақбуллиги натижада мазкур баённоманинг номақбуллигига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Тергов ҳаракатлари баённомаларининг мақбуллиги тўғрисидаги масаланинг ҳал этилиши уларнинг далиллар деб тан олинишининг ва уларни исботлаш жараёнига жалб қилишнинг муҳим шартидир. Агар баённомалар бартараф қилиб бўлмайдиган бузилишларга эга бўлса уларни далиллар деб атаб бўлмайди.

Далилларни баҳолаш бўйича фикрлаш фаолиятининг натижаси терговчининг ўз хулосаларининг тўғрилигига ички ишончидир. Баҳолашнинг амалий томони жиноят процессининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш процессуал қарорларда ўз ифодасини топади.

Терговчи далилни текширар экан, бир вақтнинг ўзида уни баҳолайди. Тергов ҳаракати баённомасини унинг мақбуллиги жиҳатидан текшириш жараёнида, терговчида аниқ ишонч пайдо бўлади ва бу текширишни яқунлар экан, баённоманинг далил сифатида мақбулми йўқми, олдиндан билади.

Тергов ҳаракатлари баённомаларининг мақбуллигини текшириш ва баҳолашнинг аҳамияти шундаки, улар жиноят ишини тергов қилиш жараёнида тўпланган фактик маълумотларни далиллар деб тан олишининг ва уларнинг ишончлилигини таъминлашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена специфике проверки и оценки приемлемости протоколов предварительного следствия. В ней освещаются общие понятия проверки и оценки вещественных доказательств, проводится анализ действующего законодательства в данной сфере. Кроме того, указывается вся специфика проверки и оценки приемлемости протоколов предварительного следствия. В заключении автор обзореваает всю процессуальную важность проверки и оценки приемлемости протоколов предварительного следствия.

¹ Ляхов Ю.А. Допустимость доказательств в российском уголовном процессе. - М.: Экспертное бюро, 1999. С.3.

² Жиноят процесси. Дарслик. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. Т., 2007. Б. 240.

³ Зеленский Д.В. Проблемы допустимости доказательств в российском уголовном процессе. Автореф. канд.дисс. - Краснодар, 1995. С.8.

⁴ Некрасов С. Допустимость доказательств: вопросы и решения // Российская юстиция, 1998. - №1. С.9.

⁵ Мухин И.И. Объективная истина и некоторые вопросы оценки судебных доказательств при осуществлении правосудия, - Ленинград: Ленинградский ун-т, 1971. С. 16.

Мирзо МАДРАИМОВ,
Департаментнинг Сирдарё вилоят бошқармаси
катта инспектори, адлия кичик маслаҳатчиси

ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

XX аср охирларига келиб одам савдоси бутун инсониятга қарши асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолди. Одамдан эксплуатация мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар ошиб бориши тенденцияси бундай ижтимоий хавфли қилмишлар охир-оқибатда жамиятнинг демократик негизларига тажовуз қилиши билан миллий хавфсизликка ҳам таҳдид солади.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар халқаро ҳуқуқда анчадан бери мавжуд бўлиб, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда бундай жиноятларга қарши кураш ва унинг олдини олиш чоралари белгилаб берилган. 1926 йил 25 сентябрда қабул қилинган “Қуллик тўғрисида”ги Конвенция, 1956 йил 7 сентябрда қабул қилинган “Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида”ги қўшимча Конвенция, 1949 йил 21 мартда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциялар шулар жумласидандир. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасида одам савдоси жиноятларига қарши курашишни янада такомиллаштириш мақсадида одам савдосига қарши курашишга оид қатор халқаро ҳужжатлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу конвенциясини тўлдирувчи «Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»ги Баённомаси ратификация қилинди.

Шу билан бирга, Республикамизга аста-секинлик билан кириб келаётган одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва бундай жиноятларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида Республикамизда бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Республикамизда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссия фаолиятини ташкил этилиши, 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги

Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 911-сонли Қарорининг қабул қилиниши, одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий Режа ишлаб чиқилиши шулар жумласидандир. Албатта бу вазифаларни амалга ошириш ҳамда одам савдосига қарши курашишга доир қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш ҳар жиҳатдан бундай жиноятларни келиб чиқишини олдини олиш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонунида одам савдосига берилган тушунчада - куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ҳаракатлари одам савдоси жиноятларини ўз ичига олади. Одамлардан фойдаланиш - бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эркисиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англади.

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахс эса - мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек, ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс ҳисобланади.

Айтиш керакки, одам савдосини юқоридаги тушунчалари Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган одам савдосига қарши кураш борасида охириги йиллар тажрибасини ва чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштирган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” Конвенцияси (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) ва мазкур конвенцияни тўлдирувчи “Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ўамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги Протоколда келтирган тушунчаларга тўла мос келади ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаришга тайёр эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят қонунчилигида “одам билан савдо қилиш” каби алоҳида жиноят таркибини ташкил этувчи модда мавжуд эмас, фақат Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси, яъни “шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш” жинояти таркибини кўзда тутувчи модда қонун чиқарувчи томонидан киритилган бўлиб, амалдаги жиноят қонунчилигига одам савдоси учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи норманинг киритилиши Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши кураш борасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда муҳим кадам бўлади.

Бундай модданинг диспозицияси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда берилган изоҳдаги, яъни куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш каби ижтимоий хавфли қилмишларни акс эттириши мумкин.

Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган жиноят таркиби формал бўлиб, жиноят одамни олиш-сотиш битими тузилган пайтдан ёки қонуннинг мазкур моддасида кўрсатилган бошқа қилмиш содир этилган пайтдан тугалланган ҳисобланади. Шу билан бирга, қилмишда айрим квалификация белгилари мавжуд бўлганда жиноятни тугалланган деб топиш учун қонунда белгиланган оқибатлар (масалан, жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар) келиб чиққан бўлиши керак.

Шуни инобатга олиш лозимки, айрим ҳолларда жиноятнинг тугалланиш пайти эксплуатация тугаган (масалан, жабрланувчи қочиб кетган, жиноятга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан барҳам берилган, жабрланувчи айбдорнинг

ўзи ёки бошқа шахслар томонидан озод қилинган ва ҳ.к.) вақт билан боғлиқ бўлади.

Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «г» банди билан айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар квалификация қилинади.

Моддий қарамлик, жумладан, жабрланувчи айбдорнинг тўлиқ ёки қисман қарамоғида бўлганлигини, қарздорнинг кредиторга мутелигини ва ҳ.к.ни англатади.

Бошқа жиҳатдан қарамлик деганда, жабрланувчининг айбдорга ҳар қандай номоддий қарамлигини (масалан, оилавий муносабатлар, тобе шахснинг раҳбарига, ўқувчининг ўқитувчига қарамлигини) тушуниш зарур.

Хизмат мавқеидан фойдаланган ҳодда одам савдоси (Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «ж» банди), бундай жиноят мансабдор шахс томонидан ёки ўз хизмат ваколатларидан Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган ҳар қандай қилмишни енгиллатиш мақсадида фойдаланган бошқа шахс томонидан содир этилганлигини билдиради.

Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми «з» бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор жабрланувчини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки унинг ҳудудига Давлат чегараси орқали (қонуний ёки қонунга хилоф тарзда) ташийди ёки бошқа тарзда ўтказди ёхуд шахсни унинг эркига зид равишда хорижий давлат ҳудудида ушлаб туради.

Жабрланувчини чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиши ёки Ўзбекистон Республикаси дипломатик ёки консуллик муассасалари билан алоқа боғлаш имкониятидан маҳрум қилинишида намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексининг 135-моддаси учинчи қисми «б» банди бўйича жиноий жавобгарлик, фақат одам савдосида объект сифатида иштирок этган шахс ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар эҳтиётсизлик оқибатида етказилган тақдирдагина келиб чиқади.

Бошқа оғир оқибатлар сифатида, жумладан, жабрланувчининг ўзини-ўзи ўлдириши, унга таносил ёки ОИТС касали юқтирилганлиги, руҳий ҳолати бузилиши ва ҳ.к. тан олиниши мумкин.

Одам савдоси – шахснинг озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва эркин меҳнат қилишга кратилган жиноят бўлиб, у бутун инсоният хавфсизлигига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан биридир

Одам савдоси жиноятларини малакалашда шуни назарда тутиш лозимки, бу жиноят шахснинг озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва эркин меҳнат қилишига қаратилган ёки бундай ҳуқуқларни бузишга қаратилганлигидан қатъий назар юқорида

таъкидланганидек, жиноят одамни олиш-сотиш битими тузилган пайтдан ёки 135-моддада кўрсатилганидек, бошқа қилмиш содир этилганидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Афсуски, бундай жиноятлар республикамызда ҳам мавжуд бўлиб, фуқароларимиз турли алдов ва фирибгарлар таъсирида одам савдоси жиноятининг жабрланувчиси бўлиб қолмоқдалар.

Сўнгги йилларда авж олиб бораётган ушбу жиноятга қарши кураш чоралари давлат органлари ходимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан доимий амалга ошириб борилаётган.

Шунингдек, департаментнинг Сирдарё вилоят бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари томонидан одам савдосига қарши курашиш соҳасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Бошқарманинг СВОЖҚК бўлими ходимлари томонидан фуқаро Д.Баймуратовнинг аризаси бўйича ўтказилган тадбирда, фуқаро Р.Эгамов одамлардан фойдаланиш мақсадида ўзининг укаси У.Худайбергенов билан олдиндан жиний тил бириктириб, Сирдарё вилоятида яшовчи 10 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароларини алдаш йўли билан хорижда ҳар ойига 500-1000 АҚШ долларидан иш ҳақи тўлайдиган ишни ваъда қилган ҳолда 2008 йил 9 июль кунини Россия Федерациясининг Самара шаҳрига олиб бориб, ўзларининг таниши бўлган қозоқ миллатига мансуб Россия Федерацияси фуқароси «Қурбонғали» исмли шахсга моддий манфаатдорлик эвазига топширганлиги ҳамда уларни моддий жиҳатдан қарам қилиш йўли билан фуқаролик паспортларини олиб қўйган ҳолда 2008 йил июль ойидан ноябрь ойига қадар оғир шароитдаги қурилиш ишлари билан шуғулланишга мажбур қилганликлари аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан, бошқарма суриштирув бўлими томонидан фуқаролар Р.Эгамов ва У.Худайбергеновларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «б», «е», «з» банлари билан жиноят иши қўзғатилиб, су-

риштирув ва тергов натижаларига кўра суд ҳуқуқига асосан ҳуқуқбузарлар тегишли жазосини олди.

Шунингдек, Департаментнинг Сирдарё вилоят бошқармаси ходимлари томонидан фуқаролар М.Ибрагимова ва П.Даулетнаровларнинг аризасига асосан ўтказилган текширишда, 19.03.2010 йил кунини Сирдарё туман марказий шифохонаси акушерлик комплекси 1-туғруқ бўлими мудирини Э.Хасанова, туғруқхона неонатолог шифокорини Х.Юнусова билан олинган жиний тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда одам савдоси билан шуғулланиб, даромад олиш мақсадида, ожиз аҳволдалиги уларга аён бўлган шахси ноаниқ, икки ҳафталик чақалоқни фуқаролар М.Ибрагимова ва П.Даулетнаровларга 2200,0 минг сўмга сотган вақтида ушланган ва фуқаролар Э.Хасанова ва Х.Юнусоваларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «в», «е» ва «ж» банди билан жиноят иши қўзғатилган ва терговга ўтказилган.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш глобал аҳамият касб этмоқда. Чунки, одам савдоси инсон, унинг шаъни, қадр-қимматида даҳл қилувчи, унинг инсоний ҳуқуқларини поймол қилувчи ва бугунги кунда чегара билмас даражада барча ҳудудларни қамраб олувчи умумжаҳон миқёсдаги муаммо ҳисобланади.

Ана шу жиҳатдан одма савдоси жиноятига қарши кураш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси. Бундай жиноятларнинг олдини олишда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини юқори бўлишини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир вазифаларни янада жадаллаштирилиши лозим. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан маҳалла ўртасидаги ҳамкорлик ижобий самара беради.



АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена правовой природе и противодействию преступлениям, связанных с торговлей людьми. В данной статье наблюдается анализ фундаментальных основ правовой природы и противодействия торговле людьми в нашей стране, а также, анализ международных и национальных нормативно-правовых актов в данной сфере. Следовательно, в ней затрагиваются основные направления и пути совершенствования законодательной и правоприменительной деятельности в сфере соблюдения противодействия преступлений, связанных с торговлей людьми, приводятся статистические данные и примеры из практики. В заключении автор делает конкретные выводы о совершенствовании правоприменительной практиков данной сфере.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қарори

14.05.2010 й. № 7

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ПЛЕНУМИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларига биноан қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек одил судловни амалга ошириш амалиётида келиб чиқаётган масалаларни тўғри ҳал этиш бўйича тушунтиришлар бериш зарурияти туфайли, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми томонидан **фуқаролик ишлари бўйича** қабул қилинган қуйидаги қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги **«Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида»**ги 18-сонли қарорининг

а) **Ўзбек тилидаги матни преамбуласида:**

бешинчи сўзбошисидаги «микдорда» сўзи «даражада» сўзи билан алмаштирилсин;

олтинчи сўзбошисининг биринчи жумласидаги «амал қилмоқда» сўзи «мавжуд» сўзи билан алмаштирилсин;

б) **рус тилидаги матни преамбуласида:**

олтинчи сўзбошисининг охириги жумласи чиқарилсин;

в) **рус тилидаги матни 5-бандининг биринчи сўзбошисидаги** «назначаться» сўзи «предоставляться» сўзи билан алмаштирилсин;

г) **Ўзбек тилидаги матни 9-бандининг иккинчи сўзбошисидаги** «159-моддаси» сўзлари «157-моддаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Олий суд Пленумининг 2001 йил 1 июндаги **«Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида»**ги 6-сонли қарорининг

а) **Ўзбек тилидаги матни 12-бандининг:**

биринчи сўзбошисидаги «ва шу кабилар» сўзлари чиқарилсин;

иккинчи сўзбошисидаги «тўхтатилишининг ўзига» сўзлар «тугатилиши» сўзи билан алмаштирилсин;

б) **Ўзбек тилидаги матни 16-бандининг:**

биринчи сўзбошисидаги «каби» сўзи чиқарилсин;

«б» кичик бандидаги «мазкур» сўзи «кўрсатилган» сўзи билан алмаштирилсин;

в) **рус тилидаги матни 16-банди биринчи сўзбошисининг «в» кичик бандидаги** «физической» сўзи «половой» сўзи билан алмаштирилсин.

II. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми томонидан **жиноят ишлари бўйича** қабул қилинган қуйидаги қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги 1-сонли қарори

а) **11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«11. Жиноят кодекси 58-моддасига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун мазкур жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бунда энг кўп жазо деганда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (модданинг қисмида) назарда тутилган энг оғир жазо муддати ёки миқдори тушунилиши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, иштирокчиликда содир этилган жиноят ишлари бўйича суд ишдаги муайян ҳолатларни, ҳар бир иштирокчининг шахси ҳақидаги маълумотлар ва жиноятни содир этишдаги иштироки даражасини эътиборга олиб, жазони индивидуаллаштириши ҳамда биринчи марта жиноят содир этган шахсга қонун санкцияси доирасида енгилроқ жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозим»;

б) **17-банд биринчи сўзбошиси биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Қонунга мувофиқ жазо тариқасида тайинланган жаримани маҳкум ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой, ҳукм чиқарилган кунда ўн саккиз ёшга тўлмаган маҳкум эса - олти ой мобайнида ихтиёрий равишда тўлаши лозим»;

в) **27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Озодликдан маҳрум қилиш жазоси:

олти ойдан йигирма йилгача бўлган муддатга, ЖК 60-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса, йигирма беш йилгача бўлган муддатга;

вояга етмаганларга нисбатан-олти ойдан ўн йилгача бўлган муддатга, ЖК 86- моддасида назарда тутилган ҳолларда эса, – ўн беш йилгача бўлган муддатга; ЖК 44-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда жарима тариқасидаги жазосини алмаштириш тартибида, – уч йилдан кўп бўлмаган муддатга; ЖК 46-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазосини алмаштириш тартибида, – олти ойдан кам бўлган муддатга тайинланиши мумкин.

Йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш (узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (ЖК 155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин. Бунда узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш

жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши истисно этилади»;

г) 28-бандидаги «**«ЖК 59-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ» сўзлари «ЖК 59-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ» сўзларига алмаштирилсин»;**

д) қуйидаги мазмундаги 30-1 банд билан тўлдирилсин:

«Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллаш бўйича

30-1. Жиноят кодекси 51-моддасига мувофиқ, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (ЖК 155-моддасининг учинчи қисми) учун тайинланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллаш масаласини ҳал этишда, судлар бу турдаги жазо фавқулодда жазо бўлиб, фақат ишда жавобгарликни оғирлаштирадиган алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлгандагина тайинланиши мумкинлигини ва маҳкумни жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборат бўлишини ҳисобга олишлари лозим.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қуйидагиларга тайинланиши мумкин эмас:

аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан; тамом бўлмаган жиноятлар учун»;

е) қуйидаги мазмундаги 30-2 банд билан тўлдирилсин:

«30-2. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 50-моддаси тўртинчи қисмида, 51-моддаси учинчи қисмида белгиланган қоидалар ҳукм чиқарилган ёки иш апелляция инстанциясида қўрилган кунда 60 ёшга тўлган эркакларга нисбатан татбиқ этилади»;

ж) **53-банддаги «ЖК 59-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ» сўзлари «ЖК 59-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ» сўзларига алмаштирилсин»;**

з) **55-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Судлар шуни ҳисобга олишлари керакки, ҳукмлар мажмуи бўйича белгиланган жазо янги жиноят учун белгиланган жазо муддатидан ҳам илгариги ҳукм бўйича белгиланган жазонинг ўталмаган қисмидан ҳам кўпроқ бўлиши керак.

Бунда озодликдан маҳрум этиш (узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш) тариқасидаги узил-кесил жазо муддати йигирма беш йилдан, вояга етмаганлар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ҳамда аёлларга нисбатан эса - ўн беш йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Жиноят кодекси 60-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, агар ҳукмлардан бири бўйича умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, узил-кесил жазо енгилроқ жазо турини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш йўли билан тайинланади»;

и) 58-бандидаги «**ЖК 59-моддасининг олтинчи қисми сўзлари «ЖК 59-моддасининг саккизинчи қисми» сўзларига алмаштирилсин.**

2. Олий суди Пленумининг 2001 йил 2 ноябрдаги **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини суд амалиётида қўллаш ҳақида»ги 25-сонли қарори

а) **4-банд чиқарилсин;**

б) **7-банд чиқарилсин.**

3. Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **«Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»**ги 11-сонли қарори

а) **11-банд иккинчи сўзбошиси иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Бу зарарнинг кўп ёки жуда кўп миқдорда эканлиги ҳар бир муайян иш бўйича тергов органи ва суд томонидан асослантилган бўлиши зарур»;

б) **18-банд биринчи сўзбошиси биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖК 184-моддаси) иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган энг хавfli жиноятлардан ҳисобланади ва бу ҳар бир фуқаро томонидан қонун билан белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдек конституциявий бурчларини қасддан бажармасликда ифодаланади»;

в) **19-банд биринчи ва иккинчи сўзбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Жиноят кодексининг 184-моддаси диспозицияси бланкет (ҳавола қилувчи) диспозиция бўлиб, «даромадлар», «фойда», «солиқ тўланадиган объектлар», «солиқлар», «мажбурий тўловлар» каби тушунчаларнинг мазмунини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мурожаат қилиш лозим. Жумладан, Солиқ кодексининг 12 ва 23-моддалари солиқ ва мажбурий тўловлар тушунчасини, 22-моддаси фойда тушунчасини ёритиб беради ва ҳ.к.»;

г) **24-бандидаги «6-боби» сўзлари «йигирма биринчи боби» сўзларига алмаштирилсин.**

Олий суд раиси

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Б.Мустафав

В.Назаров

Постановление Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан

14.05.2010 г. № 07

О ВНЕСЕНИИ ИЗМЕНЕНИЙ И ДОПОЛНЕНИЙ В НЕКОТОРЫЕ ПОСТАНОВЛЕНИЯ ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В связи с изменениями и дополнениями, внесенными в законодательство в соответствии с проводимой в республике судебно-правовой реформой, а также необходимостью дачи разъяснений по правильному разрешению вопросов, возникающих в практике, на основании статьи 17 Закона «О судах», Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

ПОСТАНОВЛЯЕТ:

I. Внести изменения и дополнения в следующие постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, принятые по гражданским делам:

1. Постановление Пленума Верховного суда от 24 сентября 1999 года №18 «О подготовке гражданских дел к судебному разбирательству и сроках их рассмотрения»

а) в преамбуле текста на узбекском языке:

в абзаце пятом слово «михдорда» заменить словом «даражада»;

в первом предложении абзаца шестого слова «амал хилможда» заменить словом «мавжуд»;

б) в преамбуле текста на русском языке последнее предложение абзаца шестого исключить;

в) в абзаце первом пункта 5 текста на русском языке слово «назначаться» заменить словом «предоставляться»;

г) в абзаце втором пункта 9 текста на узбекском языке слова «159-моддаси» заменить словами «157-моддаси».

2. Постановление Пленума Верховного суда от 1 июня 2001 года №6 «О применении судами законодательства при рассмотрении дел об установлении отцовства»

а) в пункте 12 текста на узбекском языке:

в абзаце первом слова «ва шу кабилар» исключить;

в абзаце втором слова «тўхтатилишининг ўзига» заменить словами «тугатилиши»;

б) в пункте 16 текста на узбекском языке:

в абзаце первом слово «каби» исключить;

в подпункте «б» слово «мазкур» заменить словом «кўрсатилган»;

в) в подпункте «в» абзаца первого пункта 16 текста на русском языке слово «физической» заменить словом «половой».

II. Внести изменения и дополнения в следующие постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, принятые по уголовным делам:

1. Постановление Пленума Верховного суда от 3 февраля 2006 года №1 «О практике назначения судами уголовного наказания»

а) пункт 11 изложить в следующей редакции:

«11. В соответствии со статьей 58 УК размер наказания за приготовление к преступлению и покушение на преступление не может превышать трех четвертей максимального наказания, предусмотренного законом за данное преступление. При этом под максимальным наказанием следует понимать срок или размер наиболее строгого вида наказания, предусмотренного соответствующей статьей (частью статьи) Особенной части Уголовного кодекса.

Следует иметь в виду, что по делам, по которым преступления совершены в соучастии, суду необходимо обсуждать вопрос о дифференциации наказания с учетом конкретных обстоятельств дела, данных о личности и степени участия каждого соучастника преступления, а также о назначении в пределах санкции закона менее строгого наказания лицу, впервые совершившему преступление»;

б) первое предложение абзаца первого пункта 17 изложить в следующей редакции:

«По закону осужденный обязан добровольно уплатить штраф, назначенный в качестве наказания, в месячный срок, а осужденный, не достигший ко дню вынесения приговора восемнадцатилетнего возраста, - в шестимесячный срок со дня вступления приговора в законную силу»;

в) пункт 27 изложить в следующей редакции:

«Лишение свободы может быть назначено:

на срок от шести месяцев до двадцати лет, а в случаях, предусмотренных статьей 60 УК, на срок до двадцати пяти лет;

в отношении несовершеннолетних – на срок от шести месяцев до десяти лет, а в случаях, предусмотренных статьей 86 УК, – на срок до пятнадцати лет;

в порядке замены наказания в виде штрафа в случаях, предусмотренных частью третьей статьи 44 УК, - на срок не свыше трех лет;

в порядке замены наказания в виде исправительных работ в случаях, предусмотренных частью четвертой статьи 46 УК, - на срок менее шести месяцев.

Лишение свободы на срок свыше двадцати, но не более двадцати пяти лет (длительный срок лишения свободы) может быть назначено за совершение умышленного убийства при отягчающих обстоятельствах (часть вторая статьи 97 УК) и терроризма (часть третья статьи 155 УК). При этом исключается назначение длительного срока лишения свободы женщине, лицу, совершившему преступление в возрасте до восемнадцати лет, и мужчине старше шестидесяти лет»;

г) в пункте 28 слова «с частью четвертой статьи 59

Уголовного кодекса» заменить словами «с частью шестой статьи 59 Уголовного кодекса»;

д) **дополнить пунктом 30-1 следующего содержания:**

«По применению наказания в виде пожизненного лишения свободы

30-1. В соответствии со статьей 51 УК наказание в виде пожизненного лишения свободы назначается лишь за умышленное убийство при отягчающих обстоятельствах (часть вторая статьи 97 УК) и терроризм (часть третья статьи 155 УК).

При решении вопроса о применении к виновному наказания в виде пожизненного лишения свободы суды должны учитывать, что этот вид наказания является исключительным и может назначаться лишь тогда, когда по делу имеются особые обстоятельства, отягчающие ответственность и состоит в бессрочной изоляции осужденного от общества.

Наказание в виде пожизненного лишения свободы не может быть назначено:

женщине, лицу, совершившему преступление в возрасте до восемнадцати лет, и мужчине старше шести десяти лет;

за неоконченное преступление»;

е) **дополнить пунктом 30-2 следующего содержания:**

«30-2. Судам следует иметь в виду, что требования части четвертой статьи 50 и части третьей статьи 51 УК распространяются на мужчин, достигших шестидесятилетнего возраста ко дню вынесения приговора или рассмотрения дела в апелляционной инстанции»;

ж) **в пункте 53** слова «с частью шестой статьи 59 Уголовного кодекса» заменить словами «с частью восьмой статьи 59 Уголовного кодекса»;

з) **пункт 55 изложить в следующей редакции:**

«Судам необходимо учитывать, что наказание по совокупности приговоров по своему размеру должно быть больше как наказания, назначенного за вновь совершенное преступление, так и неотбытой части наказания по предыдущему приговору.

При этом срок окончательного наказания в виде лишения свободы (длительного срока лишения свободы) не может превышать двадцати пяти лет, а в отношении несовершеннолетних, мужчин в возрасте более шестидесяти лет, а также женщин - не более пятнадцати лет.

В соответствии с частью третьей статьи 60 УК, в

случаях, когда по одному из приговоров назначено наказание в виде пожизненного лишения свободы, окончательное наказание назначается путем поглощения менее строгого вида наказания пожизненным лишением свободы»;

и) **в пункте 58** слова «части шестой статьи 59 УК» заменить словами «части восьмой статьи 59 УК».

2. Постановление Пленума Верховного суда от 2 ноября 2001 года №25 **«О применении в судебной практике Закона «О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности в связи с либерализацией уголовных наказаний»**

а) **пункт 4 исключить;**

б) **пункт 7 исключить.**

3. Постановление Пленума Верховного суда от 17 апреля 1998 года №11 **«О некоторых вопросах, возникших в судебной практике по делам о преступлениях в сфере экономики»**

а) **второе предложение абзаца второго пункта 11 изложить в следующей редакции:**

«Размер этого ущерба, как крупного или особо крупного, должен быть аргументирован следственным органом и судом по каждому конкретному делу»;

б) **первое предложение абзаца первого пункта 18 изложить в следующей редакции:**

«Уклонение от уплаты налогов или других обязательных платежей (статья 184 УК) является одним из наиболее опасных преступлений, совершаемых в сфере экономики, и заключается в умышленном невыполнении конституционной обязанности каждого гражданина платить установленные законом налоги или другие обязательные платежи»;

в) **первое и второе предложение пункта 19 изложить в следующей редакции:**

«Поскольку диспозиция статьи 184 Уголовного кодекса является бланкетной, для выяснения содержания понятий «доходы», «прибыль», «объекты налогообложения», «налоги», «обязательные платежи» следует обращаться к Налоговому кодексу Республики Узбекистан. В частности, статьи 12 и 23 Налогового кодекса раскрывают понятия налогов и обязательных платежей, статья 22 Налогового кодекса раскрывает понятия прибыли и т.д.»;

г) **в пункте 24** слова «главы шестой» заменить словами «главы двадцать первой».4

Председатель
Верховного суда

Секретарь Пленума,
судья Верховного суда

Б.Мустафев

В.Назаров

**ОТЗЫВ на диссертацию Абдуллаевой Н.Н на тему:
«Правовое регулирование страхования ответственности» по специальности 12.00.03 –
гражданское право; семейное право; гражданский процесс; международное частное
право, представленной на соискание ученой степени кандидата юридических наук.**

Участие в гражданских правоотношениях, особенно в наше непростое время, полно неожиданностей и неизбежно связано с риском, без страхования которого произошел бы спад активности гражданского оборота.

В данном случае неисполнение участниками гражданских правоотношений, возложенных на них обязанностей, неизбежно нарушает субъективные права других участников этих правоотношений. Тем самым, страхование гражданско-правовой ответственности в таких случаях страхует ответственность одного участника гражданского правоотношения перед другим участником того же правоотношения, ответственность правонарушителя перед потерпевшим.

Особенность страхования гражданско-правовой ответственности проявляется также в том, что она стимулирует к активности и соблюдению требований закона участниками гражданского оборота тем самым предотвращает правонарушения и уменьшает неблагоприятные последствия, кроме того обеспечивает восполнение тех имущественных потерь, который понёс участник в результате страхового случая.

Рисковой характер общественного производства, порождает отношение между людьми по предупреждению, преодолению, локализации и по безусловному возмещению нанесенного ущерба.

С учетом этого, обращение внимания научной мысли проблемам правового регулирования страхования ответственности как необходимого элемента производственных отношений, связанного с возмещением материальных потерь в процессе гражданского оборота, является вполне обоснованным. Тем более, что по указанному проблематическому ощущается дефицит отечественных научных исследований.

Актуальность темы диссертационного исследования не вызывает сомнения как в теоретическом, так и в практическом плане, и кроме отмеченных аспектов обусловлена возрастанием роли страхования, что является мощным фактором положительного воздействия на экономику страны.

Диссертационное исследование отражает все возрастающее значение гражданско-правового регулирования в глобальной системе торговли: финансов и производства, когда главными действующими лицами в мировом хозяйстве и глобальном гражданском обществе выступают индивиды и их объединения.

В работе на высоком теоретическом, научном уровне раскрыты подходы и доктрины, международно-правовая база регулирования страхования ответственности, о также поиски решения совокупности проблем правового регулирования относительно данного вида деятельности.

Автор выработал практически обоснованные новеллы и рекомендации по совершенствованию национального законодательства в сфере регулирования страхования ответственности, предложил решение проблем квалификации и типологии договора страхо-

вания ответственности, определил пределы ответственности.

Диссертационное исследование обогащает теорию и правоприменительную практику в сфере правового регулирования страхования ответственности, вводит в научный оборот целый ряд новых понятий, расширяет научные представления о периодизации истории страхования ответственности и открывает новое направление исследований в области правового регулирования отношений по страхованию.

Диссертационное исследование отличается богатством эмпирического материала, глубиной исследования и практической значимостью.

Практическая ценность авторских размышлений заключается и в том, что выводы и предложения диссертанта могут быть использованы для совершенствования законодательства и в учебном процессе.

Автором исследуется становление и развитие института страхования ответственности. Соискателем осуществлена попытка систематизировать периодизацию истории страхования ответственности.

Диссертант должное внимание уделяет источникам правового регулирования страхования ответственности и проводит анализ международных договоров Республики Узбекистан в сфере страхования ответственности, в сравнительно-типологическом аспекте изучает страхование гражданской ответственности, содержащееся в законодательстве иностранных государств.

В работе предпринимается попытка определить содержание договора страхования гражданской ответственности. При этом автор анализирует сущность и особенности договора страхования правового регулирования страхования ответственности, как гражданско-правовой, так и договорной, определяет недостатки и предложения по их устранению.

Одним из главных направлений экономической реформы – видится автору в повышении роли страхования и совершенствования правового регулирования страхования ответственности, в том числе новый подход к вопросу о страховании ответственности в страховых отношениях.

Полагаем, что перечисленные положения и те, что остались за пределами настоящего отзыва, позволяют существенно изменить положения дел в сфере совершенствования правового регулирования страхования ответственности и станут необходимым рычагом в развитии данной категории правовых отношений.

Как и любое научное исследование, диссертация Абдуллаевой Н.Н. не лишена отдельных спорных положений.

Представляется, автор не предприняла попытку определения степени эффективности именно действующего правового регулирования страхования ответственности в Республики Узбекистан.

Поэтому, диссертант не обращает должного внимания типам отечественных страховых организаций, видам предлагаемых отечественных страховых услуг,

системе государственного и ведомственного контроля, осуществлению надзора и регулированию страховой деятельности, порядке выдачи лицензии брокерам, агентам и страховым компаниям в Республике Узбекистан (хотя бы на уровне проведенного анализа соответствующей отрасли в США).

При этом автор преувеличивает значение зарубежного опыта отраслевого правового регулирования, в то же время обходит вниманием раскрытию юридического содержания и практических позиций отечественного отраслевого законодательства.

Полагаем, что без осуществления теоретического анализа вышеуказанного массива трудно представить научное осмысление перспектив и совершенствования в целом отечественного страхового дела, соответственно по предмету данного диссертационного исследования.

Далеко не бесспорным является утверждение автора о совершенствовании страхового законодательства Республики Узбекистан по пути издания кодифицированного акта..., регулирующего какие-либо сферы экономической деятельности.

Не следует забывать, что страхование это вид общественно-полезной деятельности, при котором участники гражданского оборота заранее страхуют себя от неблагоприятных последствий в сфере их материальных и личных материальных благ путем внесения денежных взносов страховщику, а оказывающий страховые услуги при наступлении указанных последствий выплачивает обусловленную сумму.

Кроме того, законодательство о страховании имеет комплексную природу, объединяя нормы как частного, так и публичного права. Однако, основу законодательства о страховании, конечно же образуют акты гражданского законодательства. Именно в них закрепляются основы страхования, которым должны подчиняться любые правила о страховании, в какой бы сфере они не подчинялись.

Поэтому так называемый кодифицированный акт, который автор предлагает разработать на уровне подотраслей права и правовых институтов, несмотря на обилие регламентирующих его публично-правовых норм, не может быть исключен из сферы влияния Гражданского кодекса.

Полагаем, отраслевое законодательство как система находится в стадии развития и нормы ГК о страховании должны найти развитие в новом законе, должны появиться новые виды обязательного страхования, обновиться подзаконные нормативные акты по страхованию и т.д.

Вряд ли можно согласиться с мнением автора о том, что предметом договора страхования является денежное обязательство, а не услуга. Договор страхования не только ориентируется на денежное обязательство. Предметом договора страхования является особого рода услуга, которую страховщик оказывает страхователю и которая воплощается в несении страхового риска в пределах страховой суммы.

Страховой риск – качественная характеристика предмета данного договора, а страховая сумма – ко-

личественная. Именно при помощи этих двух характеристик можно провести четкие границы между любыми конкретными договорами страхования. В силу этого было бы правильнее говорить о предмете страхования как об услуге, под которым понимаются страховые интересы.

Нельзя согласиться и с мнением автора о необходимости внесения в Гражданский кодекс понятия страхового случая, как «наступление неблагоприятных последствий в результате обусловленных событий в отношении имущества или личности страхователя». К сведению автора, страховой случай – это фактически наступившее событие, которое предусмотрено законом или договором страхования и влечет возникновение обязанности страховщика произвести страховую выплату. При этом нельзя забывать о том, что страховой случай должен соответствовать по своим параметрам страховому риску, отличаясь от него одной чертой – бытием и реальной действительностью.

Весьма спорными являются практические рекомендации по совершенствованию правового регулирования, которые сфокусированы на отмену или изменению отдельных правовых норм, или же вступление Республики Узбекистан в «перестраховочный пул Организации Экономического Сотрудничества».

Диссертант при этом не уделяет должного внимания таким важным направлениям совершенствования отраслевого правового регулирования, как прямому участию государства в становлении страховой системы защиты интересов участников гражданского оборота; законодательному обеспечению становления и защиты национального страхового рынка; государственному надзору за страховой деятельностью; защите добросовестной конкуренции на страховом рынке, предупреждению и пресечению монополизма.

На наш взгляд, совершенствование правового регулирования страхования гражданской ответственности должно проявляться в различных формах. Таких как, принятие законодательных актов, регулирующих страхование; установление в интересах общества и отдельных категорий его граждан обязательного страхования; проведение специальной налоговой политики; установление различного рода льгот страховым компаниям для стимулирования такой деятельности; создание особого правового механизма, обеспечивающего надзор за функционированием страховых предприятий и организаций.

Вышеуказанные замечания не снижают общей, весьма высокой оценки рецензируемой работы. Работа Абдуллаевой Н.Н. вносит существенный вклад в юридическую науку.

Работа является итогом завершеного научного исследования по специальности 12.00.03, о чем свидетельствует и перечень всех изданных работ по проблеме диссертации.

Диссертация имеет хорошую методологическую основу. Соискательницей используются общенаучные методы анализа и синтеза. Источниковедческая и нормативная база исследования достаточны для решения автором поставленной задачи.

АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРЛИК ИШЛАТИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ОИЛА, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

2010 йил 12 ноябрь куни Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Тошкент вилоят прокуратураси ва вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Давлат юридик институти, Чирчиқ шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда **“Аёлларга нисбатан зўрлик ишлатишнинг олдини олишда оила, жамият ва давлатнинг роли”** мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ходимлари тингловчилари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент давлат юридик институтининг профессор-ўқитувчилари, Тошкент вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Семинарда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик ҳужжатлари – 1995 йил 2 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 17 мартдаги “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармонлари, 1997 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида”ги Қарори, 1999 йил 14 апрелда “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги каби Қонунлар бугунги кунда аёлларга нисбатан зўрлик ишлатишнинг ҳар қандай кўринишларини бартараф этишни таъминловчи қонунчилик ҳужжатларидир.

Уларнинг ижроси учун давлат органлари айниқса, прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган кенг миқёсли амалий саъй-ҳаракатлар хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги ҳам алоҳида эътироф этилди.

Семинар давомида оила ҳаётига зўравонликнинг, айниқса унинг жинсий кўринишларининг кириб келиши оиладаги тарбиявий муҳитга таъсир этиб, болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг кучайтириши, воёга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга, фоҳишабозлик ва жинсий фаолиятга жалб этиш каби ҳолатларни юзага келишига замин яратиши каби алоҳида эътибор қаратилди.

Шу боис, бугунги кунда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал асосларини яратиш ва такомиллаштириш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ҳамда нодавлат органлар тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича зарур чоралар кўриш лозимлиги қайд этилди. Бундан ташқари, аёллар ҳуқуқлари бўйича таълим ва ахборот-маърифий фаолият тизimini яратиш ва олиб бориш, аёллар ҳуқуқлари соҳасида парламент фаолиятини ривожлантириш, аёлларга оид қонунчилик талабларини тўлиқ ва аниқ бажарилишини таъминлашда прокуратура органларининг ўрни муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан мазкур семинар доирасида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини рўйбага чиқарувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ҳамда уларда мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларнинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш юзасидан суд, прокуратура органлари ҳамда мутасадди ташкилот ва идораларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини такомиллаштириш, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЯНГИ КИТОБ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курслари тингловчилари томонидан тайёрланган мақолаларни тўплам ҳолатида чоп этириш анъанага айланмоқда. (Олий ўқув курслари бошлиғи ю.ф.д. Т.А. Умаровнинг умумий таҳрири остида, масъул муҳаррир: ю.ф.д. Ф.Ҳ. Раҳимов) Т - 2010, 210 бет.

Ушбу тўпламга раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курсларини 2009-2010 ўқув йилида тугатган тингловчилар ва Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчиларининг Ўзбекистон Республи-

каси Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга оид илмий-амалий мақолалари киритилган. Мақолаларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар жараёни, қонунчиликдаги янгиликлар, шунингдек, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар ўз аксини топган.

Тўплам назариётчи олимлар, амалиёт ходимлари ва олий ўқув юртлиари талабалари учун мўлжалланган.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;
- матн такрорлашларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақриси;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.

